

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРУВ  
ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**К. Н. ЮСУПОВА**

# **КРЕАТИВ ПЕДАГОГ БЎЛАМАН**

**(ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖЛАРИ  
ЎҚУВЧИЛАРИ ВА ПЕДАГОГЛАРИ УЧУН ЎҚУВ - ҚЎЛЛАНМА)**



**“LESSON PRESS” nashriyoti  
ТОШКЕНТ 2022**

**УО‘К 37.013(075)**

**КВК 74ya73**

**К.Н.Юсупова “Креатив педагог бўламан” педагогика коллажлари ўқувчилари ва педагоглари учун ўқув- қўлланма.-Т “LESSON PRESS” nashriyoti.:, 2022.-108 б.**

Ўқув қўлланмада креативлик тушунчаси, креатив компетенцияни ривожланишига тўсиқ бўладиган омиллар, компетенцияни ривожлантириш бўйича олимларнинг изланишлари, методлар, машқлар, тестлар, педагогик атамаларнинг изохли лугати,ижодий ишлардан намуналар келтирилган. Ушбу ўқув қўлланмадан профессионал таълим тизими педагог ходимлари ва ўқувчилари фойдаланишлари мумкин.

**Тақризчилар:**

Каримова Н.Н. ПИКҲТБҲПКҚТ ва УМОИ “ Персонални бошқариш” кафедраси доценти (PhD).

Тўхтаева З.Ш. Бухоро муҳандислик-технология институти “Енгил саноат маҳсулотлари технологияси” кафедраси мудири, доцент.

**Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти илмий-услубий кенгаши муҳокамасида ўқув қўлланма нашр этишга ва фойдаланишга тавсия этилган**

**ISBN 978-9943-8063-8-2**

**© К. Н. ЮСУПОВА  
© “LESSON PRESS” nashriyoti**

## **КИРИШ**

Сўнги йилларда Республикаизда фан, маданият, ишлаб чиқариш, таълим соҳасида жадал ривожланиш суръати яққол кўзга ташланмоқда. Хусусан, Профессионал таълим тизимидаи туб ислоҳотлар-таълим тизимиға янги ахборот ва педагогик технологияларни татбиқ этиш, кенг миқёсда амалга жорий этилмоқда. Бугунги кунда барча соҳалардаги янгиликлар, фанларо интеграциялашув жараёнлари Профессионал таълимда етишиб чиқаётган мутахассисларга ҳам катта вазифаларни юкламоқда улар замонавий таълим талабларига жавоб бера оладиган ва жаҳондаги ривожланган мамлакатлар мутахассислари билан тенгликда рақобатлаша оладиган бўлишлари талаб этилади. Бир вақтнинг ўзида бир нечта турли масалаларнинг ечимини топишга эришиш, ўз фаолиятида инновацион янгиликларни, ноодатий ғояларни қўллай олиш малакасига эга бўлиш бугунги кун педагогига қўйилаётган асосий талаблардан бири. Бу эса уларда креативлик компетенциясини шаклланганлигини тақазо этади. Дунё миқёсида бўлажак мутахассисларнинг креативлик компетенциясини шакллантириш масаласи долзарб саналмоқда. Педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлиши унинг шахсий қобилиятлари, табиий ва ижтимоий қувватини касбий фаолиятни сифатли, самарали ташкил этишга йўналтиради. Профессионал таълим тизимида фаолият юритаётган педагогларнинг креативлик сифатларига эга бўлишлари уларда ўқув ва тарбия жараёнларини ташкил этишга анъанавий ёндашишдан фарқли янги ғояларни яратиш, бир қолипда фикрламаслик, ўзига хослик, ташаббускорлик, ноаниқликка тоқат қиласликка ёрдам беради. Бинобарин, креативлик сифатларига эга педагог касбий фаолиятни ташкил этишда ижодий ёндашиш, янги, илғор, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини, шахсий сифатларини ривожлантиришга хизмат қиладиган ғояларни яратишда фаоллик кўрсатиш, илғор педагогик ютуқ ва тажрибаларни мустақил ўрганиш, шунингдек, ҳамкаслар билан педагогик ютуқлар хусусида доимий, изчил фикр алмашиш тажрибасига эга бўлишга эътибор қаратади. Одатда педагогларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари

педагогик муаммоларни ҳал қилишга интилиш, илмий-тадқиқот ишлари ёки илмий лойиҳаларни амалга ошириш ва ўзаро ижодий ҳамкорликка эришишлари орқали таъминланади. Педагог ўз-ўзидан ижодкор бўлиб қолмайди. Унинг ижодкорлик қобилияти маълум вақт ичida изчил ўқиб-ўрганиш, ўз устида ишлаш орқали шакллантирилади ва аста-секин такомиллашиб, ривожланиб боради. Профессионал таълим педагогси, педагогик ишининг мукаммаллиги ҳақида гапирганда кўп қиррали билимли мутахасисни, дарс жараёнини турли воситалар тизими билан уйғун ташкил эта олиш қобилиятига эга бўлган кадрни шакллантиришни назарда тутамиз.

В.А.Кан-Калик ва Н.Д. Никандров "Педагог икижод" китобида педагогик идеалнинг ахлоқий жиҳатига алоҳида эътибор беради. Китобда "Ижод жараёни- педагогикада доимий пайдо бўлаётган педагогик муаммоларни ҳал этиш жараёнидир" деган фикрни илгари сурди. Шу тушунчалар асосида хуоса қилиш мумкинки, педагогик амалиёт жараёнида ўқувчиларнинг креатив қобилиятларини ривожлантириш педагогик жараёнда маҳсус усуллардан фойдаланиш, янги тамойиллар асосида унумли ижодий фикрлашни ташкил этишни ўзичига олади. Мазкур қўлланма педагогика коллежлари мактабгача таълим йўналиши ўқувчи ва педагоглари учун қўшимча адабиёт сифатида тавсия этилмоқда. Ўқув қўлланмада креативлик компетенцияси, шакллантириш усуллари методлар ва тестлар келтирилган бўлиб улар ёрдамида креативлик компетенциясини ривожланганлик даражасини аниқлаш ва такомиллаштириш мумкин бўлади. Шу билан бирга ўқувчилар қўлланма ёрдамида креатив таълим, бу борада олимларнинг изланишлари билан танишилари мумкин бўлади. Педагоглар креатив педагогга қўйиладиган талаблар билан танишишлари, креативликни ривожлантирувчи инструментлар, тўсиқ бўлувчи омиллар ва уларнинг ечимлари билан танишишлари мумкин бўлади.

# 1-БОБ КРЕАТИВ ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИНИ ШАКЛАНТИРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ



## 1.1. КРЕАТИВЛИК ЎЗИ НИМА ВА УНИ ҚАНДАЙ РИВОЖЛАНТИРИШ КЕРАК?

Креативлик – бу мавжуд билим ва кўникмаларга таянган ҳолда кутилмаган қарорлар қабул қилиш қобилиятидир. Бундан келиб чиқадики, креативлик – инсонга бирон-бир янгилик яратишида ёрдам берадиган, унинг ижодий имкониятлари ҳисобланади. Шунда, фикрлар чалкашлиги юзага келади. Барчамиз болаликдан “ижодкорлик” сўзига кўнишиб қолганмиз.



Нима учун аллақандай “креативлик” сўзини ўйлаб топиш керак? Креативлик хусусияти ижодкорликдан қандай ажралиб туради? Ушбу атама, тушунча маъносини ўзгартирадими, унга синоним бўла оладими ёки уни тўлдирадими? Ҳаммаси осон. Ижодкорлик – бу жараён, креативлик эса – ижод билан шуғулланишида ёрдам берувчи қобилият. Яъни, бирон-кимда креативлик ривожланган бўлса, ўша инсон учун ижод қилиш бир мунча осон кечади. Инсондаги ушбу хусусият, ундаги психик жараёнларга боғлиқ бўлиб, қизиғи шундаки, психологияда креативлик атамаси қандай маънони англатар экан. Психологияда белгиланишича, креативлик – инсоннинг ижодкорлик қобилиятларини аниқловчи ўзига хос хусусият ҳисобланади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, креативлик – юзага келган масалаларга жавоб тариқасида намоён бўлувчи, инсоннинг ички имкониятлари хақида билдиради.

Абрахам Маслоунинг сўзларига кўра, креативлик – ўз-ўзини юксалтириш, яъни ўз шахсий имкониятларини бутунлай ривожлантиришга қодир бўлган инсонларнинг универсал хусусияти ҳисобланади. Биргина ижодда инсон ўзининг ички имкониятларини, бир қолипга тушиб қолган ҳолатда эмас, балки оригинал тарзда ҳаракатланиб, намоён қилиши мумкин.

Креативлик ва унинг ривожланиш даражасини аниқлаш учун маълум мезонлар мавжуд.


## **Креативлик мезонлари**

Креативликни шакллантирувчи асосий мезонларга қуидагилар киради:

- **Равонлик** – маълум вақт ичидаги максимал даражада ғояларни яратиш қобилияти;
- **Қайишқоқлик** – түғридан-түғри харакатланмасдан, кутилмаган вазиятларга ҳос равишида иш тута билиш қобилияти;
- **Оригиналлик** – ностандарт қарорларни баён эта олиш;
- **Ишчанлик** – ғояларни батафсил ишлаб чиқиш;
- **Образлилик** – ифодали ва ассоциатив тарзда фикрлаш;
- **Ўткир зеҳнлилик** – ноодатий элемент ва қарама-қаршиликларни сеза билиш қобилияти;
- **Тафаккурнинг абстрактлиги** – образларни аниқ шаклга айлантира олиш қобилияти.

Юқорида санаб ўтилган инсондаги қобилиятлар, инсондаги креативлик хусусияти ёки унинг ижодий имкониятларидан далолат беради.

## **1.2. ИЖОДКОРЛИК ВА КРЕАТИВЛИК. УЛАР ЎРТАСИДАГИ ФАРҚ НИМАДА?**



Креативлик. Ушбу атама ҳозирги куннинг энг оммалашган сўзларидан бири. Креативлик замонавий дунёда шунчаки зарур бўлган хусусиятдир. Гарчи креативлик тушунчасига оид изоҳлар каби, уни аниқлаш учун ёрдам берадиган кўплаб тестлар мавжуд бўлсада, ушбу хусусиятни аниқлаш ҳаммамизга ҳам маълум эмас.

Креативлик сўзи (create) бизга инглиз тилидан кириб келган бўлиб, иносоннинг ижодий қобилиятлари ва имкониятларини билдиради. Бундай ижодкорлик умуман бошқа-бошқа соҳаларда, турли фаолият соҳаларида, мулоқот давомида, фикрлаш жараёнида ва ҳатто ҳис-туйғуларда намоён бўлиши ҳам мумкин. Креативлик – бу

қобилятлилик, янги ғояларга нисбатан ўткир зеҳнлилик, масала ва муаммоларни ноодатий усуллар орқали ҳал эта олиш. Креатив инсон юқори устунликка эга бўлиб, ишдаги ҳамкасларидан ажралиб туради, у қизиқарли сухбатдош ва энг қийин вазиятларда енгил ечим топа биладиган инсон ҳисобланади. Креатив инсон атрофдагиларга нисбатан ўта сабрли, оғир-вазмин, дунёни ўз қарашлари билан кузатади. Ҳаётий даража асосида олиб қараганда, креативлик – бу топқирлик. Буюм, вазият ва шароитлардан, муаммонинг энг тўғри ва доно ечимини топган ҳолда энг ноодатий тарзда фойдалана олиш қобилияти.

Креатив буюмлар ва маҳсулотлар тамомила ўзгача бўлиши мумкин: янги кимёвий жараённи кашф қилиш, математик масала ечимини топиш, мусиқа, достон, суратлар, янги фалсафий тизимлар, юриспруденцияда инновацияларяратиш, ижтимоий ёки сиёсий ҳаёт ва бошқа кўплаб соҳалардаги муаммоларга ечим топиш ва ҳ.к.

Кўпчиликнинг фикрига кўра, “креативлик” ва “ижодкорлик” сўзлари – синоним сўзлар экан. Бу буткул янглиш фикр ҳисобланади. Ижодкорлик –бу муаллиф илҳоми ва қобилияларидир. Барчамизга маълумки, композиторлар, рассомлар, ёзувчилар ва бошқа ижодкорлар, фақат ўзининг ҳис-туйғулари ва кайфиятига қараб санъат асарларини яратадилар.

Креатив жараён эса прагматик элемент, прагматик мақсадларга эга. Креатив инсон ўз буюм ёки маҳсулотини яратса туриб, нима учун, ким учун, кимга фойдаси тегиши, уни қандай ясаш ва бунинг учун айнан нима қилиш кераклиги ҳақида аниқ билади. Масалан, креатив рассом ўз картинасини яратса туриб ва маълум мавзуни танлаган ҳолда, картина кимлар учун қизиқ бўлиши, томошибинлар диққатини тортиши учун қандай рамкада безаш ва қайси музей ёки даргоҳда уни намойиш қилиш кераклиги ҳақида олдиндан билади.

Шу туфайли, ижодкорлик ва креативлик бир-биридан тубдан фарқ қилувчи тушунчалардир. Креативлик ёки креатив технологиялар ҳақида маълумотлар берилишидан аввалги даврларда ҳеч ким ҳеч қачон у ҳақида сўз очмаган. Инсоният учун “ижодкорлик” тушунчасининг ўзи етарли бўлиб, антик даврлардан бошлаб ўта юқори

даражада қадрланган. Ижодга бўлган эҳтиром ва қизиқишиш 21-асрда ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотмади.

Инсонда ижодий имконият ва қобилиятларнинг шаклланиши хақида бир неча фаразлар мавжуд. Баъзи олимлар, инсонда ижодий қобилиятлар аста-секин узоқ вақт давомида ривожланган деб ҳисоблайди. Ушбу қобилиятларнинг пайдо бўлиши инсониятнинг демографик ва маданий ўзгаришларига бориб тақалади.

Бошқа қарашлар, яъни Стендфорд университети антропологи Ричард Клайннинг 2002 йилда билдирган сўзларига кўра, креативлик ва ижодкорлик сакраш тарзида ривожланган ва кутилмаган генетик мутация натижаси ҳисобланиб, бу ҳодиса таҳминан эллик минг йил аввал содир бўлган.

Юқорида таъкидланганларга хулоса сифатида, ижодкорлик – бирламчи, креативлик эса иккиламчи тушунча эканлигини таъкидлаш мумкин. Креативлик – ижодкорликка таянган ва усиз мавжуд бўлишнинг ўзи иложсиз, бу шунчаки ижодкорлик жараёнини ташкиллаштириш технолгияси. Ижодсиз креативлик мевасиз дарахт кабидир, креативликсиз ижод эса машҳурликка эриша олмайди. Хулоса: ижодкорлик ва креативлик ўзаро узвий боғлиқ тушунчалардир.

### 1.3. КРЕАТИВЛИК БОРАСИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР



Америкалик психолог Абрахам Маслоу ўз ишларида, инсонлар ижодкорлик хусусияти билан туғулиши, аммо тарбия, ижтимоий шароит ва вазиятлар сабаб кўплаб инсонлар уни йўқотиши хақида фикр билдирган. Иқтисодчи олим Девид

Галенсон эса, муваффақиятли инсонлар ҳаётини ўргангандан ҳолда, ижодий қобиятлар ҳар қандай ёшда шаклланиши мумкинлигини таъкидлайди. Масалан, испаниялик рассом Пабло Пикассо ёшлиқ

давриданоқ санъат тарихига кирган. У ўзининг энг қимматбаҳо асарларини 30 ёшигача яратиб бўлган эди. Француз рассоми Поль Сезанн эса 15 ёшидан бошлаб расм чиза бошлаган, бироқ ўз шедевр асарларини 60 ёшга келиб ярата олди.

Инсоннинг ижодий қобилиятлари бир неча йиллардан буён психолог-олимлар дикқат марказида бўлиб келмоқда. Француз психологи Альфред Бине изланишлари, Фредерик Барлетт ишлари, гештальт психология асосчиси Макс Вартгеймер ишлари ва кўплаб бошқа олимларнинг қизиқарли изланиш ва тадқиқотларини айтиб ўтиш мумкин. Бироқ, ушбу барча изланишлар, ижодий имкониятлар индивидуал тарзда фарқланиши ҳақидаги фактни ҳисобга олмаган.

Аммо XX-асрнинг 60-йилларига келиб тафаккур имкониятларини тест синовидан ўтказиш бўйича улкан тажриба тўпланди, бу эса ўз навбатида инсоннинг ижодий ва креатив имкониятларини ўрганишда янги саволларни юзага келтирди. Масалан, изланишлар давомида (IQ тестлари асосида аниқланган) ақл-идрокнинг юқори даражаси профессионал ва ҳаётий муваффақиятлар калити эмаслиги аниқланди. Тажрибада исботланишича, паст IQ даражага эга инсонлар ҳаётда катта натижаларга эриша олади ва олдига қўйилган мураккаб масалаларга ечим топа олади. Шу туфайли, инсондаги креативлик хусусиятини ривожлантиришда ҳал қилувчи восита анъанавий тест синовлари орқали аниқланган хусусиятларга эмас, балки ақлнинг қандайдир ўзига хос хусусиятларига боғлиқлиги тўғрисидаги қарашлар илгари сурилган. Олимлар, қўйилган масалалар ечимиининг самарадорлиги ақл-идрок даражасига боғлиқ бўлмаса, демак у инсоннинг, маълумотлардан тез фурсатларда ва турли усувлар орқали фойдалана олиши каби ўзига хос имкониятига боғлиқ деган холосага келди. Мана шу қобилиятни олимлар креативлик деб номлайди.

Креативлик даражасини аниқлаш учун “олис тасаввурлар” тести ишлаб чиқилди. Унинг ёрдамида баъзи рамзий даражалардаги катта миқдордаги маълумоталар чегарасида дикқатни жамлаш тезлиги ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш мумкин. Америкалик психолог Джой Пол Гилфорд ва унинг ҳамкаслари, креативликни изоҳловчи 16

ўзига хос интеллектуал гипотетик имкониятларни таъкидлаган. Мана улардан баъзи бирлари:

- **равонлик** – бир вақтда пайдо бўлувчи ғоялар сони;
- **қайишқоқлик** – инсоннинг бир ғоядан бошқа ғояга, фикрлаш ёки бошқа қарашга тез ўтиши;
- **фикрлашнинг оригиналлиги** – умумий қарашлардан тубдан фарқ қилувчи ғояларни намоён этиш қобилияти;
- **интилувчанлик** – бошқа инсонлар қизиқишига сабаб бўлмайдиган масалаларга нисбатан юқори идроклиник;
- **аҳамиятсизлик** – бу дадил ғоялар.

Россия фанлар академиясининг психология институти ходимлари синовлар давомида шунга амин бўлдиларки, юқори креативлик даражасига эга инсонлар, интеллектни аниқлашга оид тест синовларида бошқаларга қараганда паст натижа кўрсатган. Ижодий қобилиятга эга мактаб ўқувчилари бир қолипга солинган содда интеллектуал масалаларни ишлай олмайди.

Креативлик тадқиқотлари давом этаверади, илгари сурилган назариялар рад этилади ва янгилари кашф этилади. Сўнги 40 йил ичида креативликка оид минглаб назария ва қарашлар тақдим этилиб, уларнинг сон-саноғи йўқ. Ҳатто тадқиқотчиларнинг бир ҳазили бор: “Креативликни англаш жараёни креатив ёндашувни талаб этади”.

Замонавий ҳаёт жадал ривожланиб бормоқда. Креативлик хусусияти ўта зарур бўлган маълумотлар макони кенгайиб бормоқда. Креатив ёндашувсиз муваффақиятли бизнес юрита олмайсиз, илмий кашфиётлар қила олмайсиз, қўйингки муваффақиятли инсон ҳам бўла олмайсиз.

Инсон ҳар қандай ёшда, ўзида креатив ва ижодий қобилиятларни шаклантириши мумкин. Инсон ўзини оддий ўртамиёна инсон деб ҳисобламаслиги керак. Аксинча, инсон ўзидаги ижодий қирраларни кашф этиши ва креатив, ижодкор шахсга айланиши керак!

Қандай қилиб дейсизми? Бу ҳақидаги сухбат кейинги бобларда давом этади.


## 2-БОБ КРЕАТИВЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КАЛИТЛАРИ

«Хар бир инсон – донишманд. Бирок, агарда сиз балиқни, унинг дарахтга чиқа олиши қобилиятига қараб баҳоласангиз, унда у бутун ҳаётини ахмоқоналигига ишониб яшайди».

Албéрт Эйнштéйн



## **2.1. КРЕАТИВЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНИШИГА ТҮСИҚ БҮЛУВЧИ ОМИЛЛАР**



“Креативлик” атамасига оид изохлар сони минглаб топилади, аммо улардан энг аникроғи қуидагича: креативлик – янги ғояларни ярата олиш қобилияти бўлиб, стандарт ва одатий чизмалардан, фикрлаш қоидаларидан тубдан фарқ қиласди. Креатив инсон бирон-бир вазият ёки муаммони нооадий усулда кўра олади. У тубдан янгича, ностандарт тарзда фикрлайди, муаммоларни ҳал этишда янги усул ва йўлларни излаб топади. Табиийки, унинг тафаккури конструктив ва яратувчан хусусиятга эга. Бошқача қилиб айтганда, креатив шаҳс – бу инноватор.

Кўпчиликнинг фикрича, креативлик – бу инъом. Ҳа, албатта ҳар ким ва ҳар қандай шаҳс ўзида шакллантира оладиган инъом. Психологлар шунга амин бўлдиларки, ҳар қандай соғлом фикрлай оладиган инсонни ҳар қандай вақтда ижодий фикрлашга ўргатиш мумкин. Бунинг учун, фақатгина зарурый қобилиятларни ривожлантириш ва ички тўсиқларни олиб ташлашнинг ўзи кифоя.

Психологлар шундай тўсиқларнинг тўрт турини белгилайдилар. Булар:

**1. Конформизм.** Конформизм – бу ҳамма каби бўлиш истаги. Кўпчилик инсонлар умумий қарашлар массасидан ажралиб чиқиши истамайди, шу туфайли ўз фикрини эркин баён этмайди, ўзининг оригинал ғояларини илгари сурмайди. Улар оммадан ажралиб туришни истамайди. Конформизм илдизлари, боланинг фикрлари катталар ёки унинг тенгқурлари томонидан кулгига олинган ёки қаттиқ танқид остига олинган ғамгин болалик даврларига бориб тақалади.


**2. Цензура.** Цензура – бу ўз ғояларини ички танқид остига олиш. Ўзининг ички кучли танқидига эга инсон юзага келган муаммони одатий йўл билан ҳал этишни афзал қўради ёки

жавобгарликни бошқа инсон зиммасига юклаб қўйишга инилиди. Танқид билан бирга ғайратсизлик ҳам болалиқ даврларида шаклланади. Бунинг сабаби – ўта талабчан ва авторитар, доимо фарзандини танқид қилувчи ота-оналардир.

- 3. Ригидлик.** Ригидлик – стереотип, одатга айланган нуқтаи назарлар, янги ғояларни қабул қилишни рад этиш билан боғлиқ қийинчиликлар. Ригидлик одатий ва таниш бўлган нарсаларда ноодатийликни “кўра олиш”га имкон бермайди.
- 4. Сабрсизлик.** Яъни керакли жавоб ёки ечимни иложи борича тезроқ топиш истаги. Психологлар томонидан белгиланишича, энг яхши қарорлар “ижодий танаффус”дан сўнг пайдо бўлади.

## 2.2 КРЕАТИВЛИКНИ РИВОЖЛАНТУРУВЧИ ИНСТРУМЕНТЛАРИ: БИЛИМ ВА ТАФАККУР

Ҳар қандай ишни бажариш учун анжомлар керак бўлганидек,



креатив инсон бўлиш учун биринчи навбатда билим керак. Ижодий тафаккурни ривожлантириш учун, мия фаолиятини қайта қурувчи, фикрлаш жараёнининг ишчанлигини оширувчи маҳсус техникаларни ўрганиш ва ўзлаштириш керак бўлиб, бунинг

натижасида, инсон янада конструктив ва тартибли фикрлай бошлайди. Креатив фикрлаш услубларини ўргатувчи тренингларда иштирок этинг. Агар улар бўлмаса, мустақил равишда ўрганинг, шу мавзудаги адабиётлар билан танишиб чиқинг, муваффақиятли технологиялардан фойдаланувчи ижодкор инсонлар билан мулоқотлашинг. Тавсия этилган техникалардан энг кераклисини ўзингиз учун танлаб олинг. Уларни шундай ўрганингки, миянгизда “мухрланиб” қолсин. Шундагина миянгиз улардан автоматик тартибда фойдаланишни ва

креатив ғояларни кетма-кет равища тез фурсатда яратишни бошлайди.

Бундан ташқари, кенг дунёқараашга эга бўлмаган креатив инсонларнинг ўзи бўлмайди. Дунёқараашингиз қанчалик кенг бўлса, креатив фикрлаш учун шунчалик кўп воситангиз бўлади. Ижодкор инсонларга назар солсангиз, улар ўта кеткан қизиққон эканлигига амин бўлишингиз мумкин. Улар учун, у ёки, бу нарсанинг қандай қурилганлиги, тузилиши қизиқ бўлиб, доимо саволлар берадилар, ўз жавобларини эса сон-саноқсиз мулоқотларда ёки ўзининг тафаккурида топа билади.

Дунёқараашингизни кенгайтириш вақти келганлигининг асосий сабаби шундаки, сиз маълум бир вазифани бажара олмаслигингиз, ишлаш қийинлашиб ва мураккаблашиб бораётгани, юзага келган муаммолар ечимини топа олмаётганлигингиз ёки ушбу масаладан чиқиш йўли йўқлиги ҳақида тез-тез ўзингизга гапириб турасиз. Аммо чиқиш йўли бор, шунчаки дунёқараашингизнинг бироз торлиги ушбу чиқиш йўлинни излаб топишга ёрдам бермаяпти. Агар билимларингиз янада чуқур, ақл-идрокингиз қайишқоқ бўлганида эди, сиз барча тўсиқларни енгиб ўткан бўлар эдингиз. Мазкур масалаларнинг асосий қисми бошқа одамлар томонидан аллақачон бажарилган, сиз шунчаки уларнинг натижасини англааб етмаяпсиз. Тор доирадаги дунёқарааш ҳам касбга алоқадор мавзуларда сухбат қура олиш имкониятини бермайди. Одамлар билан мулоқотлашиш қийин экан, креативлик ҳақида гапиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Дунёқарааш – бу шунчаки зарур бўлган бир нарса. Замонавий дунёда маълумотлар оқимининг сон-саноғи йўқ, шу туфайли, ҳар куни бирон-бир янги нарсани ўрганиш учун сабаб ва имкониятлар бисёр.

Дунёқараашни кенгайтириш учун бир неча усувлар мавжуд, бироқ ушбу жараённинг ажойиб томони шундаки, маҳсус курсларда иштирок этишнинг сизга кераги йўқ, ўз билим заҳирангизни ҳар қандай вақтда ва ҳар қандай жойда бойитишингиз мумкин. Энг дангаса одамлар, жойидан қўзғалмаган ҳолда, интернет орқали илмий-оммабоп мақолалар билан танишиб чиқиб ҳам ўз билимларини ошириши

мумкин. Телевизион каналларда махсус курслар намойиш этилиб, уларда илмий кашфиётлар, қизиқарли фактлар видео-роликлар орқали тақдим этиб борилади.

Ҳатто қизиқарли инсонлар билан мулоқотда бўлиш ҳам – дунёқарашни кенгайтиришнинг бир йўли. Агарда сиз бошқаларни эшига олсангиз, кўплаб янгиликларга ва қизиқарли маълумотларга эга бўлишингиз мумкин. Асосийси – мулоқотни мақсадсиз бир сухбатга айлантириб юбормаслик. Мулоқотларда асосий мавзуни ёритишга ўрганинг, кайфиятни эмас, балки фактларни қабул қилишга ҳаракат қилинг. Билимдон бўлишнинг энг жозибали усули саёҳат қилишдир. Диққатга сазовор жойларни ўз кўзингиз билан томоша қилиш – улар ҳақида эшитгандан кўра бир мунча қизиқарлироқ. Саёҳат қилишни ўз шаҳрингиздан бошлишингиз мумкин, сабаби у ерда кўриш мумкин бўлган жойлар кўп бўлиб, маҳаллий музейлар эса алоҳида диққатга лойик.

Албатта, дунёқарашни кенгайтиришнинг энг ажойиб йўли – мутолаа ҳисобланади. Ўқилиши керак бўлган китоблар рўйхатини ўзингиз тузишингиз мумкин, бу ҳар бир инсоннинг ўз қизиқишлирига боғлиқ. Кимгadir фотосуратлар ҳақида китоблар қизиқ бўлса, кимгadir санъатга оид асарлар, бошқаларни эса – иқтисод ёки математикага доир китоблар қизиқтиради. Бадиий асарларни ўқиш эса умуман ҳаммага тавсия этилади.

Креатив инсонни тафаккур ойдинлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Тафаккур ойдинлиги тушунчалик мұқобил нуқтаи назарлар билан ҳисоблашишга шайликни англатади. Ўз олдингизга, ўз доирангиздаги турли одамлар, бегоналар ва ҳатто сухбатлашиш сиз учун унчалик ҳам ёқимли бўлмаган инсонлар билан мулоқотлашиш вазифасини қўйинг. Улар учун мухим бўлган масалалар ҳақида уларнинг фикри билан қизиқинг, уларни диққат билан эшитишга ва ҳатто уларнинг дунёқарashi сизники билан буткул мос келмасада, фикрлаш усуслини тушунишга ҳаракат қилинг.

Креативликнинг яна бир таркибий қисми – бу эмоционал кучdir. Эмоциялар – ўзига хос психик жараён. Улар ҳаётда юзага келган

мухим воқеаларга жавобан юзага келади ҳамда инсон ҳулқи ва ҳатто унинг саломатлигига таъсир кўрсатади. Инсон – сайёрамиздаги энг эмоционал мавжудот бўлиб, айнан эмоциялар аждодларимизнинг яшаб ўтишига ёрдам берган бўлиши ва инсоният тарраққиётида муҳим аҳамият касб этган бўлиши мумкин. Яна бир қизиқ томони шундаки, салбий ҳиссиётлар ижобийларига қараганда бир мунча кучлироқ ҳисобланар экан. Ҳатто янги туғилган чақалоқлар ҳам дунёга келибоқ факат салбий ҳиссиётларини кўрсатиши мумкин, уларнинг ижобий эмоциялари эса кечроқ юзага келади. Салбий ҳиссиётлар – организм учун ҳавфдан огоҳлантирувчи сигнал бўлса, ижобий ҳиссиётлар эса тинчлик ва хотиржамлик қайтганидан дарак беради. Шу боис, ҳаммаси яхши бўлиб, ҳавф йўқолганда ижобий ҳиссиётлар тез сўниб қолади, ҳавфдан огоҳлантирувчи сигнал эса муаммо бартараф этилмагунича инсонни тарқ этмаслиги мумкин. Шу туфайли, салбий эмоциялар турғун бўлиши мумкин, ва агар улар хаддан зиёд ортиқ бўлса, инсонга зарар келтириши ва унинг ҳулқига таъсир кўрсатиши мумкин, демак, креативлик ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Қийинчиликлар олдида йиқилмаган инсон ҳаётдан завқаланиб яшашда давом этади, ўз ҳиссиётларини жиловлай олади, муаммолар юзага келганда тезда креатив ечим топа олади. Соғлом турмуш тарзи, жисмоний машқлар, тўғри овқатланиш, тўйиб ухлаш эмоционал тонусни оширади ва сизни кучли қилади.

Креатив шаҳс тафаккурининг муҳим жиҳати – унинг мустақил эканлигига. Эркин фикрлаш ва мустақил бўлиш – ижод мазмуни. Ҳар бир инсон ўз фикрига эга. Агарда у ўз фикрини ҳимоя қила олса, ижод чўққисига кўтарилиши мумкин бўлади. Нима учун? Келинг, буни таҳлил қилиб кўрамиз. Ҳар бир инсон ўзича иқтидорли. Агар бир гуруҳ одамларга иншо ёзиши учун маълум бир мавзуни берсангиз, уларнинг ҳар бири ўз билим ва кўникмалари, дунёқараши, тажрибасига суюнган ҳолда, ушбу мавзуни ёритиб беради. Шунда, уларнинг ҳар бири ҳақ бўлиб чиқади, чунки ягона тўғри ҳақиқатнинг ўзи мавжуд эмас. Бироқ, бир тасаввур қилингчи, ўз фикрига эга бўлмаган ёки уни намойиш қилишга қўрқадиган инсонга ҳам иншо

ёзиб бериши сўралди. Ҳойнаҳой, ундан бирон-бир қизиқ фикр чиқмаса керак, сабаби у ўзининг на шаҳсий фикрига эга ва на янги фикрларини намойиш эта олади. Креатив ечим топишга фақатгина мустақил фикрлай оладиган, доимо изланишда юрадиган инсонларгина қодир бўлиши мумкин. Доимо ёдда тулинг, ўз фикрингизга эга бўлиш ва уни ҳимоя қила олишга ҳаракат қилинг.

Мустақилликка эришиш учун, ўзингизда танқидий фикрлаш усулини ривожлантиринг. Кузатиш, таҳлил қилиш, интерпретация қилиш, хулоса чиқариш, баҳо бериш, тушуниш ва тушунтира олишни ўрганинг. Ўзингизни ҳурмат қилишни ўрганинг. Ҳато қилишдан асло қўрқманг. Шуни доимо ёдда тулингки, ҳатто буюк инсонлар ҳам ҳатога йўл қўйганлар. Масалан, Роберт Меткелф ўз вақтида, 1996 йили Интернет мавжуд бўлмайди деган фикрни билдирган эди. Билл Гейтс эса, электрон почтадан фойдалана олишни ўрганган инсон, 21 асрда миллионерга айланади деган эди. Шунинг учун, ўзингизга ишонинг! Қўрқувни енгиш сиз учун қийин кечса, маҳсус тренингларда иштирок этинг. Ёдда тулинг, сиз ўзингиз бир мукаммал шаҳссиз ва сизнинг мукаммалигинизни сиздан ҳеч ким тортиб ола олмайди. Ўзингизни танқид қилишдан тўхтанг, салбий фикрлар, ҳатто салбий муҳитдан йироқ бўлинг. Ўзингизга бўлган ишончни шакллантиринг ва ютуқларингиз учун ўзингизни ўзингиз рағбатлантиринг.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, эски ўй-фикрлар билан банд бўлмаган инсонлар муқобил қарорлар қабул қилишда эркин бўлиб, креатив



ечимлар топишда қийналмайдилар. Бундай даражага эришиш учун ўз қобилият ва имкониятларингизга ишонинг, уларни ривожлантиринг, янги ғояларни тақдим этинг ва уларни хаётга тадбиқ этинг. Оптимист бўлишга ҳаракат қилинг.

## **2.3. КРЕАТИВЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ИНСТРУМЕНТЛАРИ: ХАРАКТЕР**



Хаётида бирон мартта бўлса ҳам умидсизликка тушмаган, ечим топишда қийналмаган инсоннинг ўзи бўлмаса керак ҳойнаҳой, бусиз мавжуд бўлишнинг ўзи ҳам маъносиз. Бундай ўйлар ҳар бир инсонни маълум вақтларда безовта қилади. Табиийки, бундай дақиқаларда қўлингиз ишга бормай қолади. Таниш ҳиссиётми? Бундай вазиятда қандай йўл тутиш мумкин? Айтишларича, ўзини баҳтли ҳис қила олиш ҳам меҳнат қилишни талаб этар экан. Шу билан бирга, серҳаракат ва ҳаётдан завқланиб яшовчи инсонларга қараб туриб, уларнинг ушбу хусусияти – улар билан бирга туғилади деб ўйлайдиганлар хато фикрлайдилар. Аслида баҳт ҳиссини туйиш учун тинимсиз ҳаракат қилиш керак. Бу осон эмас, бироқ иложсиз ҳам эмас. Муаммолардан бироз узоқлашишга ва ўзини енгил ҳис қилишга ўрганиш лозим. Буни қандай амалга ошириш мумкин?

Биз доимо ўз олдимизга турли мақсадлар қўямиз, ҳаёт – мўжиза эканлиги ва унинг атрофида кўплаб ажойиботлар бор эканлиги ҳақида унуган ҳолда, ҳовлиқиб шошиб яшаймиз. Ҳоҳ у бежирим қутига ўралмаган бўлсада, ҳаёт – бу барибир совға. Бу дунёдаги барча мавжуд нарсалардан қувониб яшанг. Атрофга назар ташланг, табиат гўзаллигидан баҳраманд бўлинг, завқланиш учун сабаб топинг, улар эса сиз нафас олаётган, ҳаракатланаётган ҳар ерда топилади. Ўткинчиларга боқинг, кечки шаҳар манзарасида сайр қилинг. Муаммоларга ўралашиб қолманг: агар муаммони ҳал этишининг имкони бўлса, унда у учун ташвишланишнинг кераги йўқ.

Ўзингизда юмор ҳиссини шакллантиринг. Юмор – барча қўнгилсизликлардан ҳимоя қилувчи тўсиқ бўлиб, қийинчиликларни осон енгиб ўтишда ёрдам беради.

Бошингизни қўркув, ҳафагарчилик, изтироб ва кутиш билан тўлдирманг. Сон-саноқсиз изтиробларга эътибор қаратган ҳолда, сиз ўз ҳаётингизни беъмано ўтказиб қўйишингиз мумкин. Сабаби, изтироб ва ҳафагарчиликлар сиздаги барча энергияни суғуриб олади, ижобий ўзгаришларга тўсқинлик қиласди. Ҳаттоҳаёт сизни ушбу вақтда сийламаётган бўлсада, содир бўлаётган ишларга соддароқ ёндашишга ҳаракат қилинг. Вазиятни ўзгартиринг, танаффус қилинг, бироз чалғишига урининг, мусиқа тингланг, ўйин ўйнанг, бирон-бир яхши комедик фильм томоша қилинг, кулинг, севининг, ёшлик ва завқлиқ даврини қайтаришга ҳаракат қилинг. Агарда бу ишларни ёлғиз амалга ошириш қийин бўлса, ҳаётингизга таалуқли бўлган яқин инсонларингизни топинг ва улар билан бирга ўрганинг. Ёдда туting, сиз ўз-ўзи билан пойга ўйнаётганмарфончи эмассиз. Тинчланинг ва хотиржам бўлинг. Ўз ютуқларингизни ўйланг, ана шунда сиз, ҳаётингиз у даражада ёмон эмаслигини ва нима учун уни қадрлашингиз керак эканлигини англайсиз. Ҳаётга соддароқ кўз билан қарашга ҳаракат қилингва у янада лаззатли бўлади. Ёдда туting, ўтмиш – бу ўтмиш, келажак эса ҳали олдинда. Бугунги кундан завқланиб яшанг.

Хурсандчиликни бупул қўлга киритишнинг кўплаб усуллари мавжуд. Масалан, шунчаки қорбола ясанг. Ўз оилавий “давлатингизга” ном ўйлаб топинг. Ўз оилавий давлатингиз “конституция”сини яратинг, оила аъзоларингизга эса вазирлар папкасини бериб чиқинг! Оилада баъзан учраб турадиган зерикарли вазиятларни кўнгилочар ўйинларга айлантиринг! Ҳаётимизда бепул кўнгилочар машғулотларнинг сон-саноғи йўқ. Шунчаки уларни тутиб қолишни билиш керак!

Ҳаётингиздаги ҳар бир сониядан завқланиб яшанг, чунки улар такрорланмас, бебаҳо ва мукаммалдир. Улардан роҳатланиб яшанг! Енгил ҳаракатерга эга инсонлар мураккаб масала ёки муаммоларни осон ҳал этади.

Креатив инсон ҳарактерида қатъият ва тиришқоқлик бўлиши лозим. Ижодни илҳом пайдо қиласди деган фикр буткул нотўғри. Ҳар

бир буюк ғоя шаклланиши, ўсиши керак, унга вақт ажратилиши лозим. Шу сабабли қатыят шунчаки зарур хусусиятдир. Кўпчилигимизга таниш вазият: бугунга бирон-бир ишни мақсад қилдиб қўямиз-у, уни амалга оширишни эртанги кунга, келаси ҳафтага, ҳатто кейинги йилга қолдирамиз. Ҳатто у ҳоҳ креатив бўлсин, мақсад қўйишнинг ўзи камлик қиласи. Белгиланган мақсадларга эришишга ўрганиш лозим. Бунинг учун уларни ўта аниқ равишда тузиб олишимиз ва уларга эришишнинг аниқ муддатини белгилаб олишимиз керак. Ушбу мақсадга эришиш учун ўзингизга мотивация топинг. Кўзланган мақсад йўлидаги ҳар бир бажарилган вазифа учун ўзингизни ўзингиз рағбатлантиринг.

Ўзганинг дардини ҳис эта олиш хусусияти – креативликнинг муҳим инструменти. Уни ўраб турган инсонларнинг ҳислари ва ўй-ҳаёлларини пайқай оладиган инсон, уларнинг эмоционал кайфиятини ҳис қила олади ва колектив креативликнинг ўзига хос тухфасига эга бўлади. Бундай инсон, уни ўраб турган инсонлар ғоясини уқиб олади ва ушбу ғояларга ўз ғоясини қўшади. У ўз рақибининг ҳаракатларини олдиндан таҳмин қила олади. Эмпатияни (ўзганинг дардини ҳис эта олиш хусусияти) инсон ўзида шакллантириш мумкин. Бу осон иш эмас, аммо уни уддасидан чиқа олсангиз, нафақат атрофингиздаги инсонларнинг эмоционал кайфиятини ҳис эта оласиз, шу билан бирга уларга таъсир ўтказиб, ўзингизга керакли бўлган томонга йўналтира оласиз.

Яратувчанлик – креатив инсонга хос яна бир муҳим жиҳат. Бу энг қийин вазиятлардан чиқиб кета олиш хусусияти ва ўз кучига бўлган мустаҳкам ишончдир. Яратувчан инсон ҳар қандай вазиятнинг ижобий томонларини кўра олади. Бу каби инсон энг манфаатсиз вазиятларни ҳам ўзи ва бошқалар учун фойда келтирувчи томонга ўзгартириб юбориши мумкин. Яратувчанлик чегараларни четлаб ўтган ҳолда, имконсиз ишларни тескарисига буриб юборади, тафаккурни машқ қилиб мустаҳкамлайди, тана ва руҳнинг эринчоқлигидан озод қиласи, ғоялар шаклланишида эркинлик, шаклланиш жараёнидан завқланиш хиссини беради. Яратувчанлик хусусиятини шакллантириш учун

зехнни чархловчи масалалар ишланг, уйда ёки ишда ўзингизни қандай қилиб ривожантиришингиз мүкинлиги ҳақида тез-тез ўзингизга савол беринг.

Ўз тафаккурингиз ва ижодий ёндашувларни таҳлил қилишга ўрганинг. Бунинг учун қуидаги саволларга жавоб беринг. Ҳар доим интеллектуал стратегиялардан фойдаланиб турасизми? Агар ҳа бўлса, қандай стратегиялар муваффақиятлироқ? Қандай шароитларда ишлайсиз? Ҳар доим бир ҳил вақт ва бир ҳил жойда фаолият юритасизми? Одатий шароитларни ўзгартиришга уриниб кўринг. Шароитларнинг ўзгариши ижодга қандай таъсир кўрсатиши ҳақида таҳлил қилиб кўринг.

60 ёшида рассом бўлишга қарор қилган бир бизнесмен ҳақидаги мисолни келтириб ўтсак. У ўзининг муваффақиятли бизнесини ташлаб, Ўртаер денгизидаги оролда яшашга қарор қилди. Нима учун у айнан ушбу жойни танлаганини шундай изоҳлади: “Бу орол – рассомчилик санъати билан шуғулланиш учун энг ажойиб жой, сабаби бу ерга “ёруғлик мукаммал тарзда тушади”. Бу инсон бўёқ ва мўйқаламларни фақатгина ёшлигига қўлига ушлаган. Аммо кутилмаганда ижод соҳасига қизиқиб қолиб, бўёқ ва мольбертни қўлга олди ва ижод қилишни бошлади. У муваффақиятга эришди! Унинг асарлари ижодкорлар олқишига сабаб бўлди ва машҳур кўргазмаларда намойиш этила бошлади.

Дадиллик – бу жуда яхши хусусият. Сабаби, у тўғри қарор қабул қилишга, келажакдан ва келгуси ўзгаришлардан чўчимасликка ўргатади. Дадил инсонлар тоғларни қулата олади, айнан улар дунёни бошқарадилар. Психологик ёки интеллектуал дадиллик креатив фикрлаш учун албатта зарур. Ўзида дадилликни шакллантириш ва тарбиялаш мумкин. Болаларга назар ташланг. Улар учун қўрқув, баҳллик ҳисси бегона, уларда кимнидир гапига қулок солиш ёки ўзини катта тутиш хусусияти йўқ. Болалар ҳақиқатни гапиришдан чўчимайди. Ўзингизда дадилликни янада ошириш учун ўз устингизда ишланг. Барчасини кичик қийинчиликларни йенгиб ўтишдан бошланг, аммо чинакам “қалъа”ни забт эткан каби дадилликни ҳам забт этинг.

Шундай қилиб, сиз ўзингизда қатъиятлиликни шакллантира оласиз. Олдингизга аниқ ва равшан мақсадларни қўйинг. Ўзингизга ишонинг. Интуициянгизга, ички овозингизга қулоқ тутинг, ташқи муҳит таъсирига тушиб қолмасликка ҳаракат қилинг. “Атрофдагиларни ўз ҳаракатларим билан ҳафа қилиб қўйишим мумкинми? Агар бундай бўлса-чи? Мен ўзи кимман?...” каби саволлар билан ўзингизни қийнашни бас қилинг. Ўзингизни ўзингиз жазоламанг, ўзингизни бошқалар билан солиштирунг. Ўзингизни севинг. Ва энг асосийси – ижодий шиҷоатингизни сўндирунг. Ижодий муваффақият – олдинга бўлган яна бир қадам, янги изланишлар ва қарорлар учун қилинган ҳаракат.

Креативлик таваккалчиликсиз мавжуд бўлмайди. Агарда инсон осон таваккал қила олса, йўқотишлардан қўрқмаса, креативликни ҳам ўзида осон шакллантира олади. Зеро, унинг учун янги ёндашувни излаш ва янги ечимни синаб кўриш шарт эмас.

Бироқ юқорида таъкидлаганимиздек, креативлик – бу ўйин, аммо кўзланган натижаларга эришиш учун анчайин меҳнат қилиш лозим. Тартиб бўлмаган жойда яхши натижага эришиш мушкул. Тартибли инсонлар ишга кўпроқ эътиборларини қаратадилар, кўпроқ креативликни қўллайдилар, шу туфайли ҳам кўпроқ ижодий муваффақиятга эришадилар. Тартибли инсонга айланиш учун олдингизга мақсад қўйинг, унга эришиш санасини белгилаб олинг ва ўзингиз учун кундалик тутинг. Кундаликка нималар қилганингиз, қандай усуллардан фойдланганингиз, нималарга эришганингиз, қандай тўсиқларга учраганингиз ҳақида ёзиб боринг. Қайд этиб борганларингизни таҳлил қилинг, хулоса чиқаринг, камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилинг. Эҳтимол, ўз қайдларингиз сизга, муваффақиятга эришишда қобилиятлар ва тафаккурнинг етишмаслиги эмас, балки шунчаки эринчоқликнинг ўзи тўсиқ бўлаётгани ҳақида билдирад.

Креативлик, инсон ўзини ёмон ҳис қилганида шаклланмайди. Бундай ҳолатда, бирон-бир янгилик яратиш ёки ижод қилиш қийин. Агар касал бўлсангиз, барча ишларни бир чеккага суриб, бутун бор

кучингизни соғайишга қаратинг, саломатлигингиз ҳақида қайғуринг. Овқатланиш тартибингизни назорат қилинг. Айтишларича, таомдан лаззатланиш – энг қадимги санъатлардан бири экан. Аммо, уни очкүзлик билан адаштирманг.

Гурманга айланинг. Ўзингизни турли ҳил диеталар билан қийнаманг. Ҳеч бўлмаганде бирон-бир шинам кафедаўзингизни маззали бир ширинлик билан меҳмон қилинг. Айтганча, сарҳадсиз ижод қилиш мумкин бўлган ушбу соҳада – яъни пазандачиликда – ўзингизга хобби топишингиз мумкин. Спорт билан шуғулланинг. Аэробика, бассейн, тенnis, от спорти ва ҳаттоқи боулинг ҳам тетиклик қувватини ҳамда қизиқарли инсонлар билан танишиш имконини беради.

Шундай қилиб, юқоридаги бобда креативликнинг 15 қалитини санаб ўтдик. Аммо аслини олганда, уларнинг сони кўп. Ривожланинг, янгиликларни ўзингизда синаб кўринг, тажрибалардан чўчиманг ва креатив бўлинг!



# **З-БОБ. КРЕАТИВЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСЛУБЛАРИ**



## **Креативликни қандай ривожлантириш мумкин?**

Юқорида таҳлил қилганимиздек, креативлик – ишончли рақобат устунлиги бўлиб, рақибларни ҳаётнинг барча соҳаларида ортда қолдиришга ёрдам берувчи хусусият. Креативликни ривожлантириш – муваффақият йўлидаги муҳим шарт. Бунга эришишга ёрдам берувчи усулларнинг сони кам эмас. Қўйида креативликни ривожлантирувчи бир нечта методларни кўриб чиқамиз

### **ТАСОДИФИЙ СЎЗЛАРНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ МЕТОДИ**

---

Креативликни мустақил равишда ёки бирон-бир инсон билан бирга ривожлантиришда ёрдам берадиган энг осон усул – ушбу усулни қизиқарли ўйинга айлантириш. Ишни бошлаш учун, ҳар қандай бир текстни олиб, ундан тўғри келган бир неча сўзни танлаб олиш лозим бўлади. Турли ҳил гаплар, абзацлар ёки бўлимлардан фойдланиш мумкин. Асосийси кўзларни қўл билан беркитиб, таҳминан танланган сўз устига бармоғингизни қўйиши, қолгани муҳим эмас. Шундай тарзда давом этиб, иккинчи сўз танланади.

Масалани учинчи, тўртинчи, бешинчи ва ҳ.к. сўзларни қўшган ҳолда мураккаблаштириш мумкин. Сўзлар аниқланиб олингандан сўнг энг қизиқарли босқич бошланади – сўзларни маъноси бўйича бир-бирига боғлаш. Масалан, “самолёт” ва “креветка” сўзи. Сўзларга оид қўпроқ тасавурлар ва ўзаро боғлиқликларни топишга ҳаракат қиласиз. Масалан, “самолёт бортида креветкадан тайёрланган таом” ёки “самолёт қанотларидан бирига туширилган креветка логотипи”. Энди, тескари равишда уриниб кўрамиз: “учадиган ўйинчоқ креветка”, “самолёт штурвлали ортидаги креветка”, “креветкадан самолётга айлана оладиган робот-трансформер ўйинчоқ”. Ёдда тутингки, масала қанчалик мураккаб бўлса, шунчалик даражада креативлик ривожланади.

## ҮЙЛАБ ТОПИЛГАН ПЕРСОНАЖЛАР МЕТОДИ



Креативлик – қўйилган масалаларга нисбатан ностандарт ёндашув эканлигини ҳисобга олсак, креативликни ривожлантириш жараёнини ҳам ностандарт тарзда олиб бориш керак бўлади. Бирон-бир

муаммога ечим топишда ўзимизни қайсиdir кинофильм ёки компьютер ўйинининг қаҳрамони ўрнига қўйиб кўрган бўлармидик? Нега энди йўқ? Зеро, битта калла яхши, иккитаси ундан ҳам яхши. Шундай эмасми?

Майли, иккинчи калла ҳатто уйдирма бўлсин. Мана шунда креативликнинг бутун жозибаси намоён бўлади – буткул эркин ҳаракатлар ва чек-чегарасиз хаёллар парвози. Шундоқ ҳам, инсонда супер қобилияtlарнинг етишмаслиги, аввало, инсоннинг уларга ишонмаслигига боғлик эмасми.

Бундай методика нафақат креативликни ривожлантириш ва умумий ижодий қобилияtlарни оширишда ас қотади, балки баъзи хаётий вазиятларда ҳам ёрдам беради.


Масалан, нимжон тана тузилишига эга қайсиdir бир йигит куннинг кечки вақтида уйга қайтяпти. Қоронғу йўлакда унга пул илинжидаги бир неча кишилар яқинлашиб келмоқда. Уларнинг пулга бўлган эҳтиёжини қондириш ўзининг елкасига тушишини олдиндан сезган ҳолда, йигит бор овози билан ҳаёлий дўстларини чақиради. Қўйингки, «Бўтқа», «Чўтири» ва «Тараша» «Ғилай» каби ўйин қаҳрамонлари – ўйлаб топилган персонажлар бўлсин, буни бостириб келган ўғриларга айтишнинг кераги йўқ.

Юқорида келтирилган мисол ҳазиломус бўлиши мумкин, аммо ушбу методнинг асосий маъносини бера олади. Тасаввур қилиб кўрингчи, севимли киноактерингиз ёки эртак қаҳрамони бирон-бир шунга ўхшаш вазиятни қандай ҳал қилган бўлар эди. Сўнг, ушбу ечимни ўзингизнинг реал имкониятларингиз даражасига айлантиришга уриниб кўринг.

## ОЛТИ ШЛЯПА МЕТОДИ

Қандай қилиб мия фаолиятини яхшилаш ва инсон, ўзини креатив фикрлашга мажбурлаши мумкин? Тавсиялар сони минглаб, аммо биз сизга креативликни ривожлантиришга ёрдам берувчи энг самарали методни тақдим этамиз.

«Олти шляпа» методи инглиз психологи, ёзувчи Эдвард де Бон томонидан ишлаб чиқилган. Тафаккурнинг олти шляпа методи ёрдамида креативликни, тафаккур кенглигини ривожлантириш, ижодий инқироз ҳолатидан чиқиш, тўғри қарор қабул қилиш ва қўйилган масалалар билан бирга ўз фикрларимизни аниқ баён этишимиз мумкин. Олти шляпа методи инновацион ғояларни баҳолашда ва юзага келган муаммони ҳар томонлама ўрганиб, барча қарашларни ҳисобга олиш керак бўладиган вазиятларда тез-тез қўлланади. Мазкур усул ўзагида параллел фикрлаш тизими мавжуд. Барчага маълумки, ҳақиқат баҳс-мунозараларда очилади, аммо ҳар доим ҳам унинг энг тўғри ечими ғалаба қозонмайди. Параллел фикрлаш давомида турли хил қарашлар ва ғоялар бир-бирига қарама-қарши турмайди, балки айнан жонланади. Метод кераксиз хиссиётлар, ишончсизлик, муаммо, масалаларни ҳал этишда фикрлар чалкашлигини бартараф этишга ва турли қарашлар билан ишлашга ёрдам беради. Уни қўллашда бутун фикрлаш жараёни 6 та бир-биридан тубдан фарқ қилувчи турларга бўлинади. Ушбу ҳар бир тур маълум бир рангдаги метафорик (шартли) фикрлаш шляпаларига тўғри келади. Инсон шляпани кийган (қўйингки, ҳатто шартли равишда бўлсин) ҳолда, шляпага бириктирилган рольни ўйнашни бошлайди.



**Оқ шляпа.** Ушбу шляпани, ўзида мавжуд барча маълумотларни «ёзиш» мумкин бўлган оқ қоғозга ўхшатишади. Инсон оқ шляпани кийган ҳолда, нафақат мавжуд фактлар ва рақамлар, балки масала, муаммо ечими учун етишмаётган маълумотларга таяниши ва қўшимча маълумотларни қаердан ва қандай олиш мумкинлиги тўгрисида бош қотириши лозим.

**Қизил шляпа** – бу ҳис-туйгулар, ички сезгилар шляпаси. Қизил рангдаги шляпани кия туриб, инсон мазкур муаммо ечимини излаш давомида бошдан кечириши мумкин бўлган интуитив фикрлар ва кечинмаларни баён этади. Энг асосийси – ўзининг барча фикрларини тўлиқ ва рост айта олишда.

**Сариқ шляпа.** Сариқ ранг – қуёш, оптимизм ранги. Уни кия туриб, инсон мазкур масаланинг барча ижобий томонларини, ғоянинг афзалликларини, айнан ушбу ечимдан қандай фойда олиш мумкинлигини топиши керак бўлади. Эҳтимол, ечим ёки вазиятдан чиқиб кетиш йўли ҳеч қандай афзаллик бермас, аммо оптимист инсон кўринмас омилларни топа билиши лозим.

**Қора шляпа** – бу оптимист инсоннинг шляпасига буткул қарама-карши томон. Ушбу шляпани судья шляпаси деб ҳам номлаш мумкин. Бу рангдаги шляпани кийган инсон, вазият, ғоя ёки ечимни танқидий баҳолайди. Қора шляпадаги инсон – пессимист.

**Яшил шляпа** – бу креативлик ва ижодкорлик шляпаси, зеро, яшил ранг – энергия ва ҳаёт рамзи. Уни кийган инсон ижод оламига шўнфиши лозим. У ўзгача қарашларни тақдим эта олиши, янги, ностандарт ғояларни топиши, ҳатто, бир қарашда бемаънидек кўринган ғоялар ёки ечим йўлларини излаб топиши лозим.

**Кўк шляпа** – тафаккур шляпаси. Ушбу шляпадаги инсон энг биринчи бўлиб сўзга чиқади. У мулоҳаза юритиш учун масалаларни ўртага ташлайди ва мухокама натижасида нимага эришиш кераклигини айтади.

Ушбу методни ҳар қандай фаолият турида, ҳар қандай соҳада қўллаш мумкин. Масалан, IBM, British Airways, DuPont, Pepsico каби корпорациялар, уларни анча олдин қўллашни бошлаган.

Мазкур усул кўплаб афзаликларга эга. Агарда бошқа инсонлардан масалани ўрганишни ёки унга ечим топишни сўрасангиз, улар ўзини йўқотиб қўйиши мумкин. Олти шляпа методи вазиятни турли томонлардан ўрганишга, фикрлашдан ўзининг «мен»ини олиб ташлашга, фикрга қўшилиш ва қаршилик билдиришларни илгари суришга имкон беради ва янги ғояларни топишга ёрдам беради.

Нима учун айнан шляпалар? Негаки, уларни бошга осон кийиш ва ечиш мумкинлиги каби, инсон ҳам ўз тафаккурини осон ўзгартиришни ўрганиши керак. Шляпалар, албатта, буткул шартли равишда бўлиши мумкин.

Методнинг мураккаблиги шундаки, уни катта жамоада қўллаш мумкин, аммо қийин. Кўп нарса бошқарувчининг қобилиятларига, унинг аудиторияни бошқара олишига боғлиқ. Шундай бўлиши керакки, муҳокама жараёни оддий томошага айланиб қолмасин. Шляпаларни, уларни кийган ҳар бир инсон харакатерига номутаносиб равишда тақсимлаш зарур. Масалан, пессимист инсон оптимиист инсоннинг шляпасини, оптимиист эса аксинча.

## BRAINSTORMING МЕТОДИ



Ақлий ҳужум усули инглизча «brainstorming» сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилига таржима қилинганда «аклий бўрон» деган маънени англатади.

Мазкур метод турли хил соҳаларда янги ечим ва изланишларни топишга ва маълумот етишмовчилигида креатив ғояларни излашга хизмат қиласи. У жамоани янги, турли хил ғоялар, қўйилган вазифаларга ечим варианлари ёки вазиятдан чиқиш йўлларини топишга ундаш учун қўлланади. Ушбу метод жамоанинг креатив, ижодкорлик тафаккурини оптималлаштиришга, келгусида ҳаётга тадбиқ қилинадиган максимал даражадаги самарадор ечим ва ғояларни илгари суришга ёрдам беради.

Метод, BBDO агентлиги асосчиларидан бири бўлмиш Алекс Осборн томонидан 1941 йилда ўйлаб топилган. Метод мазмуни шундан иборатки, у инсон ўз қўрқуви ёки тортинчоқлигини енга олиши ва ўз ғоя ёки ечим вариантини жамоа муҳокамасига тақдим эта олиши учун хизмат қиласи. Кўп ҳолларда инсон вазиятдан чиқиш йўлини, муаммо ечимини билади, аммо ўзининг фикри бошқаларга ёқмаслигидан ва ҳамкасларининг кулгисига қолишидан қўрқиб, ғояларини тақдим эта олмайди.

Ақлий ҳужум методида бошланғич босқичда тақдим этилган ғояларни танқид қилиш ва уларни баҳолаш қатъий тақиқланади, муҳокама жараёнидаги ғоялар сони уларнинг сифатига айланиши керак.

Мазкур метод техникаси қўйидагича. Турли соҳа, тажриба, малака эгаларидан гурух ёки жамоа тўпланади. Муҳокамада иштирок этиш учун номзодаларни саралаш бўйича қатъий чекловлар мавжуд эмас, бироқ, кичик тажрибага эга ходимлар қатнашса мақсадга мувофиқ бўлади, зоро, уларда ҳали ривожланган стереотиплар йўқ. Ақлий ҳужум жараёнини чегарламаслиги учун, бу каби муҳокама жараёнига раҳбарият вакилларини таклиф қилмаган маъқул. Агарда муҳокамада маҳсус вазифалар ўртага ташланса, ушбу соҳа ходимларини таклиф қилиш керак бўлади. Бироқ, улар тақдим этилган ғояларни баҳолаш жараёнидагина иштирок этишлари мумкин.

### **Метод қоидалари:**

- ✓ Бошланғич босқичда танқид қатъий ман этилади.
- ✓ Энг дадил, ҳаттоқи ақл бовар қилмас ғоялар ҳам рағбатлантирилади.
- ✓ Ғоялар сони иложи борича кўп бўлгани маъқул.
- ✓ Барча ғоялар қайд этиб борилиши лозим.
- ✓ Барча ғоялар тақдим этилиб ва қайд этилгандан сўнг уларни ўйлаб кўриш учун маълум бир вақт берилиши кераклигини назарда тутадиган ғоялар инкубацияси.

Ақлий ҳужум методи жараёни қандай бориши ҳақида сүзлашамаиз.

Аввалига бошқарувчи мұхокама мавзуси ҳақида хабар беради, мақсадни күрсатади ва ақлий ҳужум иштирокчилари учун кучли мотивация яратышга ҳаракат қиласы. У үз чиқишини шундай намойиш қилиши керакки, токи унда ташаббус учқуни ёнсин.

Айтганча, мұхокама мавзуси иштирокчиларға аввалдан эълон қилиниши ҳам мүмкін.

Ақлий ҳужум иштирокчиларига маълум масала бўйича барча ғоялар ва таклифлар қабул қилиниши тўғрисида хабар берилади. Ғояларни танқид қилиш ман этилади – бу энг асосий шарт. Ҳар бир диспут иштирокчилари үз ғоясини баён қиласы, қолганлар эса уни ва үз фикрини карточкага қайд этиб боради. Ҳар бир ғоя учун алоҳида карточка ажратилади. Сўнг карточкалар йигилади, ва бошқа груп – эксперталар групни томонидан таҳлил қилинади. Ахмоқона ғоялар чиқариб ташланади, қолганлари тўпланиб, таҳлил қилинади ва энг креативлари қабул қилинади.

Методни ўтказиш учун алоҳида хонадан фойдаланган маъқул, столлар П ёки О шаклида ўрнатилиши, ғояларни қайд этиш учун доска тайёрлаб қўйилган бўлиши лозим. Ақлий ҳужум жараёни давомидаги мұхит эркин бўлиши, юмор қабул қилиниши лозим. Бутун жараён учун бир соат вақт кетади. Бир неча кундан сўнг ёки эртаси куни груп тақдим этилган ғояни қайд этиш учун яна тўпланади.

## АНАЛОГИЯЛАР УСУЛЛАРИ МЕТОДИ



Аналогия – бу ўхшашлик, ҳодиса, объект, жараёнларнинг мутаносиблиги. Мазкур метод тафаккурни ҳаракатга солиш, масалага креатив ечим топиш, психологик инерциядан (ҳаракатсизлик) халос бўлишга ёрдам беради, интеллектуал ресурсларни жалб қиласы.

Метод ўхшашлик назариясига асосланган. Унинг мазмуни, қўйилган вазифа, вазият, нарса, техник объектга аналогиянинг танланишидан иборат. Аналогия буткул бошқа соҳалардан олиниши мумкин. У саволга тўғридан-тўғри жавобни тақдим этмайди, албатта, аммо, муаммо ёки нарсага бошқа томонлама қарашга имкон бергани сабабли, “калаванинг учини топиш”га ёрдам бериши мумкин.

Аналогиялар тўғри ёки реал, хаёлий, рамзий ёки абстракт, субъектив ёки жисмоний турларга бўлинади. Ҳар бир тур жавоб излашда ўзининг қоидаларига эга.

**Тўғри аналогия.** Вазифа обьектига табиатдан ўхшаш обьект танлаб олинади. Масалан, кўприкни ўргимчак ини билан, насосни эса юрак билан таққослаш мумкин ва ҳ.к. Табиат аналогияларнинг битмас-туганмас захирасига бой. Табиат обьектларининг тузилиши ёки фаолияти таҳлилидан қўйилган вазифага ечим топиш мумкин.

Субъектив аналогия – шахсий аналогия. Аналогияни излашда, мавжуд обьект қандай яшаши ёки ишлишини тушуниш учун обьектнинг образида яшаб қўриш, унинг “пўсти”ни кийиб қўриш лозим. Масалан, обьект коптоқ, вертолет винти вазифасини бажарса, у нимани ҳис қиласи. Бинобарин, буларнинг барчасини қўйилган вазифа ечимида ҳисобга олиш керак бўлади.

Рамзий аналогия –бу муаммо негизидаги низонинг мазмунини акс эттирувчи шеърий таққослашлар, метафоралар, образлар. Бу каби рамзий аналогия муаммо ечимини маълум қилиши мумкин.

Хаёлий аналогиядан фойдаланишда мавжуд бўлмаган, фантастик обьект ёки персонажларни танлаш лозим. Масалан, сехрли таёқча, ўзи юрар этиклар ва ҳ.к. Мавжуд муаммони “хаёлий эртак қаҳрамонлари қандай ҳал қилган бўлар эди?” деб тасаввур қилиб қўриш керак. Ушбу методнинг афзаллиги шундаки, у таҳминий мулоҳазани баён қилиш ва ечимга йўл топишга ёрдам беради.

# **4-БОБ КРЕАТИВ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН АҚЛИЙ МАШҚЛАР**



Инсон ҳаётини осонлаштирувчи техник кашфиётлар ёки машҳур рассомларнинг картиналариға қараб туриб, инсон онги бундай нарсаларга қодирлигига ҳайратланасан киши! Аслини олганда, ҳар бир одам ўзига ҳос шахс бўлиши ва санъат асарларини яратиши мумкин. Шунчаки қолипга тушиб қолган ҳолда фикрлашни бас қилиш ва одатий дунё чегараларимизни бузиб ўтишнинг ўзи кифоя.

Инсонни креатив фикрлашга ўргатиш осон иш эмас, аммо уддасидан чиқиши мумкин. Асосийси, инсон, ўз ҳаёти – фикрларининг натижаси эканлигини ва унинг ҳар бир қадами унинг миясида пайдо бўлган ғоялар томонидан бошқарилишини англаш етиши зарур. Инсоннинг фикрлаш имкониятлари чексиз. Ҳохишнинг ўзи бўлса бас. Шунда инсон ўзи ўйлаган ва ишонган нарсаларига эриша олиши мумкин. Зоро, инсон тоғларни қулатишга қодир деб бежизга айтилмаган. Креатив тасаввурни ривожлантиришга эса қуидаги ақлий машқлар ёрдам беради.

### **«Икки тасодифий сўз» машқи**

Жавондан изоҳли лугат ёки ҳар қандай китобни олинг. Таваккалига 2 та ҳар қандай тўғри келган сўзларни танланг. Бунинг учун қўзларингизни юминг, китобнинг ҳар қандай сахифасини очиб, бармоғингиз билан 2 та сўзни танланг. Энди эса ушбу сўзларни таҳлил қилинг, ўзаро боғликларни изланг, уларнинг ўртасидаги бирон-бир умумийликни топишга ҳаракат қилинг, уларни бирга боғловчи, улар билан боғлиқ воқеа ўйлаб топинг. Ушбу машқни иложи борича тез-тез такрорлаб туринг, мия ва тасаввурингизни машқ қилдиринг. Нима учун ушбу машқ креатив фикрлашни ривожлантиришга ёрдам беради? Креативлик – бу нарса ва ҳодисалар ўртасида алоқа ўрнатиш қобилияти. Ижодкор инсонларнинг тафаккури бошқаларникидан шуниси билан ажралиб турадики, улар ўз тажрибасининг кичик қисмларини умумий тарзда бирлаштириш, умумлаштириш ва буларнинг барчасини бирон-бир янги нарсага айлантириш қобилиятига эга.

## «Архитекторнинг ақлбовар қилмас қобилияtlари» машқи



Мазкур машқ тасаввурнинг ривожланишига яхши таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, бунинг учун сиз ўта ғаройиб уй қуришингиз керак бўлади. Кўрқманг, бу жараён давомида сизга чизғич, қалам ва циркульнинг умуман кераги йўқ. Ҳечнимани чизишнинг ҳожати йўқ. Бир дона қофоз олиб, унга турли хил 10 та от туркумига оид сўзларни ёзинг. Ушбу сўзлар –

мижозингизнинг уйини лойиҳалаш ва қуриш учун ўзи истаган ҳохишистаклари. Масалан, сиз помидор, балиқ, кунгабоқар ва шунга ўхшаш сўзларни ёздингиз. Ушбу сўзларнинг уйнинг лойиҳаси ва қурилиши учун қандай боғлиқлик томони бўлиши мумкин? Эҳтимол, “помидор” – уйнинг қизил рангли томи, “балиқ” – уй яқинидаги ҳовуз, “кунгабоқар” – уйнинг интеръер дизайнини безашдаги кантри услуби ёки уни пардалар безагида қўллаш мумкин. Тасаввурингизни ишга солинг, иложи борича кўпроқ ўхшатмаларни ўйлаб топинг. Машқни янада қизиқарли ўйинга айлантириш учун, уни бир ўзингиз эмас, балки жамоа бўлиб тўпланинг ва беллашинг. Сизнинг ва дўстларингизнинг хаёлига ақлбовар қилмас ғоялар келганидан ўзингиз ҳайратда қоласиз.



## «Дунё намойиши» машқи

Ушбу ўйин қайсиdir жиҳати билан олдингисига ўхшаб кетади. Буни ҳам жамоада ва беллашув кўринишида ўтказиш мақсадга мувофиқ. Ҳар бир иштирокчи ўз

карточкасига нарса-буом номини ёзиши керак бўлади. Бу “стол”, “хат”, “мўйқалам” каби ва шунга ўхшаш сўзлар бўлиши мумкин. Сўнгра, барча карточкалар йигиб олинади, аралаштирилади ва иштирокчиларга тарқатилади. Карточкаларда ёзилган нарса ёки буюмни, унинг номини айтмаган ҳолда тавсифлаб бериш, яъни ушбу

буом ҳақида топишмоқ тузиш учун ҳар бир иштирокчига 10 дақиқа вақт берилади. Масалан, “мўйқалам” сўзи билан қуийдаги топишмоқ ясаш мумкин: ушбу буюм ижодкор инсонларга дунё гўзаллигини кўрсатиш учун хизмат қиласди.

Кейинги машқлар тафаккурингизни янада ўткир ва қайишқоқ қилишга ёрдам беради, сизни креатив ечим топиш, барча қобилияtlарингизни намойиш этиш керак бўлган вазиятларда намоён қиласди.

### **«Сукут вақти» машқи**

Кўрқманг, оғзингизга сув тўлдириб, бутун соат давомида сукут сақлаб юришингиз шарт эмас. Ҳатто кундалик ишларингиздан ҳам воз кечишининг кераги йўқ. Шунчаки 60 дақиқа вақtingизни ажратинг ва ушбу вақт давомида одамларнинг саволларига фақат “ҳа” ёки “йўқ” сўзларидан фойдаланган ҳолда жавоб беринг. Бироқ, сизнинг барча жавобларингиз шундай табиий чиқиши керакки, атрофингиздаги одамлар сиздан шубҳаланмаслиги, гаплашишни истамаяпти, бетоб бўлиб қолган ёки сиз билан бирон-бир нохушлик содир бўлган деб ўйламасинлар.

### **«Ўн вазифа» машқи**

Бир дона қофоз олиб, унга ўнта вазифани ёзинг. Ҳавотирланманг, вазифаларни ўзингиз ўйлаб топасиз, масалан: ишга бирон-кимнинг машинасида бепул етиб олиш ёки жамоат транспортидан фойдаланиш, романтик жойда овқатланиш, бутун кун ўзингиз ҳақингизда гапирмаслик. Вазифаларни ёзиб олдингизми? Ҳозир эса уларни бажаришга киришинг!

Кундалик тутинг ва унга қунлик муваффақиятларингиз ҳақида ёзиб боринг, аммо муваффақиятлар ҳақиқий бўлиши, ёлғон аралашмаслиги лозим.

Иш куни давомида мен, менга, менини каби сўзлардан фойдаланмасликка ҳаркат қилинг.

Нотаниш кимса билан сұхбатлашганда, гап фактат сұхбатдошингиз ҳақида боришига ҳаракат қилинг. Сиз ҳақингиздаги ҳар қандай саволни қайтариб юборинг, бироқ буни сұхбатдошингиз сезмасин.

### «Тескари сўзлар» машқи



Эрталаб ишга кетаётганда ёки кечқурун уйга қайтаётганда йўлда минглаб эълон, реклама баннерларига кўзимиз тушади ва ўзимиз истамаган ҳолда уларни ўқиймиз. Улардаги сўзларни тескари ўқишига уриниб кўрганмисиз? Масалан, “Гўзаллик салони” – “инолас киллазўГ”, “Дўкон” – “нокўД” ва ҳ.к. Аввалига уларни тескари ўқиши бироз қийинчилик туғдиради, бироқ машқ қиласверга, ҳатто узун ибораларни ҳам ўқиши осон кечади. Бу машқ нима учун керак ўзи? Ундан фойдаланган ҳолда, сиз дунёга бошқача кўз билан қарашни бошлайсиз, стереотип фикрлашдан халос бўласиз, миянгиз ностанларт ечимларга қарши бўлишдан тўхтайди.

### «Тонг кечаси бошланади» машқи



Бу ҳам креатив фикрлашни шакллантиришнинг бир усули. Ҳеч биримиз, мутолаа қилиш ақлий қобилияtlарни ривожлантиришини рад эта олмаймиз. Бироқ, мазкур машқда креатив қобилияtlарни ривожлантириш китоб мутолаа қилиш жараёнида олинадиган маълумотларга эмас, китобни креатив тарзда ўқишимизга боғлиқ. Китобни ноодатий тарзда ўқишига уриниб кўринг, яъни бошидан оҳиригача эмас, балки аксинча – оҳирги бетидан бошлаб ўқишини бошланг. Зоро, креатив фикрлаш – бу ностандарт фикрлаш. Китобни шундай усулда ўқиши, ҳаётда буткул кутилмаган қарорлар юзага келиши, барчаси сиз одатлангандек бўлмаслиги

жараёнида олинадиган маълумотларга эмас, китобни креатив тарзда ўқишимизга боғлиқ. Китобни ноодатий тарзда ўқишига уриниб кўринг, яъни бошидан оҳиригача эмас, балки аксинча – оҳирги бетидан бошлаб ўқишини бошланг. Зоро, креатив фикрлаш – бу ностандарт фикрлаш. Китобни шундай усулда ўқиши, ҳаётда буткул кутилмаган қарорлар юзага келиши, барчаси сиз одатлангандек бўлмаслиги

тұғрисидаги фикрга келишингизга турткы бўлади. Мазкур машқ бир қолипга тушиб қолган ҳолда фикрлашдан халос этади.

### «Одатийликдаги ноодатийлик» машқи



Не торопись делать выводы...  
Вещи не всегда такие, какими кажутся...

Атрофимизни юзлаб буюмлар курсаб туради, ва ҳар бирининг ўзига яраша вазифаси бор. Стул – унга ўтирилади, стол – унда овқатланилади, ушбу буюмлар учун бошқа вазифа ўйлаб топишга уриниб кўрингчи. Масалан, стулни олиб, ундан фойдаланишнинг 10 хил усулинин ўйлаб топинг, бироқ бу унга чиқиб олиш ёки у

билан урушиш, отиш дегани эмас. Креативроқ фикрланг. Масалан, стулни қайта ишлаш, ундан ётоқхона столчаси, курси ва ҳ.к.ларни ясаш мумкин. Шундай тарзда, сизни ўраб турган барча буюмлардан янгича фойдаланиш усулларини ўйлаб топинг. Ушбу машқ ёрдамида одатий буюмлардан ноодатий тарзда фойдаланишни ўрганасиз.

### «Ғоялар оқимини кучайтириш» машқи



Креатив ғоялар шунчаки ўзи пайдо бўлиб қолмайди. Ғояларни фаоллаштириш керак, бунинг учун эса тасаввурни ишга солиш лозим. Масалан, бирон-бир буюмни олинг, дейлик олма. Уни нима билан ёки ким билан бирга тасаввур қилиш мумкин? Олма дарахти, олмали шарбат, Ева ва ҳ.к.лар билан бирга. Шу каби машғулотга кунига ҳеч бўлмагандан бир неча дақиқа вақтингизни ажратинг. Секин-аста миянгизни ўзи тасаввурларни ишга солишни ва креатив ғояларни ўйлаб топишни бошлайди.

## «Сўзлар бизга кўрингани каби эмас» машқи



Бир дона қоғоз варагини олинг ва унга хаёлингизга келган ҳар қандай сўзни ёзинг. Тасаввур қилинг, бу сўз – ҳарфлардан ташкил топган қисқартма сўз, ва унинг ҳар бир ҳарфини очинг, аммо ушбу шартли сўзлар бир-бирига мантиқан тўғри келиши кераклигини ҳам ёддан чиқарманг. Масалан: “куч” сўзини – “кўркам узун чинор” деб оламиз. Аввалига мураккаб бўлиши мумкин, аммо бир неча маротаба машқ қилгандан сўнг ушбу жараён автоматик тарзда бажарилишини гувоҳи бўласиз.

Инсон ўзида ижодкор шаҳсни шакллантириши учун креативликка доир бошқа машқларни ҳам бажариб туриши лозим. Масалан, агарда сизда фотоаппарат ёки сифатли камерага эга телефон бўлса, ноодатий фотолар олишни ўрганинг. Уйқуга кетишдан олдин миянгизни мавжуд муаммолар билан тўлдиришга эмас, балки орзу қилишга вақт ажратинг. Креативликни ривожлантириш учун расм чизиш ёрдам беради, синаб кўринг. Ҳозирги кунда интернет оламида турли-туман расм чизиш техникалари мавжудки, ҳатто бу соҳада таълим олмаган бўлсангиз ҳам уларнинг ёрдамида ажойиб картиналар яратиш мумкин. Масалан, энқаустика. Ақлбовар қилмас пейзаж наъмуналарини яратиш учун сизга мумли қалам ва электр дазмол керак бўлади. Агарда сиз пазандачилик ихлосманди бўлсангиз, ижод қилиш учун имкониятлар сони минглаб топилади. Янги рецепtlарни ўйлаб топинг, синаб кўринг. Ҳамма нарсага қизиқиб кўринг, кўргазма, театрларга боринг, дунёқарашингизни кенгайтиринг. Агарда мутолаа қилиш жон-удилингиз бўлса, ўз асарингизни ёзишга уриниб кўринг.


Фояларингизни шакллантиринг, тасаввурингизни ривожлан-тиинг, эришилган ютуқнинг ўзида тўхтаб қолманг. Ўз креативлик хусусиятингизни қанчалик даражада кучли ривожлантирангиз, қизиқарли ғоялар ва уларнинг ечими шунчалик кўп пайдо бўлади.

# 5-БОБ. КРЕАТИВЛИК ВА ПЕДАГОГИКА



## 5.1. ПЕДАГОГИК КРЕАТИВЛИКНИНГ МАЗМУНИ

“Креативлик” ва “педагогик креативлик” тушунчаларнинг мазмунни. Инновацион маҳсулотлар ва хизматларни яратишда муваффақиятнинг асосий шартларидан бири – креативлик, ёки ижодий фикрлаш. Янги ғояларнинг кучли, сезиларли ва жадал оқимисиз ташкилотлар, ўз фаолиятини тўхтатиб қўйган бўлар эди. Шу туфайли, қандай қилиб ходимларнинг ижодкорлик имконияларини ривожлантиришга ташаббус киритиш ва уни, ташкилотларнинг бозордаги рақобат устунлигини таъминловчи инновацион ғояларга айлантириш ҳақидаги муҳим масалага корхона бошлиқлари жавоб топиши лозим. Креативлик ўзи нима? Америкалик психолог Абрахам Маслоунинг сўзларига кўра, бу – туғилгандан бошлаб ҳар кимга хос бўлган ижодий йўналиш бўлиб, тарбия, таълим ва ижтимоий амалиётнинг шаклланган тизимининг таъсири остида кўпчилик томонидан бой бериладиган хусусиятдир.



Creativity сўзининг турли маънолари ва таржималари туфайли қўпчилик инсонлар онгida инсонларни ижодкор ва креатив хусусиятларга турланиши мавжуд. Ижодкор шахслар сирасига рассомлар, ҳайкалтарошлар, ёзувчилар, шоирлар, сураткашларни киритиш мумкин. Улар, ўз қобиоиятларини ижоднинг турли

соҳаларида намоён қилувчи инсонлар ҳисобланади. Креатив – одатдагидек, бизнес одамларига хос бўлган хусусият. Улар – дизайннерлар, реклама менеджерлари, маркетологлар, бренд-менеджерлар ва ҳ.к.лар бўлиши мумкин. Креативлик бир вақтнинг ўзида, ҳам табиат томонидан тухфа қилинган илҳом кучи, ҳам маълум усуллар ва технологиялардан фойдаланиш билан бирга тасвирланади. “Креативлик” тушунчасининг, инновацион қарорни қабул қилишнинг ижодий жараёнини тасвирлашда қўлланиладиган турли изоҳлари мавжуд. Креативлик мазмунинг энг кўп тарқалган изоҳи –оригинал ва ўринли ғояларнинг ўзига хос фойдасиниnobатга олмасдан яратилиши. Шу жумладан, айтиш мумкинки,креативлик – ҳали ҳеч ким қўл урмаган нарсаларни амалга ошириш – яъни бу жараён занжир кўринишида намоён бўлиши мумкин: фикрлаш – яратиш – қўллаш. Бошқачасига айтганда, ғоя ижодий қобилиятларни намоён қилиш каби муваффақиятли ҳаракатлар – инновацияларга айланиши лозим. Ташкилотнинг амалий фаолиятида бунга эришиш учун, эҳтимол, кенг компетенциява турли қобилиятларга эга бир неча инсонлар керак бўлади. Бошқа сўз билан айтадиган бўлсак, креативлик ўз хусусиятига кўра “ижодий дастак” сифатида хизмат қилиб, унинг таъсири корхонага рақобат устунлигини ҳам тақдим этади. Бошқа муаллифлик ёндашувлари доирасида креативлик, амалга оширилиши муаммонинг муваффақиятли ечимиға олиб келувчи босқичларнинг сезиларли вақт оралиқларига бўлинган кетма-кетликларидан ташкил топган жараён кўринишида тақдим этилади. Дж.Уоллес креативлик жараёнида қўйидаги босқичларини белгилайди:

- а) тушуниш – муаммо ёки имкониятни излаш ва шакллантириш;
- б) тайёрлаш – муаммо ечимининг асосларини куриш;
- в) режалаштириш – қўпинча ушбу босқичда ғайрииҳтиёрий фикрлаш жараёнлари асосий аҳамиятга эга;
- г) ногаҳон эсга тушиш – қўпинча кутилмаган “Эврика!” шаклини қўллайди;
- д) тасдиқлаш – ушбу босқичда ғояни бошқа инсонлар, унинг иш берса олишини тасдиқлаган ҳолда қабул қиласди.

Креативлик (Э.П.Торренс):

- муаммо ёки илмий гипотезаларни илгари суриш;
- таҳминларни текшириш ва ўзгартириш;
- муаммони ечим натижаларининг шаклланиши асосида аниқлаш;
- муаммони ҳал этишдаги ўзаро қарама-қарши билимлар ва амалий ҳаракатларга нисбатан сезувчанлигини ифода этади.

Ижоднинг мухим компоненти – ривожланган креативлик ҳисобланади. У шахснинг аниқ мақсадга эришиш, бошланган ижодий ишни давом эттириш, мавжуд фаолиятдаги қийинчиликларни енгиб ўтиш, ақлий ҳаракатларнинг режалилиги ва кетма-кетлиги, мақсадга эришишнинг вариант ва усулларини излашга интилиш; стеник ҳиссиётлар (олдиндаги когнитив ва ижодий фаолиятдан завқланиш, кашфиётлар жараёнидаги қийинчиликларни енгишга тайёрлик, когнитив ёки ижодий мақсадга эришишда ғуурланиш, бирон-нарсани ўйлаб топиш имкониятидан завқланиш, ижодий фаолият аввалида оптимизмлик, унинг ижобий натижаси ҳақида ўйлаб олдиндан қувониш, муваффақиятсизликка учраган вазиятда ўзини хотиржам тутиш ва х.к.); ички локусназорат; ўз имконият ва қобилиятларини намоён этишга интилиш; ижодий ишларни бошлашда мустақил иш тутиш; ўзини, ўз ишини ҳимоя қилиш, дунёқарашни кенгайтириш истаги, ўзида ижодий қобилиятларни шакллантиришга интилиш ва х.к.. Инсоният тафаккури соҳаси бўйича фаолият юритувчи мутахассисларнинг фикрича, ижодий жараённи таъминлаш учун конвергент (мантиқий, кетма-кет, тўғри) ва дивергент (тўлиқ, интуитив, релятив) фикрлаш турларининг уйғунлиги зарур экан. Фикрлаш хусусиятларининг бундай уйғунлиги натижаси, мулоҳазаларнинг аниқлиги билан уйғунлашадиган ақлнинг равонлиги ва қайишқоқлигига намоён бўлади. Креативликнинг кўплаб манбалари мавжуд, бироқ, уларнинг биротаси ҳам якка ҳолда ижодий жараённинг мазмунини бутунлай очиб бера олмайди.

Креативликни ривожлантиришнинг аниқ усуллари сифатида турли хил тренинг ўйинлар ва машқларни қўллаш мумкин. Креатив педагогика – ижодий таълим илми ва санъати. Бу –педагогиканинг бир тури бўлиб, мажбурлаш педагогикаси, ҳамкорлик педагогикаси,

танқидий педагогика (инглизчадан critical – Critical pedagogy) каби педагогика турларига қарама-қаршидир. Креатив педагогика ўқувчиларни ижодий ўқишига, ўз-ўзини ва келажагини шакллантира олишга ўргатади. Креатив педагогика, аксар ҳолларда, математика, физика, лингвистика ёки иқтисодиёт каби ҳар қандай фанга қўлланилиши мумкин. Маълум бир даражагача айтиш мумкинки, ўрганилаётган фаннинг аҳамияти эмас, унинг методологияси катта аҳамиятга эга: айнан ижодий методологияларнинг ўтилиши таълим бериш/олиш жараёнини ўзгартиради. Креатив педагогикани ижодий таълимдан фарқлай олиш лозим. Масалан, ўқитувчи жуда ижодкор шахс ва ҳатто мактабдаги энг яхши ўқитувчи бўлиши, аммо ўз ишининг барчасини интуитив тарзда (ҳеч қандай билимсиз ва ижодий ривожлантиришнинг маҳсус усулларини қўлламаган ҳолда) бажариши мумкин ва шундагина ўқувчилар бу ўқитувчини севиши ва унинг фанини яхши билиши мумкин. Бироқ бу, ўқувчиларнинг ўзи мустақил ижодкор инсонга айланишини ёки фаннинг ушбу соҳасида ижод қилишни бошлишини англайтмайди. Креатив педагогика – ижодий таълим илми ёки санъати, ёки, бошқачасига айтганда, ижод ва ижодкор шахсни шакллантириш (ривожлантириш) тўғрисидаги билим ва изланиш, шунингдек, ушбу билимни қўллай олиш қобилияти ва санъати, яъни ўрганилаётган ҳар қандай фанда буни ижодий равища бажариш. Креатив педагогика атамаси ва концепциясининг муаллифи, Андрей Алейников, ушбу атаманинг изоҳини кашфиёт формуласи, технология соҳасида кашфиётларни тасвирлаш учун қўлланиладиган аник оғзаки формула кўринишида тақдим этди. “Ўқувчи таъсир обьекти даражасидан ижод (креативлик) субъекти даражасига, анъанавий (асосий) дарслик эса ўзлаштириш фани даражасидан баъзи яратувчанлик мақсадларига эришиш воситаси даражасига ўтказилади, қўшимча материал эса эвристик услублар ва усуллар ҳаракатини тасвирлаш ва намойиш қилинишини ўз ичига олган, таълим самарадорлиги ошириш мақсадида марказдан қочирма ўта танқидий таъсир фонида амалга ошириладиган педагогик таъсир билан ажралиб турувчива маълум бир дарсиликни ўзлаштириш учун субъектга нисбатан педагогик таъсирни ўз ичига оловчикреатив ориентация

педагогикаси". Креатив педагогика шу вақтнинг ўзидаёқ 1990 йили ҳорижда тан олинган (эълон қилинган). Муаллифлар эса (Энциклопедик луғат) нафақат креатив педагогика тұғрисидаги мақоласини кирилдилар, шу билан бирга ўша ноодатий шаклни, яъни кашфиёт формуласини ҳам шархладилар. Креатив педагогика қуидагиларни умумлаштиради: - санъат дарслари; - техник ижод; ижод психологияси; - муаммоларни ижодий ҳал қилиш; ижодий йўналтирилган таълим дастурлари. Интеллектуал ва ижтимоий (педагогик) креативликнинг нисбийлигини ўрганиш тұғрисида айтадиган бўлсак, уларнинг ўртасида бевосита алоқа мавжудлигини билдириш мумкин. Яъни ижодий фикр юритадиган ўқитувчи ўқувчилар билан ўзаро алоқага киришишда ўзини ижодий тарзда намоён қилиш имкониятига эга. Мазкур атамалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва янги педагогик ғояларнинг асоси ҳисобланади. Биз томондан кўриб чиқилаётган хусусиятларни ўзаро боғлиқликда ўрганган ҳолда шуни айтиш, таъкидлаш мумкинки, ўқитувчидан бундай хусусиятларнинг мавжудлиги креатив педагогик муносабатдан бошқа нарса эмас. Педагогиканинг бошқа муносабатлари каби креатив педагогик муносабат ҳам, биринчи навбатда, педагогнинг янгиланувчан-изланувчан борлиғи ва эҳтиёжини акс эттиради.


Креатив таълим жараёни ҳар бир таълим жараёнида ҳар бир ўқувчига нафақат мавжуд ижодий имкониятларни ривожлантириш, балки келгусида ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини ижодий ривожлантириш, ўз-ўзини объектив баҳолашга нисбатан эҳтиёжни шакллантириш имконини беради. Профессионал таълим талабада креативликни намоён қилишга хизмат қиласидан шароитларни яратишга катта эътибор қаратади, бу эсауларнинг иерархиясида касбий салоҳиятини ўзлаштириш билан ҳам боғлиқ. Олий таълим шароитларида бўлғуси мутахассисларнинг потенциал креативлигини амалга ошириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича келгуси ишлар уларда, ҳам билимдонликни шакллантириш, ҳам мулоқотлашиш маҳоратларини ривожлантириш учун зарур. XX аср бошларида ўрта ва олий ўқув муассасаларидаги таълимнинг ривожланишини амалий маҳоратларни ўзлаштириш ўрнига, назарий фанлар аҳамиятининг ўсиши билан

боғлайдилар. Таълимнинг бундай йўналишини шакллантириш, назарий билимлар улушининг ортиши ижодий ташаббуснинг ортишига хизмат қилишини назарда тутган. Ушбу фикр маълум бир хақиқатга яқин, сабаби, назария таълимни алоҳида мисолларда талаб қилмаган ҳолда, қоидаларнинг қўлланилиш доирасини маълум қиласди. Бироқ, ушбу тенденция назарий курслар сонининг асоссиз ўсишига, баённинг абстрактлигини ортишига олиб келди. Ўқувчиларга фактлар эмас, балки дормалар, назариялар ва теоремалар тақдим этилади.

## **КРЕАТИВЛИКНИНГ УМУМИЙ МАЗМУНИ**

<b>Ўқувчиларда креативликни ривожлантириш шартлари</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- кўп савол берадиган болаларни рағбатлантириш ва қўллаб-куватлаш;</li> <li>- болалардаги мустақиллик ҳиссини рағбатлантириш ва уларда жавобгарлик ҳиссни кучайтириш;</li> <li>- болаларнинг мустақил фаолияти учун имкониятлар яратиб бериш;</li> <li>- болаларнинг қизиқишларига эътибор қаратиш.</li> </ul>
<b>Шахсада креативликни шакллантиришга тўсиқ бўлувчи омиллар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- таваккал қилишдан қўрқиши;</li> <li>- фикрлаш ва ҳаракатланишда қўйолликка йўл қўйиши;</li> <li>- тасаввурларни ва шахс тафаккурини паст баҳолаш;</li> <li>- қарам бўлиши;</li> <li>- ҳар қандай ҳолатда ютуқ тўғрисида ўйлаш.</li> </ul>
<b>Креатив шахснинг асосий хусусиятлари (Э.П.Торренс )</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1) маълумотларга қарама-қарши саволлар, камчиликларга эътиборсиз бўлмайди;</li> <li>2) муаммолар, уларнинг ечимларини аввалги таҳминларга кўра аниқлашга ҳаракат қиласди.</li> </ol>

## **Креатив шахсни аникловчи тест турлари Е.Торренс фикрига кўра шахсларда креативлик хусусияти вақт ва замонга, ёши , хаётий тажрибасига боғлиқ бўлади ва уларнинг**




Креативликнинг ривожланиши, асосан инсон қандай муҳитда ўсгани ва ушбу муҳит ижоднинг ривожланишига қанчалик таъсир кўрсатгани, шахсни қўллаб-қувватлагани ва ривожлантиргани орқали белгиланади. Ижодий фикрлашнинг ривожланишига ундовчи ва хизмат қилувчи қатор шарт-шароитларни таъкидлаш мумкин:

- қатъий белгиланган ва қатъий назоратга олинган вазиятлардан фарқли равишда, тўлиқсизлик ёки очиқлик ҳолатлари;
- келгуси фаолият учун услуг ва стратегиялар, буюм ва воситаларни ишлаб чиқиш;
- жавобгарлик ва мустақилликнитарғиб қилиш; мустақил ишланма, кузатувлар, ҳиссиётлар, умумлашмаларга эътибор қаратиш.

Педагогик жараёнда креативликни ривожлантириш учун шахс имкониятларини оширишга ва унинг ижодий фаоллигини оширишга хизмат қилувчи таълим методлари ва технологияларини қўллаш лозим. Ушбу технологиялар ўз-ўзиниadolatli баҳолашни шакллантириш, шахсий ресурсларга таянчни ошириш ва ҳақиқий дунё билан алоқага киришишга тўсқинлик қилувчи психологияк қийинчиликларни қайта ишлашга ёрдам беради. Замонавий таълим тизимида педагог фаолиятининг устуворлиги мулокотнинг диологик усувлари, ҳақиқатни биргаликда излаш, турли ҳил ижодий фаолиятларга берилиши зарур. Буларнинг барчаси интерфаол таълим

методларини қўллашда амалга ошади. Талабалар интерфаол таълим жараёнида танқидий фикрлаш, вазият таҳлили асосида мураккаб масалаларни ҳал қилиш, муқобил фикрларни ўйлаб кўриш, ўйлаб кўрилган ечимларни қабул қилиш, муҳокамаларда иштирок этишга ўрганадилар. Бунинг учун машғулотларда жуфт ва гурӯҳ ишлари ташкиллаштирилади, илмий лойиҳалар, ролли ўйинлар қўлланади, хужжатлар ва турли ахборот манбалари билан иш олиб борилади, ижодий ишлардан фойдаланилади.

### **Педагогнинг асосий иш шакллари (тарбиячи ва ёрдамчи тарбиячи мисолида)**



Юқорида санаб ўтилган 5 жараён хар бир педагогнинг педагогик фаолиятини билдиради. Хўш қреатив фикрловчи педагог қандай сифатларга, компетенцияларга эга бўлиши керак қўйида қреативлик негизида шаклланадиган мухим сифатлар билан танишиб чиқамиз:

- интуиция;
- тасаввур ва хиссиётнинг бойлиги;
- инноваторлик;
- мантиқий ва тез фикрлай олиш;
- вариативлик (бир муаммога бир нечта ечимларни бера олиш);
- ижодкорлик ва уни намоён қила олиш;
- мавзу юзасидан янги қарорларни қабул қила олиш.

Креатив таълим жараёни ҳар бир таълим жараёнида ҳар бир ўқувчига нафақат мавжуд ижодий имкониятларни ривожлантириш, балки келгусида ўз-ўзини англаш, ижодий ривожлантириш, объектив баҳолашга нисбатан эҳтиёжни шакллантириш имконини беради. Профессионал таълим ўқувчиларда креативликни намоён қилишга хизмат қиласидиган шароитларни яратишга катта эътибор қаратади, бу эса уларнинг касбий салоҳиятини ўзлаштириш билан ҳам боғлиқ. Профессионал таълим ўқувчиларининг креативлик компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантириш уларнинг келгусидаги фаолиятларида билимдонликларини, мулоқотга кириши қобилиятларини ва жамоада ишлай олиш имкониятларини ривожлантириш учун зарур.

Э.П.Торренснинг назариясига кўра креативликнинг асосий мазмунини уч қисмга ажратиш мумкин:

- 1. Ўқувчиларда креативликни ривожлантириш усуллар рағбатлантириш-** дарс жараёнида фаол бўлган кўплаб саволлар берган, мустақил фикрига эга ва ўз фикрини асослай олиш унга жавобгарлик туйғусини сезувчи ўқувчилар (болалар);
- 2. Ўқувчиларда креативлик компетенциясини шаклланишига тўсиқ бўлувчи омиллар-** ўзи ва фикрларига нисбатан паст баҳо бериш, бошқалар фикрига қарамлик, таваккал қилишдан қўрқиши
- 3. Креатив фикрловчи ўқувчининг асосий белгилари-** атрофига содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга, камчилик ва ютуқларга эътиборсиз бўлмайди; муаммолар, уларнинг ечимларини бир нечта усуллар билан асослай олади; таваккал қилишдан ва ўз фикрини билдиришдан қўрқмайди.

Креативликнинг ривожланиши, асосан инсон қандай муҳитда ўсгани ва ушбу муҳит ижоднинг ривожланишига қанчалик таъсир қўрсатгани, шахсни қўллаб-қувватлагани ва ривожлантиригани орқали белгиланади. Креатив фикрлашнинг ривожланишига ундовчи ва хизмат қилувчи қатор шарт-шароитларни такидлаш мумкин:

- Қатъий белгиланган ва назоратга олинган вазиятлардан фарқли равища, тўлиқсизлик ва очиқлик ҳолатлари;
- Мақсадга эришиш усун услуг ва воситаларни танлай олиш ва ишлаб чиқиш;
- Мустақил фикрлай олиш ва жавобгарлик масулиятни ҳис этиш.

Педагогик жараёнда креативлик компетенциясини ривожлантириш учун ўқувчиларнинг имкониятларини оширишга ва унинг ижодий фаоллигини оширишга хизмат қилувчи таълим методлари ва технологияларини қўллаш лозим. Ушбу технологиялар ўз-ўзиниadolatli баҳолашни шакллантириш, муаммоли вазиятларда ечимларни топа олишга ўргатиши зарур. Замонавий таълим интерфаол таълим методларини қўллашни талаб этмоқда. Интерфаол таълим жараёнида ўқувчилартанқидий фикрлаш, вазиятни тахлил қилиш асосида мураккаб мсалаларни хал қилиш, мухокамаларда фаол бўлиш, жамоада ишлашни ўрганадилар. Бунинг учун мавзуу ва гурухлардаги ўқувчиларнинг сонидан келиб чиқиб жуфт ва гурухли машғулот, тренинглар ташкиллаштирилади. Дарс жараёнида лойихалар тайёрлаш, ролли ўйинлар, турли ахборот манбалари билан ишлаш катта самара беради. Креативликни шакллантиришда тестларнинг аҳамияти катта бу турдаги тестлар одатий тестлардан бир оз фарқланади. Кративликни аниқловчи тестларда саволлар базаси ноодатий саволлардан иборат бўлади ва жавоб вариантлари бир ёки иккитани ташкил этади. Жавоблардан тестни ишловчи шахс ўзига, ички хиссиётига яқинини танлайши сўралади. Торренс креатив фаолиятнинг икки томонини акс эттирувчи тест турларига қуидагича ажратади:

1. Шахсий сифатларини аниқловчи тестлар
2. Ижодий фикрлашнинг смарадорлиги ва тезлигини аниқловчи тестлар

## **КРЕАТИВ ХУСУСИЯТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ (ПАТТИ ДРЕПЕАУГА КЎРА):**



1. Муаммолилик принципи. Муаммолилик принципининг қўлланилиши педагогик фаолиятда янги эмас. Креативлик мазмунининг ўзи масалага ностандарт ечим излашдан иборат бўлган муаммоли характерга эга. Муаммолилик принципига кўра бўлғуси ўқитувчиларнининг креативлигини ривожлантириш муаммоли креатив масалаларда ўз аксини топади, масалан, “Гипотезани илгари сурис ва уни текшириш режасини тузиш...”, “Натижани таҳминан баҳолаш...”, “Методик материални намойиш қилиш керак, йўқса...” ва бошқалар.

2. Ижодий йўналиш принципи. Мазкур принцип нафақат репродуктив, балки ижодий фолият маҳоратларини ҳам ривожлантиришни кўзда тутади. Креативликни ривожлантириш фақатгина мақсадли характерга эга бўлмаслиги ва натижаси ҳар қандай ҳолатда ҳам, педагогик амалиётни тугатиш вақтига етиш бўлган сўнги нуқта сифатида қаралмаслиги лозим. Бундай ҳолатда бажарилган барча топшириклар ва турли тренинг ишлари талабалар томонидан, ижобий эмоционал муносабатларсиз тезда бажарилиб, нафақат тренинг сифатига, балки диагностик натижалар ва барча тажриба ишларига бутунлай салбий таъсир кўрсатади. Бироқ, креативликни ривожлантириш процессуал характерга эга бўлиб, ҳар

бир топшириқ ва иш тури тажрибанинг навбатдаги босқичи каби эмас, балки ўз-ўзини синаб кўриш, ўз-ўзини ривожлантириш ва қизиқарли фаолиятнинг имконияти сифатида позицияланса, бундай вазиятда тажриба ишларини ўтказишнинг юқори сифати ва ўрганилаётган тушунча кўрсаткичларининг ажойиб динамикаси ҳақида сўз юритиш мумкин.

3. Услубийликни ҳисобга олиш принципи. Бўлғуси ўқитувчилар ўзининг креатив фаолиятида, юқорида таъкидланганидек, ўқув муассасасида, бўлғуси ўқитувчилар унинг қўл остида маълум бир синфда ишлайдиган ўқитувчининг субъектив шароитларида қабул қилинган умумтаълим дастури доираларида, шунингдек, синфда белгиланган академик соатлардан ташқари қўшимча соатнинг етишмаслиги орқали чекланганлиги услубий принципнинг асосий бўғини ҳисобланади. Мазкур чекловлар бўлғуси ўқитувчиларнинг анъанавий таълим усуллари билан ишлаш бўйича амалий кўнилмаларга эга бўлиши кераклиги туфайли салбий характерга эга эмас.

4. Яхлитлик, кетма-кетлик ва тизимлилик принципи. Мазкур принцип дастур тузилмасидан яхлитлик, мантиқийлик, тўлиқликни талаб этади, аммо бундай вазиятда креативликни ривожлантириш дастурида қўйилган мақсадга эришиш учун восита ва усулларни танлашнинг мувофиқлиги ҳақида таъкидлаш мумкин. Биз креативликни бўлғуси ўқитувчининг яхлит образини ташкил қилувчи хусусиятлар тизимининг компоненти сифатида кўриб чиқамиз.

5. Индивидуаллаштириш принципи. Мазкур принципнинг мухим жиҳати – ҳар бир амалиётчи талаба ўқув ишининг индивидуал услубини, шахсий ривожланишининг маҳсус траекториясини ва психик жараёнлар вазифасининг ўзига хос томонларини ҳисобга олишни назарда тутади.

Ҳар бир дастур иштирокчисининг индивидуал натижаси шахсий хусусият сифатида креативликнинг шаклланиш даражасига мос келадиган шахсий креатив ютуқ бўлади. Ўқувчиларнинг креатив қобилиятларини ривожлантиришда мухим масала – бу ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини ривожлантириш. Бунда аллақачон ўқувчи

томонидан забт этилган ютуқга эмас, балки тафаккурига унинг имкониятларини бир мунча оширадиган талабларни қўйган ҳолда бироз олдинга юриш, яъни актуал даражага эмас, балки яқин ривожланиш зонасига эътибор қаратиш лозим. Дарсларда, иложи борича, ўқувчи фикрини уйғотиш, фаол, мустақил ва юқори даражадаги каби ижодий фикрлашни ривожлантириш керак. Фикримизча, дарслар тарихга бўлган қизиқиши ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, ушбу фан билан шуғулланиш ва у бўйича янги билимларни эгаллаш имкониятигагина эга бўлиб қолмай, шахснинг камол топишига, унинг фикрлаш фаолиятини ривожлантиришга: муаммода энг асосийини белгилашга: элементар фикрлаш операцияларининг юқори даражасини шакллантириш (тахлил қилиш ва синтезлаш, таққослаш, аналогияларни аниқлаш, таснифлаш), шахсий фикрлаш усувларини аниқлаш, ноодатий вазиятда йўл тутиш керак бўлганда ижодий турга ўтадиган, фикрлаш фаоллигининг юқори даражаси учун хизмат қилиши даркор.

Креативликни ривожлантириш қуйидаги вазифаларни амалга оширишга имкон беради:

1. Болаларни турли йўналишларда фикрлашга ўргатиш.
2. Ноодатий вазиятларга ечим топишига ўргатиш.
3. Фикрлаш фаолиятининг оригиналлигини ривожлантириш.
4. Келгуси муваффақиятли ҳаёт фаолияти ва жадал ўзгарувчан дунёга тез қўнишиб кетиш учун зарур бўлган фикрлаш хусусиятларини ривожлантириш.

Креатив потенциалнинг тузилмавий асослари ва унинг устувор омиллари. Пол Торренснинг фикрига кўра, креативлик муаммолар, билимларнинг етишмаслиги ёки қарама-қаршилигига нисбатан юқори сезувчанлик, ушбу муаммоларни аниқлаш, гипотезаларни илгари суриш асосида уларга ечим излаш, гипотезаларни текшириш ва ўзгартириш, ечим натижасини шакллантириш бўйича ҳаракатларни ўз ичига олади. Инсонда креативликни ривожлантириш, асосан, у қандай муҳитда ўсгани ва ушбу муҳит ижоднинг ривожланишига қанчалик ахамиятга эга бўлгани, шахсни қўллаб-қувватлагани ва ривожлантирганига қараб белгиланади. Анъанавий таълим тизими

ўқитувчидан талабага маълумотни етказишни ўз ичига олади ва қўйилган саволларсиз жавоблар билан таъминланишга айланади. Олий мактабда, унинг маҳсулоти, одатдагидек, расмий билимлар бўлиб қолган таълимнинг дорматик тури йиллар бўйи ҳукм сурди. Бу билан бир қаторда, ўқитишининг тушунтириш тури ривожланди. Анъанавий таълим тизими ҳар доим ҳам шахснинг креативлигини ривожлантиришга қодир эмас, сабаби, у маълумотларни эслаб қолиш ва фактларни эсда сақлашга асосланган. Кўпинча кундалик ҳаётда, шахснинг креативлик хусусиятларининг йўқ қилиниши учраб туради. Шу туфайли, креативликни ривожлантириш маҳсус ташкиллаштирилган муҳитда амалга ошиши мумкин, ижодий фикрлаш, креативлик ва келгусида ижодкорлик қобилиятларини қўллашга хизмат қилувчи маҳсус топшириқларни ўқитиш жараёнига киритиш зарур. Ўқувчи креативликни ривожлантириш алоҳида амалга оширилади. Креативликни ривожлантиришнинг тизим яратувчи омили ўқитишини гуманитарлаштириш хисобланади. Креативлик қобилиятлари дастлаб ҳар бир инсонга хос деб саналади. Аммо инсон ўсиб улғайган, таълим олган, тарбияланган муҳитнинг таъсири, тақиқларнинг кўплиги, ижтимоий қарашлар ижодкорлик қобиялитларининг беркилишига олиб келади. Шу сабабли, ҳар бир инсон учун креативликни ривожлантиришга позитив туртки бериш, инсонни психологик “босим”лардан “озод” қилиш керак. Ижодий фикрлашни ривожлантириш – таҳлил қилиш, синтезлаш, таққослаш ва умумлаштириш, таснифлаш, режалаштириш, мавҳумлаштириш каби фикрлаш операцияларини шакллантириш ва амалга ошириш, танқидийлик, теранлик, қайишқоқлик, кенглик, тезлик, қўп қирралик каби фикрлаш тавсифларига эга бўлиш, шунингдек, тасаввурни ривожлантириш ва турли таркибга эга билимларни эгаллаш демак. Креативликни фақатгина хулқ-атвор хусусияти сифатида эмас, балки шахсий хусусият сифатида шакллантириш учун маҳсус ташкиллаштирилган муҳит талаб этилади. “Маҳаллий” деб аталувчи креативликни ривожлантириш методикалари (масалан, ностандарт масалаларга ечим топиш) албатта, фойдали. Бироқ, улардан фойдланиш натижасида, ўқувчилар баъзи янги ечим

усулларини ўзлаштиради ва сўнгра ўзлаштирилган харакатларни бажарадилар (масалан, интеллектуал олимпидалардан иштирок этиш учун терма жамоалар махсус усулларда тайёрланишади). Бундай вазиятларда креативлик субъектнинг шахсий талаблари натижасида эмас, балки ташқи таъсирларга жавобан намоён бўлади. Айнан шу туфайли, креативликни шахсий хусусият сифатида шакллантириш учун, ўқувчига кўп томонли тизимли таъсирни таъминловчи махсус муҳит зарур. Ижодий фикрлаш тажрибасини шаклланнишига таъсир кўрсатувчи психологик-педагогик шароитларни икки гурӯҳга бўлиш мумкин: объектив (вазиятга оид) ва субъектив (шахсий) гурӯҳлар. Субъектив шароитлар – у ёки бу вазият тақозоси билан юзага келган ҳолатга таъсир ўтказишга қодир бўлган инсон характеристининг барқарор хусусиятлари. Объектив шароитларга, ўқувчилар томонидан билдирилган ташаббус сўндирилмаган, уларда ўз кучига ва имкониятларига бўлган ишончни шакллантирадиган, мустақиллик рағбатлантириладиган, тассавур ривожлантириладиган таълим жараёни ташкиллаштирилган муҳит шароитлари киритилади. Субъектив (шахсий) шароитлар – шахс хусусиятларининг жамланмаси бўлиб, (педагогик усуллар, методлар, воситалар орқали) уларга таъсир кўрсатган ҳолда бўлажак мутахассисларнинг ижодий фикрлаш тажрибаси шаклланади.

Мазкур жамланма ўз ичига:

- а) ўқувчиларнинг шахсий хусусиятлари;
- б) ижодий фаолиятнинг барқарор ижобий мотивацияси, муваффақиятга эришиш мотивацияси, шахсият талаблари даражаси, когнитив фаолият, ўз-ўзини англашга бўлган эҳтиёж;
- в) эмоционал ҳолатлар тизимини ўз ичига олувчи ижодга муносабат;
- г) касбий масалаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун контент базаси сифатида – умумий ва махсус назарий тайёргарликнинг зарурий ва етарли даражаси;
- д) шахснинг касбий йўналиши – мотивлар, масалага ечим топишга нисбатан профессионал ижодий ёндашувга муносабатни шакллантириш негизи;

е) мақсадларни белгилашни олади. Объектив (вазиятга оид) шароитлар мақсадга йўналган педагогик таъсир имкониятини таъминлайди, шунингдек, уни қўйилган мақсадга мувофиқ равишда йўналтиради.

Мазкур жамланмага: педагогнинг шахсияти ва хулқ-атвори киради. Педагог технологик жараёнда асосий ролдаги шахс ҳисобланиб, у ушбу жараённи ташкиллаштиради, ўқувчилар билан маълум амалий ўзаро алоқаларни таъминлайди, уларни асл қадриятлар тизимиға жалб қиласди, ўқувчиларга нисбатан мотивацион қўллаб-куватлашни кучайтиради, уларнинг ижодий имкониятларини фаоллаштиради. Педагогик креатив муносабат қайта ўзгарувчан ва изланувчан фаоликда намоён бўлади ва бир қолипдаги хулқ-атвор шаклларини енгишда, ўқувчилар билан биргаликдаги мулоқотда бир хилликдан қочишида, улар билан ўзаро самарали алоқага киришишда, ўқувчилар ҳаракати сифатининг самарадорлиги ва хилма-хиллигини бир вақтнинг ўзида амалга ошириши билан бирга, янги ғояларни тақдим қилгунга қадар амалга оширилади. Педагогнинг ижодий фаолияти жараёнида креативлик ривожланади ва етакчи мотивлар билан бирлашади, ва бунда у педагог шахсиятининг тузилмасида функционал равишида ўрнашади ва педагог фаолиятининг ижодий услубини белгилаган ҳолда янги педагогик ечимларни яратиш қобилияти сифатида намоён бўлади. Шу билан бирга, креативлик фаолият натижаси сифатида хизмат қиладиган самарадорлик билан чекланиб қолмаслиги керак. Бундан ташқари, педагогик креативлик ижодий жараён омили сифатида тавсифланади. Педагогик креативлик сифатига педагогнинг дидактик услубларни шакллантиришдаги етакчи талабларидан бири сифатида қараш лозим. Юқорида таъкидланганидек, креатив педагогик фаолият, ўз навбатида, ўз маҳсулотининг оригиналлиги билан тавсифланадиган ўзининг самарадорлиги билан ажралиб туради. Педагогик креативлик маҳсулотининг оригиналлиги ва мукаммаллиги излашнинг хилма-хиллиги ва ўзгаришларнинг турфа хиллигини акс эттириб, креативликнинг миқдорий хусусияти ҳисобланади. Креативликнинг сифат кўрсаткичларига келадиган бўлсак, улар умумлашмалар

мавжудлигини, маълум вазият чегараларидан чиқишни, номаълум педагогик ечимни излашни, муаммони мустақил баён қилиш ва янги субъектив ечимнинг яралишини акс эттиради. Креативлик хусусияти ҳар бир педагогда шартли равищда бўлиши лозим. Педагогик олий ўқув муассасаларининг асосий вазифаси ижодий фикрлайдиган педагогларни тайёрлаш ҳисобланади. Педагогик ижод – доимо изланиш ва янги ғояларни топиш. Педагогик фаолиятдаги креативлик – педагогик масалаларни аниқлаш, бир неча ечимлардан энг мақбулини танлаш, импровизация жараёнидаги янги шароитларда машхур усуллардан фойдаланиш. Бундан ташқари, педагогик креативлик – инновация, борлиққа нисбатан анъанавий қараш, тўпланган педагогик тажрибани ўзгартирувчи янги ёндашув ёки усулларни яратиш. Педагогик креативлик ҳақида турли хил нуқтаи назарлари ҳаикда гапириш мумкин. Барчага маълумки, педагогда креативликнинг мавжудлиги, уни ҳаётнинг ўзгарувчан шароитларига муваффақиятли кўнишиб кетиши ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг яхшиланишини таъминлайди. Жумладан, мазкур хусусиятни педагогларда ривожлантириш зарур. XX аср бошларида ўрта ва олий ўқув муассасаларидаги таълимнинг ривожланишини амалий маҳоратларни ўзлаштириш ўрнига, назарий фанлар аҳамиятининг ўсиши билан боғлайдилар. Таълимнинг бундай йўналишини шакллантириш, назарий билимлар улушининг ортиши ижодий ташаббуснинг ортишига хизмат қилишини назарда тутган. Ушбу фикр маълум бир ҳақиқатга яқин, сабаби, назария таълимни алоҳида мисолларда талаб қилмаган ҳолда, қоидаларнинг қўлланилиш доирасини маълум қиласди. Бироқ, ушбу тенденция назарий курслар сонининг асоссиз ўсишига, баённинг абстрактлигини ортишига олиб келди. Ўқувчиларга фактлар эмас, балки дормалар, назариялар ва теоремалар тақдим этилади. Бундай кўринишдаги таълим, профессионал таълим битиравчиси олган билимларини амалиётда қўллай олмаслиги, янги ғояларни мустақил излаш қобилиятига эга бўлмаслигига сабаб бўлади. Шуни унутмаслик керакки, инсон тажрибасининг рефлексияга учрамайдиган, расман ифодаланмайдиган – жисмоний қобилияtlар, идрок қилиш анъаналари, амалий

кўникмалардаги бутун бир қатлами мавжуд. Педагогик креативликни ривожлантиришнинг шарти ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро алоқада гуманистик психология принципларини амалга ошириш ҳисобланади. Ушбу принциплар қуидагиларни назарда тутади:

1. Барча ғоя ва жавобларни ижобий кучайтиришни, хатолардан таниш нарсага янгича қарашиб учун имконият сифатида фойдаланишини назарда тутувчи, ҳар бир ўқувчининг янги ғоясини юқори баҳолаш.

2. Икки томонлама ишонч, реалликка қиёслаш, психологик хавфсизлик шароитини яратиш.

3. Қарорларни танлаш ва қабул қилишда мустақилликни таъминлаш. Шунингдек, педагогик креативликни ривожлантириш учун ривожланаётган таълим принципларини амалга ошириш зуур, булар: диалогиклик, индивидуаллаштириш, муаммолилик. Диалогиклик – бу педагогик жараёндаги барча ўқувчилар ўртасида фикр ва саволларнинг алмашинуви. Индивидуаллаштириш – бу ижодий ёндашувнинг турли аспектларини қабул қилиш: оғзаки ва ёзма жавоблар, турли шаклдаги хулқ-атвор ва бошқа инсонларга муносабатлар. Муаммолилик – бу одатий усуллар билан ҳал қилишнинг иложи бўлмайдиган интеллектуал масалаларнинг таълимда қўлланилиши.

## **КРЕАТИВ ПОТЕНЦИАЛГА ЭГА ПЕДАГОГ:**

- Ижодий фикрлашга одатлантиради;
- Илмий маҳоратларни яхши ўзлаштиради;
- Педагогик ёки маҳсус фан ютуқлари, шунингдек илғор тажрибалардан фойдаланиш имкониятларини мустақил таҳлил қиласди;
- Педагогик жамоа томонидан ўтказиладиган ижодий лойиха ва илмий изланишларни бажаришда фаол иштирок этади.

## **КРЕАТИВ ПОТЕНЦИАЛГА ЭГА ПЕДАГОГНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

- Касбий фаолиятига ижодий ёндашув;
- Янги ғояларни яратишда фаоллик;
- Илгор тажрибалар ва ютуқларни мустақил ўрганиш;
- Педагогик ютуқлар түғрисида ҳамкаслар билан фикр алмашиш.

Педагогик креативликни ривожлантириш – педагогларнинг шахсияти тузилмасидаги ижодий аспектга алоқадор бўлган томонлардан бири. Бошқа бир муҳим аспект эса ижодкорликни амалга ошириш жараёни ҳисобланади. Бунинг учун, талаба ўзини худди юқори креативлик хусусиятига эга шахс сифатида намоён қила оладиган маълум шароитларни яратиш зарур. Биз, педагогик креативликнинг амалий амалга оширилиши таълим жараёнига нисбатан баъзи талабларга қараб бўлиши мумкин деб ҳисоблаймиз. Биринчи ўринда, бу – жамоада соғлом психологик ҳолатни яратишдир. Ўз ижодий имкониятларини маълум тарзда амалга ошириш таълим жараёнидаги каби, индивидуал ижодий ишни кафедра ёки лабораторияларда илмий раҳбарлар билан амалга оширишни ҳам назарда тутади.

## **КРЕАТИВ ИМКОНИЯТГА ЭГА ПЕДАГОГДАГИ ИФОДАЛАНАДИГАН МАҲОРАТЛАР:**

- Бажарилаётган вазифанинг муҳимлиги ва мазмунини аниқлай олиш;
- Вазифа қўйилишини таҳлил қила олиш;
- Масалани ҳал қилиш режасини тузиш;
- Масалани ҳал қилишда самарали методларни қўллаш (таҳлил қилиш, синтезлаш, индукция, дедукция, таққослаш и б.);
- Масала ечимлари методларини танлай билиш;

- Қабул қилинган қарор түғрилигини исботлай олиш ва қайтадан текшириш;
- Масала ечими шартларини умумлаштириш, масалага ечим топиш жараёни ва якуни бўйича фактларни қайд этиш.

## **ПЕДАГОГНИНГ КРЕАТИВЛИК ИМКОНИЯТИ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛОВЧИ МЕЗОНЛАР**



## **КРЕАТИВ ПЕДАГОГИКА – ИННОВАЦИОН СОҲА ВА ЎҚУВЧИНИНГ КРЕАТИВЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИ**

Замонавий жамиятда креатив шахсларга нисбатан талаб ортиб бормоқда, сабаби, улар юқори даражадаги мослашиш ва ижтимоийлашув хусусиятига эга бўлиб, мунтазам ўзгариб борадиган ва янгиланаётган дунёга қўпроқ мос келади. Бу борада турли соҳа олимларининг эътибори педагогик жараён шароитларида ўқувчи шахсининг креатив имкониятини аниқлаш ва ривожлантириш масаласига қаратилган. Бунда замонавий таълим муассасаларида педагогик жараённи ташкил этишнинг янги парадигматик асосларини ишлаб чиқиши зарурияти туғилади. Ижтимоий буюртма, илмий изланишлар ва таълим амалиёти даражаси талабларининг таъсири остида педагогикада янги йўналиш – креатив педагогика юзага келди. “Креатив педагогика” атамаси замонавий илмий педагогик лексикага кириб улгурди, бироқ у илмий соҳа сифатида ҳали мустақил эмас ва

ўрганиш борасида мураккаб тасавурга эга. Креатив педагогика муаммолари яхлит педагогик назарияда ва инсоният тўғрисидаги бошқа фан тизимларида кўриб чиқилади, улар: педагогика тарихи ва таълим фалсафаси, умумий ва касбий педагогика ҳамда психология, таълим ва тарбия методикалари ва технологиялари, касбий этика ва бошқалар.

Ижод –бу нафақат фаолият, балки унинг яратувчанлик потенциалини оширувчи маҳсус фаолият ҳам. Бошқачасига айтганда, ижод факатгина объектнинг эмас, балки, асосийси ижод субъекти, яъни инсондаги ўзгаришлар ва босқичма-босқич ислоҳотлардан иборат. Ижодкорлик қобилияти – “табиат инъоми”, ва шу туфайли уни ўргатишнинг иложи йўқ деган кенг тарқалган фикрга қарама-қарши тарзда М.М.Зиновкина бошқа нуқтаи-назарни кўрсатади. Техника ва кашфиётлар тарихини ўрганиш, атоқли олим ва кашфиётчиларнинг ижодий ҳаётини таҳлил қилиш натижаси шуни кўрсатадики, улар ўзининг юқори чуқур билимлари (ўз замонасида) билан бир қаторда, фикрлашнинг ўзига хос тузилиши ёки алгоритмига, шунингдек, эвристик метод ва усулларни ўз ичига олган маълум бир билимларга ҳам эга бўлган. Маданият каби ижод ҳам, бутун инсон ҳаётининг, демакки бутун таълим тизимининг ҳам ичига кирмоғи лозим. Шу боис, креатив педагогикани педагогиканинг янги соҳаси сифатида ривожлантириш учун инсоният ҳақидаги фанлар тизимида қатор фикрлар мавжуд. Касбий етуклиқ инсон онтогенезининг маълум қисмини қамраб олади – касбий мақсадларнинг шаклланишидан (14-17 ёшдан) бошлаб то касбий ҳаётнинг (55-60 ёшгacha) якунига қадар давом этади. Мунтазам ўзгарувчан ички ва ташқи дунёга, ижтимоий-иктисодий шароитлар ва фаолиятнинг таркибига мос ижодкор шахсни шакллантириш ва ривожлантириш инсон онтогенезининг бутун даври – туғилишдан ҳаётнинг якунигача бўлган давр қамровини, тўхтовсизликни ва изчилликни талаб этади. Мамлакатамиздаги педагогика соҳасида инсоннинг касбий-ижодий имкониятини шакллантириш ва ривожлантириш асосида унинг касбий-ижодий фаолияти тажрибасини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича деярли илмий изланишлар қилинмаган. Касбий-ижодий фаолиятни

фаол ўзлаштириш, уни самарали равища амалга ошириш нафакат қобилият ва маҳоратларни ривожлантириш ва интеграциялаш, касбий фаолиятни амалга оширишнинг индивидуал усул ва услубларини ишлаб чиқиши, балки касбий ижод методологиясини ўзлаштириш, ижодий фикрлаш ва зарурий креатив характерга эга шахсий сифатларни ривожлантиришни ҳам назарда тутади. Креатив шахсга айланиши бажарилган ижодий фаолият ва олинган ижодий натижаларга мос шахсни шакллантириш ва ривожлантириш сифатида белгилаш мумкин. Ушбу жараённинг суръати ва траекторияси биологик ва ижтимоий омиллар, шахснинг фаоллиги ва унинг креатив хусусиятлари, шунингдек, шароитлар, ҳаётий ҳодисалар ва касбий омиллар орқали аниқланади. Креатив шахсга айланиш ва креатив таълим ўртасида чамбарчас боғлиқлик юзага келади. Шу туфайли, креатив педагогика инсоният хақидаги фанлар тизимида янада аҳамиятли ўринга эга бўлиб бормоқда. Бу инсоннинг касбий-ижодий фаолияти даражаларига, эришилган натижалари ҳамда даражаларига ва унинг креатив тайёргарлиги даражаларига, уларни амалга ошириш ва эришишга тайёрлик сифатида боғлиқлигини англаради. Натижада, умумий ва касбий таълимнинг барча муаммолари профессионал креатив шахсга айланишнинг яхлит жараёни атрофида бирлашишини кўрамиз. Бунда, ушбу муаммоларни педагогиканинг бир соҳаси – креатив педагогика биланинтеграциялаш мақсадга мувафиқлиги аниқ. Олимлар креатив педагогикани, уни педагогиканинг бошқа турларига, масалан, мажбурлаш педагогикаси, ҳамкорлик педагогикаси, танқидий педагогикага қарама-қарши бўлган бир тур сифатида ҳисоблаган ҳолда, ижодий таълим фани ва санъати сифатида кўрадилар. Профессор В.В.Попов ва академик Ю.Г. Круглов таъкидлайди: “Креатив педагогика шахс, унинг қобилияларини фаол ривожлантириш ва шакллантириш бўйича бир мақсадли фаолиятни ўрганади. Педагогика обьекти сифатида шахс, унинг психикаси эмас, балки унинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган педагогик ҳодисалар тизими: жамиятнинг бир мақсадга қаратилган фаолияти жараёнида инсон шахсининг ривожланиши билан белгилайдиган воқеликнинг ҳодисалари. Ушбу ҳодисалар таълим атамасини олган. Таълим умумий

билинг бирдек, креатив педагогиканинг ҳам изланиш объекти ҳисобланади, бироқ, иккинчи турнинг асосий жиҳати шундаки, у эътиборни кўпроқ ижодий ривожланаётган таълимга қаратади”. Интернет-ресурсларининг бирида таъкидланишича: “Креатив педагогика – ўқувчининг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган педагогика. Аслида ҳар қандай педагогика креатив йўналишга эга (масалан, муаммоли, дастурланган, интенсив ўқитиш ва б.). Ўқувчиларга аллақачон маълум бўлган фактологик билимларнинг етказилишини таъминловчи, таълимни объектив аниқланган ривожланиш жараёни сифатида ҳисоблайдиган, анъанавий дидактикага асосланган педагогика ҳам маълум бир креативликка эга”. Креатив йўналиш натижасига эришиш учун қуидагилар муҳим саналади: - ўқув жараёнида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини очиш ва ривожлантиришга хизмат қиласидиган, марказдан қочирма (мета-худуга, мета-билимдан, яъни тор мутахассислик доирасидан ташқарига чиқиш) юқори критик (фақатгина хайриҳоҳ, “конструктив” танқидга йўл қўядиган) ўзаро таъсир муҳитини яратиш; - таълим жараёнини, унинг давомида ўқувчи – яратувчига, ўқув материали эса – яратувчанлик мақсадига эришиш воситасига айланиши учун қайта ташкиллаштириш; - эвристик усуллар таъсири таснифи ва намойишини ўз ичига олган қўшимча ўқув материалини киритиш. Бунда шуни ёдда тутиш лозимки, ўқувчи муаммолилик муҳитида ўз ижодий қобилиятларини ривожлантириши мумкин”. Инновацион соҳа сифатида креатив педагогиканинг илмий мақоми тўғрисида сўз юритишида давом эта туриб, унинг изланиш предмети ва объектини белгилаб ўтиш муҳим. М.М.Зиновкинанинг фикрига кўра, креатив педагогиканинг предмети мунтазам таълим тизимидағи, яъни, умумий таълим, касблар ва мутахассисликларни ўзлаштириш, ўз-ўзини касбий қайта янгилаш жараёндаридағи психологик-педагогик хусусиятлар, креатив шахсни шакллантиришнинг қонуниятлари ва механизмлари ҳисобланади. Креатив педагогиканинг фан сифатидаги объекти мунтазам креатив таълим тизимини ўз ичига олади, ўқув интизоми доираларида эса креатив педагогика объекти онтогенезнинг барча даврларидаги креатив шахс ҳисобланади. Шундай қилиб, креатив

педагогика, бир томондан, илмий билимларнинг фанлар аро соҳаси ҳисобланади. У инсоният ҳақидаги фанлар тизимиға чамбарчас боғланган: умумий ва касбий педагогика ҳамда психология, касбий таълим психологияси, касбий таълим ва тарбия методикалари ва технологиялари. Бошқа томондан, у педагогика фанининг мустақил соҳаси, шунингдек, ўқув интизоми ҳисобланади. Креатив педагогика шахсда инновацион ҳаркатчанлик, креативлик ва замонавий жамиятда рақобатбардошлиликни ривожлантиришга хизмат қилади. Ҳозиргача креативлик атамасиганисбатан одатга айланиб қолган тушунча тўғрисида шахсларнинг оригинал қадриятларни яратиш, ностандарт қарорларни қабул қилиш, маълумлилик чегараларидан чиқиш каби хусусиятларини акс эттирувчи сифатлар; шахснинг ижодий имкониятларини мужассамлантирувчи унинг интеграл хусусиятлари сифатида сўзлашиш мумкин. Креативликнинг муҳим таснифлари сирасига интуиция, тасаввур, ўйлар, олдиндан кўра олиш, оригиналлик, ташаббускорлик, қатъиятлилик, ўз-ўзини ташкиллаштира олиш ва ишчанлик қобилияtlари кириталади. Ушбу хусусиятларга эга шахс нафақат муваффақиятга эриша олишдан, балки ижод жараёнининг ўзидан ҳам баҳра олади. Ўқув-тарбия жараёнини гуманитарлашуви билан боғлиқ замонавий таълим тизимининг янгилиниши ҳар бир ўқувчи ижодий қобилиятларининг ривожланишини таъминловчи педагогик шароитларни яратиш зарурлигини назарда тутади. Педагогик шароитлар тушунчаси остида омиллар, принциплар ва ўқувчиларнинг шахс сифатида ўсишига хизмат қилувчи турли тарбияловчи чораларнинг ўзаро боғлиқ жамланмаси назарда тутилади. Биз ўқув-тарбия фаолиятига ўқувчи ва педагогнинг субъектив позицияси сифатида қараймиз. Бизнинг нуқтаи-назаримизда ўқув-тарбия тизимидан янада сифатли даражага – ўз-ўзини ривожлантириш даражасига чиқиш – ижодий ривожланишнинг самарадорлигини оширишга ва ўқувчи шахсининг ўз-ўзини ривожлантиришга хизмат қилади. Креатив муҳитни яратишга қаратилган педагогик фаолиятнинг бир қатор белгилари аниқланган: ноодатий савол ва ғояларга эътиборли муносабат билдириш, уларнинг қийматини намоён қилиш; эркин мустақил ўқув шароитини яратиш.

Юқорида таъкидланганлар билан боғлиқ ҳолда, таълим муассасаси учун ижодий муҳит яратишга қаратилган педагогик ёрдамни ташкил этиш алоҳида аҳамиятга эга. Ўқувчиларга педагогик ёрдам кўрсатиш икки хил варианта амалга оширилиши мумкин: умумий гуруҳ тарзда ва индивидуал шахсий тарзда. Биринчи вазиятда креатив муҳитнинг яратилиши педагог ва ўқувчиларнинг ҳамкорлиги, фаолиятнинг диалогик шакли, ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини назарда тутувчи топшириқларнинг қўлланилиши орқали таъминланади. Иккинчи ёндашув ўқувчилар учун индивидуал ривожланишда мустақил қарорларни қабул қилиш, ижод, ўқиш ва хулқ-авторнинг таркиби ва усулларини танлаш ҳисобига шароитларни яратишни назарда тутади. Креативликни ривожлантиришда педагогик ёрдам кўрсатиш қўйидаги принциплар орқали йўлга қўйилади: ўқувчилар манфаатларининг устуворлиги; мунтазамлик; қўллаб-қувватлашнинг мультидисциплинарлиги; барча қўллаб-қувватлаш иштирокчилари томонидан ўқувчиларга нисбатан ягона муносабатни шакллантириш; ўқувчилар қадриятларининг устуворлигини тан олиш. Педагогик қўллаб-қувватлаш жараёнида педагог ўқувчиларга шахсий тўсиқни ҳис этишга ёрдам беради, ҳар бир ўқувчида ўзига бўлган ишончни ва шахсий аҳамиятлиликни ҳис этишни қўллаб-қувватлайди. Бунинг учун педагог ўқувчиларнинг такрорланмас ва мукаммал хусусиятларини тан олиши, уларга индивидуал психологик портретни тақдим этиши, ёшга доир ўзига хос хусусиятлар, ўқувчи/талабанинг хулқ-авторини белгиловчи доминант мотивлар, ўқувчининг таълимга бўлган муносабати ва катталар ҳамда тенгқурлари билан ўзаро муносабатинибилиши, ўқувчилар ҳаётининг мазкур давридаги ижтимоий-шахсий ривожланиш масалалари ва таълим дастури ўртасида мутаносибликни ўрнатиш зарур. Педагогик қўллаб-қувватлаш принципларида амалга ошириладиган ўқитишида асосий эътибор дастурий материални ўрганишга эмас, балки индивидуал когнитив фаолиятни ташкиллаштиришга қаратилади. Педагог ўзи ўзлаштирган нарсанинг нафакат мазмунини, балки билим механизмларини, фаолиятнинг турли хилларини ташкиллаштириш принципларини ҳам ўзи таҳлил қиласи ва ўқувчиларга тушунишда

ёрдам беради. Ўз ўқув фаолиятини қуриш ҳақидаги билимлар – ўзига хос турдаги билимлар бўлиб, улар нафақат миқдорий (беш баллик тизим бўйича), балки сифатли равишда: ўқувчи фаолиятининг турли соҳаларида маълум бир сифат ривожланишининг қуи даражасидан юқори даражасигача баҳоланиши лозим. Кўплаб изланувчилар ўқитувчининг позициясига, унинг ижодий шиҷоатига, у томонидан яратилган фикрлаш эркинлиги ва ўз-ўзини намоён қилиш муҳитига ҳам катта аҳамият берадилар. Бунга эришиш учункўплаб усуллар мавжуд: ўқувчилар ҳаракатларига қизиқиш билдириш; кўплаб жавоб варианtlарини тан олиш ва рағбатлантириш; таниш жараёнлар, ҳодисаларга бошқа фикрларни намойиш қилиш ва ҳ.к. Педагогик ёрдам беришда амалга ошириладиган педагогга нисбатан замонавий талаблар шундан иборатки, педагог маълумот берувчи эмас, балки координатор, менеджер, сухбат ташкиллаштирувчи, ўқувчиларнинг индивидуал қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг маслаҳатчиси бўлиши лозим. Педагог билимларни ўзлаштиришнинг энг самарали йўлларини қўллаб-қувватлайди ва уларга йўналтиради, қизиқарли топилмалар учун рағбатлантиради, муваффақиятсиз уринишларни таҳлил қиласи, ўқувчиларни ўз муваффақиятсизликлари ва ғалабаларини англашга ундейди. Бундан келиб чиқсан ҳолда таъкидлаш керакки, тақлид қилиш учун наъмунавий ҳаракатлар ва операцияларнинг маълум бир алгоритми эмас, балки биринчи навбатда ўқитувчи шахсининг ижодий йўналиши, унинг ижодий хулқидир. Ижодкор шахсга фақатгина иқтидорли ижодкор шахслар билан биргалиқда ижод қилиш орқали айланиш – ягона йўл эмаслиги исботланган. Мамлакатимизнинг педагогик ва психологик изланишлардаги биргалиқда ижод қилиш муаммоси ҳамкорлик ғояси контекстида кўпроқ ишлаб чиқиласи (А.А.Бодалев, В.А.Кан-Калик, Н.Д.Никандров, Ю.Д.Красильников ва б.). Бироқ, ҳамкорлик биргалиқда ижод қилишнинг муҳим шарти сифатида аҳамиятга эга бўлган ҳолда, унинг ўзаро таъсир субъектлари позициясининг ўзига хос томонлари билан боғлиқ бўлган хусусиятларини тўлиқ аниқламайди. Шуни айтиш лозимки, айнан биргалиқда ижод қилиш ўқитувчи ва ўқувчи мулоқотида, ўзаро алоқага киришишнинг сухбат

каби мақбул шаклини ўрнатишга имкон беради. Сұхбат асосида алоқага киришишнинг мазмуни икки томонлама бойиш ва сұхбат иштирокчиларининг шахс сифатида ривожланишидан иборат. Мазкур жараён ўзидан ўқитувчи ва ўқувчининг субъект-субъект муносабатини намоён қилиши мүмкін. Ўқувчи, педагогнинг ижодий тарзда ташкиллаштирадиган ижтимоий маданий фаолиятининг ҳамкорликдаги муаллифи бўлиши мүмкін. Биргаликда ижод қилиш ўқувчиларга ўз темпида ўқув материалини ўзлаштиришга, ўз ижодий имкониятларнинг потенциалига ва уларни амалга оширишнинг ўз йўлини тутишга ҳуқуқ беради. В.И.Андреев, Е.А.Глуховский ва бошқа тадқиқотчилар томонидан ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро алоқаси жараёнида биргаликдаги ижодий субъект-субъект муносабатларини амалга оширишга имкон берадиган шартлар белгиланган:

- ижодий жараённинг ҳар бир иштирокчиси ўз қарори ҳуқуқига эга бўлгандаги субъект-субъект муносабатлари;
- ижод муҳити муносабатларининг иштирокчилар томонидан яратилиши ва сақланиши;
- ижодий фаолиятнинг индивидуал услубини ва ҳар бир ўзаро таъсир субъектларининг ўз-ўзини намоён қилишини рағбатлантириш;
- педагогнинг ижодий имкониятларини ва унинг педагогик маҳоратини мунтазам ривожлантириш. Ижодий фаолиятдаги субъект позицияси мустақил мақсад қўйиш ва мотивация олиш қобилияtlарини, ўзгарувчан шароитларда ўзлаштирилган ҳаракат усуллари орқали ҳаракатлана олишни, берилган вазият чегараларидан чиқиши, янги масалаларни ижодий ва турфа хилликда ишлашни ривожлантиради. Бундан ўқувчиларнинг қуидаги, шахс сифатидаги хусусиятлари намоён бўлади: мустақиллик, жавобгарлик, ташкилийлик, ташаббускорлик, ижодий йўналганлик. Бунинг муносабати билан ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолиятида ижодий муҳитни яратиш муҳим аҳамият касб этади. Ижодий муҳитнинг муҳим компоненти муваффақият вазиятларининг ўқитувчи томонидан ташкиллаштирилиши ҳисобланади. Муваффақият вазияти – ўқувчиларда ўз имкониятлари даражасида ижодий фаолиятга қўшилишнинг субъектив истагини шакллантирувчи, бунинг учун

керакли шароитларни таъминловчи педагогик вазиятнинг бир тури. Муваффақият вазияти ностандарт фикрлаш, ўз-ўзини ижодий тарзда намоён қилишни ривожлантиради, шахсда фаолият жараёнининг фаол иштирокчиси мавқенини, фаолият субъектини шакллантиради. Шундай қилиб, креативликни ривожлантиришнинг педагогик шартларига ўқув машғулотида бир мақсадли яратиладиган креатив таълим муҳитини; ўқувчилар ижодий имкониятларининг персонификатори сифатида ўқитувчининг ўзидағи хулқ-автор наъмунасининг креатив мавжудлигини; ўқитувчи ва ўқувчининг биргаликдаги ижодини; ижодий фалиятдаги субъект позициясини; ижодий муҳитни яратиш ва муваффақият вазиятларини яратишни киритиш мумкин. Ўқувчиларда креативликни энг самарали равишда ривожлантириш бир мақсадга йўналган, комплекс педагогик ўзаро таъсир орқали узлуксиз креатив таълим тизими шароитларида таъминланади. Бу масалалар ишланмаси билан бошланғич амалий педагогик тармоқ сифатида креатив педагогика шуғулланиши лозим.

## **5.2. ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГГА НИСБАТАН ТАЛАБ СИФАТИДАГИ КРЕАТИВЛИК САЛОҲИЯТИ**

Жамиятни ривожлантиришнинг замон шартларида ностандарт фикрловчи, фаол ижтимоий мавқега эга, ўз касбий фаолиятида мобил ўзгаришларга, янги ғояларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қодир мутахассисларга бўлган талаб ошиб бормоқда. Инновациялар муҳитида мактабгача таълим педагогининг фаолияти заиф тузилмага айланиб бормоқда, фаолиятнинг илгари жорий қилинган усуллари ҳозирги замон натижаларига эришишга имкон бермаяпти. Мазкур муаммонининг ҳал этилиши мактабгача таълим педагогларида креативлик салоҳиятини ташкил этишни шакллантиришга хизмат қиласи. Бизнинг нуқтаи назаримизда педагог салоҳияти таркибидаги креативлик компетенцияси шахснинг турли касбий (педагогик) фаолият даврларидаги ижодий муваффақиятларни акс эттиради ва янги профессионал маҳсулотларни яратиш ва шахснинг ижодий қобилиятларини амалга ошириш орқали фаолиятнинг юқори

натижаларга эришиш қобилияти сифатида тушунилади. Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиссининг педагогик фаолияти креативлик маҳсулотининг хусусиятлари ноодатийлик, янгилик, қабул қилинган қарорларнинг фойдалилиги, шунингдек, фаолиятнинг мақбул ташкиллаштирилганлигига ифодаланадиган педагогик фаолиятнинг яхлит самарадорлиги ҳисобланади. Ижодга бағишенгандан изланишлар сони минглаб, аммо салоҳият сифатида креативлик тушунчаси деярли кўриб чиқилмайди, шу билан бирга, ушбу масала билан бир қатордаги изланишлар ҳам мавжуд. Уларга ижодий фикрлаш ва креативликка бағишенгандан ишларни (Д.Б. Богоявленская, М. Воллах, Д. Гилфорд, В.Н. Дружинин, М.М. Кашапов, А.М. Матюшкин, С. Медник, В.И. Панов, Я.А. Пономарев, Е. Торренс, В.Д. Шадриков ва б.) киритиш мумкин. Мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг ижодий фикрлаши ва ижоди муаммоси мамлакатимиз олимлари томонидан етарли тадқиқ қилинмаган. В.С. Собкин ва Е.М. Марич баён қилишича, тарбиячи иши ижодий характеристининг қийматини актуаллаштириш кўпинча иш тажрибасининг 4 дан 8 гача ва 19 дан 23 ёшгача бўлган даврларида амалга ошади. Креативликнинг энг юқори қўрсаткичларини тарбиялаш жараёни остида нафақат боланинг ривожланиш жараёнини, балки тарбиячининг ўзини ҳам тушунувчи педагоглар намойиш қиласди. Бундай педагогларнинг болалар билан мулоқоти ижод сифатида қабул қилинади. Мехнатнинг ижодий характеристери ўрта маҳсус педагогик маълумотга эга тарбиячиларда касб танлашнинг асосий мотиви сифатида хизмат қиласди (Собкин В.С., Марич Е.М., 2000). Илмий тадқиқотларда белгиланишича, педагог тафаккури юқори иерархик даражага эришган ҳолда, “очиқлик”, “чегаралардан чиқиш” каби ижодий хусусиятлар билан тавсифланади. Профессионал педагогик тафаккурнинг суперситуацион даражаси қуйидаги хусусиятларга эга: абстрактлик, тез ўзлаштира олиш, ривожланган тасаввур, юқори ижодий имконият, стереотипларни енгишга интилиш ҳисобланади. Бундан ташқари, профессионал педагогик тафаккурнинг суперситуацион даражаси қуйидаги терминал қийматларнинг устунлиги билан боғлиқ: креативлик, фаол ижтимоий муносабатлар, ўзини ривожлантириш. Тафаккурнинг ситуатив

даражасидан суперситуатив даражасига ўтишда шахсий сифатларнинг ижобий ўзгариши амалий фаолият, ижод кўрсаткичларига киритилган

фикрлашдаги маълум реализациядир (Коточигова Е.В., 1998, 2001).

Замонавий психологик-педагогик адабиётларда педагогнинг ижодий фикрлашини шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган турли ёндашувлар тасвирланган. Биз шунга аминмизки, мазкур ёндашувлар педагогнинг креативлик салоҳиятини шакллантиришга мос келади. Мактабгача таълим муассасалари билан ишлашга келсак, иккита асосий нарсани ажратиш мумкин: муаммоли-услубий ва муаммоли-амалий, оператив. Педагогнинг ўқув фаолиятни ташкиллаштиришга қаратилган муаммоли-услубий ёндашув қўйидагиларни назарда тутади: а) тарбиячи фаолиятида юзага келадиган ҳақиқий муаммо ва масалаларни таҳлил қилиш; б) ушбу муаммо ва масалаларни тарбиячи ўқув фаолияти предмет таркибнинг тузилмавий бўлинмалари сифатида моделлаштириш (етказиш, ўхшатиш); в) ушбу муаммо ва масалаларни назария ва тарбиячининг амалий тажрибаси асосида муаммоларни ҳал қилишнинг методологиясини қайта ишлаш мақсадида ўрганиш. Методологик жиҳатдан англаб етиш предмети баъзи амалий вазифаларни ишлаш тузилиши, мазкур вазият туфайли, етакчи ғоянинг пайдо бўлишидан уни амалга оширишнинг маълум усулларни ишлаб чиқишига қаратилган фикрлар ҳаракатининг жараёни (Кулюткин Ю.Н., Сухобская Г.С., 1971). Бундай таълим тарбиячиларга турли педагогик вазиятларни таҳлил қилишга, ҳаракатларнинг ижодий усулларини мустақил ишлаб чиқишига ва вазиятнинг воситаларини ва унда ишлаш имкониятларини кенгайтиришга ёрдам беради. Мазкур даражанинг асосий мазмуни ўзини умумий билимлар, маҳоратлар, ижодий ечим кўникмалари ва педагогнинг ўзи ва унинг ҳамкаслари тажрибасидан фойдланган ҳолда педагогик муаммоли вазиятлар шароитида ўзини тутишни шакллантиришга киритувчи тарбиячи таълими ҳисобланади. Ижодий педагогик фикрлашни такомиллаштиришнинг оператив даражаси ўрганилаётган ишнинг муҳим қисми ҳисобланади. Мазкур даражада муаммоли вазиятларнинг воситаларини кўришни таъминловчи қобилияtlарни ривожлантириш рўй беради. Бундай

қобилиятларни ривожлантириш педагогик вазиятлар ва таклиф қилинган ечимларни таҳлил қилишнинг усулларини ўқитиш жараёнида амалга оширилади. Мазкур даражанинг ўзига хос афзаллиги сифатида – қўлланиладиган таълим воситаларининг регламентлилиги, миқдорийлиги, шунингдек, субъект тафаккурида янги ғояларнинг пайдо бўлиши учун керак бўладиган кичик давр хизмат қилади. Ушбу амалга оширилган давр натижаси ижодий педагогик фикрлаш даражасининг ошиши ҳисобланади. Ушбу даражада қўлланиладиган асосий йўналишларга: муаммоли-меъёрий, функционал-оператив, муаммоли-дидактик, муаммоли-эвристик турлар киритилади. Ижодий фикрлашни такомиллаштириш жараёнида асосий эътибор, мураккаб педагогик реалликда ўқитувчи, тарбиячининг муаммони аниқлаш қобилияти ижод кўрсаткичи сифатида аҳамиятга эга бўлган муаммоли-эвристик йўналишга қаратилади. Касбий фаолиятни эвристик ташкил қилишда ўқитувчиларни ўқитиш натижаси улардаги ташаббус, мустақиллик, шахсий муаммоларни ва уларнинг ечимини ижодий равища аниқлашни оширишдан иборат. М.М. Кашаповнинг таъкидлашича, ижодий фикрлашнинг шаклланиши қатор босқичлардан ўтади: - ижодий фикрлашнинг касбий равища аҳамиятга эга бўлган сифатларини излаш, саралаш ва тўплаш; - ўз аҳамиятига қўра турли хил компонент ва алоқалар ажаратиладиган яхлит тузилма асосида касбий тафаккур таркибларини барқарорлаштириш; - касбий тафаккур тузилмасининг қисқариши, унинг ривожланиш ҳолатидан маълум вазиятда фойдаланиш ҳолатига ўтиши (Кашапов М.М., 2006). Ҳар бир босқичда ижодий жараённинг қуйидаги бўғимлари амалга оширилади: янги ғояга бўлган талаб, муаммоларни илгари суриш, эҳтимолий аниқ ечимлардан узоқлашиш, керакли усуллар комбинациясини излаш, ечимни таҳмин қилиш бўйича такрорий ҳаракатлар, ечим шаффошлиги (Кашапов М.М., 2006). Шундай қилиб, мактабгача таълим педагогининг креативлик салоҳиятини шакллантириш дастури ижодий касбий тафаккурни ривожлантиришнинг усулларидан фойдаланишга асосланиши ва педагогик муаммоли вазиятларни ҳал этишга таяниши мумкин. Шунингдек, ижодга хизмат қилувчи шарт-

шароитларни яратиш ҳақида қайғуриш ва креативликка тўсиқ бўлувчи мухитни бартараф этиш зарур.

### **5.3. ЖАМОАВИЙ ФАОЛИЯТ – БЎЛАЖАК ПЕДАГОГНИНГ КРЕАТИВЛИК САЛОҲИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРТИ**

Бугунги кунда ҳар бир ташкилот, муассаса, шу жумладан таълим муассасасида ҳам ягона аҳамиятга эга рақобат устунлиги инсон ресурслари бўлиб келмоқда. Ҳар бир инсонда яширган салоҳият нафақат ўзини ривожланишига, балки фаолият юритаётган муассасанинг ривожланишига ҳам хизмат қилиши мумкин. Мазкур стратегияга мувофиқ равишда, бўлажак мутахассисларда тезкорлик, ўзига хослик, тезда фикр юритиш каби имкониятларини тўлалигича намоён қилишга имкон берувчи ўзига хос салоҳиятларни шакллантиришга бўлган зарурият аниқланади. Гап турли хилдаги масалаларни биргаликда ҳал қила олиш, жавобгарликни ўз зиммасига юклаш, ташаббускорликни намоён қилиш, янгилик яратиш ҳақида кетмоқда. Мазкур вазиятда креативлик салоҳиятининг шаклланиши катта аҳамиятга эга. Бўлажак педагогнинг креативлик салоҳияти деганда ижодий, коммуникатив, жамоавий ваколатларни бирлаштиришда ифодаланадиган шахснинг барқарор хусусиятлари (ҳар бир шахсда мавжуд бўлган), шунингдек, янгилик яратишнинг (оригинал ғояларни уйғотиш, касбий масалаларни ҳал қилиш, фаолият натижаси каби турли хилдаги маҳсулотларнинг мавжудлигини ўз ичига олади) нисбий жараёнидаги шахс фазилатлар сифатида тушунилади. Ушбу салоҳиятни амалий турга киритиш мумкин, сабаби, у ўз хусусиятига кўра нафақат касбий, шу жумладан таълим соҳасидаги, балки кундалик ҳаётда ҳам турли масалаларни ҳал қилишга имкон беради. Креативлик салоҳияти ҳар қандай даражадаги масалаларга ечим топишга, ҳар қандай ишга ижодий тарзда ёндаша оладиган, янгилик яратишга қодир янги авлод шахсини тарбиялашга ёрдам беради. Шу билан бирга, креативликни ривожлантириш креативлик салоҳиятининг сермазмун хусусияти сифатида ҳамкорликдаги фаолиятда, креативлик салоҳиятида самарали равища

амалга ошиши ҳақидағи фикрларни ҳисобға олған ҳолда, биз уни жамоавий фаолиятга киритдік. Биз шунга аминмизки, айнан жамоавий фаолият бўлажак мутахассисни ҳар қандай фаолиятга, хусусан педагогик фаолиятга самарали равишда тайёрлашга қодир, сабаби, педагог ишининг хусусияти бевосита жамоа билан боғлик. Педагогик амалиётда жамоавий иш катта аҳамиятга эга, боиси, у шахснинг камол топиши, умумий мақсадга эришишга имкон беради. Бундан ташқари, илмий-изланиш фаолияти каби бундай соҳада жамоавий иш индивидуал иш туридан кўра кўпроқ устунликка эга. А.В. Юревичнинг сўзларига кўра, “илм-фан, фанда содир бўлаётган ҳодисаларни илмий билимлар жамоавий субъектларининг ҳаракатлари сифатида тасвирлаган ҳолда замонавий илмий фаолиятнинг жамоавий хусусиятларига ҳурмат бажо келтиради”. Шу туфайли, креативлик салоҳиятини, шу жумладан жамоа салоҳиятини ривожлантириш илмий-тадқиқот ишлари доирасида амалга оширилади. Креативлик салоҳиятни шакллантириш, айниқса жамоа салоҳиятини ривожлантириш муаммоларининг тушунчасига нисбатан нуқтаи-назарларни кўпроқ қуидаги олимларнинг ишларида таъкидланган: А.В. Растворников (2002 й.) биргаликда ижод қилишдаги салоҳиятнинг рефлексив ривожланишини тадқиқ қиласи; А. Н. Воронин (2004 й.) ҳамкорликдаги фаолиятда тафаккур ва креативликни кўриб чиқади; А.В. Морозовнинг (2004 й.) изланишлари ижодий ҳамкорлик ижодкор шахсни ривожлантириш тузилмасидаги олий босқич сифатида назарда тутиладиган, узлуксиз таълим тизимишдаги олий мактаб ўқитувчиларининг креативлигини шакллантиришга бағишлиланади. Жамоавий иш фаолиятнинг ташкилий бўлими сифатида йўналишларнинг яхлит мажмуини ўз ичига олади, улар: мақсадлар, вазифалар, босқичлар, иштирокчиларнинг вазифалари, белгилар, ривожланиш жараёни. Қуйила бу йўналишда илмий фаолият олиб борган олимлар билан танишиб ўтамиш: жамоага айланиш муаммоси Р.М. Белбин, Р. Блейк, С. Таненбаум, Д. Катценба, Д. Смит, Р. Берд ва бошқалар каби дунё тадқиқотчиларининг; А.В. Петровский, Л.И. Уманский, М.Г. Ярошевский ва бошқалар каби рус олимлари (гурухни ривожлантиришнинг олий шакли сифатидаги ижтимоий психология

доирасида); Т.Ю. Базаров, Ю.М. Жуков, Т.Д. Зинкевич-Евстигнеев, Ю.Д. Красовский, С.К. Сергиенко, Ю.В. Синягин ва бошқалар каби замонавий тадқиқотчиларнинг ишларида кўриб чиқилган. И. Салас, Р. Берд и С. Жамоа аъзолари ўзаро бир-бирини тўлдирувчи қобилиятларга эга бўлиб, сўнги натижалар учун жавобгарликни ўз зиммасига олади, ҳар қандай гурух ичидағи вазифаларни бажаради”. Жамоанинг ташкил этилиши, вазиятга нисбатан умумий қарашларга ҳамда стратегик мақсадларга эга ва ўзаро таъсир кўрсатишнинг қайта ишланган харакатларига эга бўлган иштирокчиларнинг пухта жойлашинувига асосланади (Дж. Катценбах, Д. Смит). “Жамоа” атамасининг мазкур тушунчасига асосланиб, жамоавий иш ҳамкорлик, келишув, зиддиятли вазиятларни бартараф этиш, самарали ишлаш, ижодий ёндашиш, шунингдек, мустақил равишда аниқлаш ва мустақил харакат қилиш қобилиятларини ривожлантирадиган фаолиятни ўз ичига олади. “Жамоавий иш” ва “жамоа” атамаларини бир қарашда “гурух иши” ва “гурух” тушунчалари билан бир қаторда жойлашганлигига қараб танланиши бир қатор қуйидаги сабабларга боғлиқ: биринчидан, ишчи гурух, бир-биридан ўрганадиган ва умумий мақсадларни тақсимлаб оладиган, аммо таркиби бўйича ўзаро қарам бўлмаган ва умумий мақсадга эришиш устида ишламайдиган инсонлардан ташкил топган (Лей Томпсон), жамоа аъзолари эса умумий мақсад ортидан ҳаркат қилиб, ҳар бир одам сўнги натижа учун жавобгарликни ўз зиммасига олади; иккинчидан, жамоавий ишда ҳамкорлик, яъни яқдиллик, биргаликда бажариладиган вазифаларга розиликни талаб этса, гурух ишида бундай ҳамкорликка зарурият йўқ; учинчидан, жамоадаги иштирокчилар сони қатъий белгиланиб (5-7), маълум технологиялар, босқич, вазифаларга риоя қилишни назарда тутади, гуруҳда эса аксинча, иштирокчилар сони белгиланмайди; тўртинчидан, етакчи вазифасини гуруҳда ва жамоада белгилаган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, гуруҳдаги етакчи назорат қилиш хусусиятига эга, жамоада эса устозлик, маслаҳат берувчи инсон сифатида қабул қилинади. Мазкур характеристика жамоавий ишда аниқловчи ҳисобланади. Замонавий педагог фаолияти соҳаси янги иқтисодий, сиёсий, ахлоқий, эстетик мақсадлар муносабати туфайли

кенгайиб бормоқда, бугунги кун педагогининг образи ўзига буткул бошқача вазифаларни, айнан: устозлиқ, илмий маслаҳатчилик, тадқиқотчилик, ижодкорлик вазифаларини, ўқитилаётган ва ўқиётганлар ўртасида янги позицияларнинг яратувчиси (субъект-субъект муносабати), инновацион, хусусан, креатив тарзда ишлашга тайёр бўлган инсон вазифаларини ўзига юклаётган универсал мутахассис характерига эга. Юқорида таъкидланганидек, жамоа аъзоларининг бир-бирига ўзаро боғлиқлигига асосланган ўзаро таъсир хусусияти алоҳида роль ўйнайди. Бу жамоада мавжуд бўлган, аммо гуруҳдаги ўша йўқ нарса. Ўзаро боғлиқлик, жамоа аъзоларининг иши натижалари жамоанинг бошқа аъзоларига боғлиқ эканлигини англатади. Ишчи гуруҳда эса аъзолар битта маконда бўлиши, ягона маълумотдан бирга фойдаланиши, қадрият ва қарашларни бир-бирига баҳам кўриши, бир-бирига ёрдам бериши мумкин, аммо уларнинг барчаси мақсадни индивидуал тарзда қабул қиласди. Бироқ, педагогик фаолиятда умумий мақсад жуда муҳим саналади, бундан ташқари унинг амалга оширилиши илмий-тадқиқотчилик иши доирасида бўлиб ўтади. Умумий мақсадни тушуниш жамоавий иш доирасидаги ўзига хос боғлиқликдан келиб чиқади. Мазкур ҳолат герменевтик ёндашувнинг қўлланилишини билдиради. Педагогика ва герменевтиканинг ўзаро боғлиқлиги муаммоси устида Ю.В. Сенько, М.Н. Фроловская ва бошқалар иш олиб боришган. Педагогик герменевтиканинг асосини бир қатор умумий саволларга жавоблар қамраб олади: Инсонни тушуниш ўзи нима? Инсоннинг инсон томонидан тушуниш феноменининг фалсафавий асослари қандай? Тушунишнинг йўллари, методлари, тартиблари қандай? Биз бу каби тушуниш йўлларидан бирини тақдим этамиз – нафақат тажриба, иш, фикрлар алмашинуви, балки ҳислар, ҳаяжон, баҳт, шиддат, завқ, эмоциялар, шубҳалар ва муваффақиятларни ҳам назарда тутувчи биргаликда илмий ижод қилиш. Яъни содир бўлаётган ички барча “Мен”лар ўз-ўзини англаш орқали “Ўзга”нинг ички дунёсини бойитишига имкон беради.

Биргаликда илмий ижод қилиш, асосан, жамоавий иш жараёнининг бундай тушунчаси, креатив салоҳиятнинг асосий компонетларидан

бири - инсонга ижоднинг энг юқори даражаларида ривожланишга имкон берувчи ўз шахсий имкониятларни ривожлантириш ва иложи борича тўлиқ намоён қилишга интилиш каби инсоннинг “ўз-ўзини актуаллаштириш” компонентининг амалга ошишига сабаб бўлади. Айнан жамоавий иш ўз инвидуаллигини намоён қилишга, шахснинг барча имкониятларини очишга ёрдам беради. Жамоада, унинг барча иштирокчилари бошқаларнинг маданияти ўрнига ўзини қўйиб кўради, ўқиш жараёнида барча ўз-ўзини ва бир-бирини кашф қилган ҳолда ўрганади. Бундан келиб чиқадики, биргаликда илмий ижод қилиш – “Мен ва Ўзга”нинг уйғунлиги бўлиб, натижада “Бирон-бир янгилик” пайдо бўлиши. Биргаликда илмий ижод қилишнинг бундай тушунчаси жамоавий ишда ўзаро боғлиқликда, маълум мулоқотда акс этиб, М.С. Каганва А.М. Эткинднинг фикрларига кўра, мулоқотда ўзгаларни ўзининг қадриятлари билан таништириш ва ўзини бошқаларнинг қадриятилари билан таништириш каби ўзига хос хусусиятлар белгиланади. Мазкур аспект биргаликда илмий ижод қилишнинг муаммосида аниқловчи ҳисобланади, сабаби, ўзини ва ўзгаларни бир-бирининг қадриятлари билан таништириш хусусиятисиз тушунишнинг (нафақат ўзини, балки ўзгани ҳам) иложи бўлмас эди. Шу туфайли, жамоанинг (биргаликда илмий ижод қилиш) таркибий таснифи буткул тарзда амалга ошиши, натижада креативлик салоҳиятининг таркиби – жамоавий таркибий тузилишининг шаклланиши учун жамоавий ишни шундай тартибда ташкил этиш ўта муҳим. Шундай қилиб, жамоавий иш, асосий ролни креативлик салоҳиятини шакллантиришнинг белгиловчи шарти бўлгани учун коммуникатив ва аксиологик таркиблар ўйнаши керак бўлган ташкилий, диагностик, контент миқёсидаги маълум тайёргарликни назарда тутади.

## **6-БОБ. ҚҰРҚУВНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЕҢГИШ КРЕАТИВ ФИКРЛАШНИ БОШЛАШ МУМКИН**



*Ижодга ўргатишнинг иложи йўқ,  
аммо инсонларга ўзини ижод қилишига  
ўргатиш тамомила мумкин.*

Джеймс Камерон

## 6.1. ҚИЗИҚИШ ТҮҒРИСИДА

**Икки хил хусусиятларни таққосланг:**

**Биринчиси.** Излаш. Уқубат. Шубҳа. Кўрқув. Афсус. Умидсизлик. Кучсизлик. Чорасизлик. Тушқунлик. Синиқлик. Ишончсизлик.

**Иккинчиси.** Илҳом. Ҳаяжон ва умид. Қувонч. Завқ ва роҳат. Парвоз.

Ушбу хусусиятлар бир-бирига ўхшашми? Кўпчилик, уларда ҳеч қандай умумийлик йўқлигини, аммо битта жараённинг таснифи – ижоднинг хусусияти эканлигини билдируса керак.

Ушбу хусусиятлардан қай бири сизга мос келади? Уларнинг қай бирида вақтингизни ўтказасиз? Яна, кўпчилик, оддий инсон эканлиги, ҳеч бири ўзига хос иқтидорга эга эмаслигини таъкидласа керак. ““Ижод ва “мен” тушунчалари – бир-бирига зид тушунчалар. “Ўз-ўзини такомиллаштириш” ва “муваффакият” – шунчаки оддий сўзлар” деган жавобни эшитсак ҳам ажаб эмас.

Бироқ ҳар биримиз тугулганимизданоқ қандайдир иқтидор ёки имконият билан бирга дунёга келганмиз. Ҳатто бир нуқтаи-назар ҳам мавжуд: “Иқтидорсиз инсонлар бўлмайди”. Тарбия, таълим ва бошқа инсонлар билан ўзаро алоқага киришишда инсон шунчаки ўз индивидуаллигини йўқотиб қўяди ва бир қолипга тушган ҳолда, ўзи яшаётган жамиятда қабул қилингандек фикрлашга одатланади.

Ҳаётий воқеа. Бир қиз дугонасига болалигига бўлган бир воқеани айтиб бермоқда. Расм дарсида катта ўлчамли қофозга фил расмини тасвирлаш керак бўлади, аммо фақат қизил ва оқ бўёклар қолади. Бир қиз қофозга яқин келиб, қизил ва оқ рангларни аралаштиради ва пушти рангли фил тасвирини чизади. Кимdir унинг устидан кулиб: “Пушти рангли фил ҳам бўлар эканми!” дейди. Бунга жавобан қиз: “Кул ранг филлар – зерикарли ва одатий” дейди. Дугонаси эса: “Қандай қўрқмас қиз!” дебди. Бунга жавобан у: “Сен ҳам шундай бўлган эдинг!” дейди. Афсуски, йиллар бўйи биз ўзимизнинг болаликдаги креативлигимизни йўқотамиз ва бир қолипда фикрлашга ва ҳаракатланишга одатланамиз.

Кўпчилигимиз ўз ишимизга фақат маош учун борамиз, шу туфайли, иш кунини зўрға ўтказган ҳолда, дам олиш куни ва таътилни сабрсизлик билан кутамиз. Корпоратив байрамлар фақатгина иш кунини безаб туради холос. Бундай инсонлар учун иш – чорасизлик, мажбурият. Эҳтимол, улар ўз вақтида ўзи истаган касбни танламай, яшаш учун зарур бўлган эҳтиёжни қондириш учун ушбу касбни танлагандурлар. Эҳтимол, бу ёмон ҳам эмасдир. Инсон ўз ижтимоий мақоми, моддий аҳволи, жамоадагилар ва дўстлари билан муносабатларидан мамнундир.

Нима учун ўз касбини излаш зарур? Агарда сиз табиатдан инъом этилган ўз иқтидорингизни намоён этиб, ўз касбингизни топсангиз, баҳтли инсон қандай бўлишини биласиз. Иш кунидаги ҳар бир дақиқани санаб ўтирумайсиз, ўз ишингизни севиб бажарасиз, вақtingиз қандай ўтиб кетганини ҳам билмай қоласиз ҳатто. Чинакамига баҳтли инсон ишдан уйга кетишга, уйдан ишга кетишга шошилади деб бежиз айтишмаган. Бундан ташқари, севимли иш билан шуғулланиш – бу нафақат вақtingизни ёқимли нарсаларга сарфлаш, балки моддий тарафдан мустақилликни ҳам англаради.

Ўз касбингизни топишда сизга нима тўсиқ бўляяпти? Дўстларингиздан, агар улар моддий тарафдан мустақиллика эга бўлиш ва ижтимоий мавқеидан ҳавотирланмагандан нима қлишини сўранг. Жавоблар жуда қизиқ бўлиши мумкин: кимdir гулларни парваришлаш билан шуғулланишини, аммо қачонларлир бу ишни жиддий қабул қилмаганлигини, кимdir эса тикувчи бўлишни, аммо бу касб нуфузли эмаслиги ҳақидаги фикр бир пайтлар уни бу йўлдан юрмасликка унdagанини айтади. Натижада, улар нуфузли олий таълим муассасаларини тугатиб, яхши ишга жойлашдилар, аммо бу иш уларга завқ бера олмади. Барчасини ўзгартириш мумкин, бироқ инсонлар биринчи қадамни қўйишга қўрқадилар, мияларидан шундай фикр ўтади:

- Энди кеч бўлди, вақт ўтди.
- Кимга керак менинг иқтидорим?

– Ўз иқтидорим орқали моддий мустақилликка эриша олмасам-чи? Оиламни қандай таъминлайман унда?

– Маълумотим бор, аммо бу соҳада кўп нарсани билмайман.

Ижод ҳаётнинг янги ва жуда ажиб саҳифаларини очиши мумкин, зеро у энергия, ёруғлик ва муҳаббат манбаи. Айтишларича, инсон ўзининг севимли машғулоти билан шуғулланганда унда янги чакралар очилади, саломатлиги яхшиланади ва ҳатто узоқ яшайди. Ҳар қандай ёшда ўзингизни топишингиз мумкин, ўз иқтидорларингизни топганингизда эса ҳаттоки психологияк муаммолардан халос бўлиш мумкин. Асосийси, ўз қўрқувингизни енгишингиз ва энг биринчи қадамни ташлашингиз. Ўз ижодимизни, ҳар қуни қандай услубда кийинишимиз ёки уйимизни безатишимиз, таом тайёрлашимиз, автомобилимизга эътибор қаратишимиз ва бошқалар орқали намоён қилишимиз мумкин.

## 6.2. МЕНИНГ ИҚТИДОРИМ НИМАДА?

Келинг аниқлаб кўрамиз, ажиб бир “иқтидор” сўзи ўзи нима?

Замонавий психологлар иқтидор ёки интеллектнинг қуидаги турларини белгилашади. Айтганча, улар ҳақида батафсил Говард Гарднерганинг 1980 йилда дунё юзини кўрган “Ақл доиралари” номли китобида ўқишингиз мумкин.

Шундай қилиб, иқтидор турлари.

**Вербал** - лингвистик. Ушбу турдаги иқтидор - ёзувчилар, журналистлар ва ҳатто юристларга хос. У ёзиш ва ўқиш қобилиятига жавоб беради.

**Рақамли** -Бу тур математиклар, дастурчиларга хос.

**Эшитиш** туримусиқачи, қўшиқчи, тилшунос ва лингвистларга хосдир.

Рассомлар ва дизайнерлар **макон** иқтидори билан сийланган.

**Жисмоний** иқтидорларга раққослар, спортчилар, яъни амалиётда ўрганиш улар учун осон бўлган шахслар эга.

**Шахсий ёки ҳиссий иқтидор**, инсон ўзини гўзал намоён қилиши керак бўлганида ёрдам беради.

**Шахслар аро** иқтидор эса сиёсатчилар, нотиқлар, актёрлар ва савдо-сотик билан муваффақиятли шуғулланиб келадиган инсонларга хос.

Атроф олам иқтидори ер эгалари, боғонлар, ҳайвон ўргатувчиларга инъом этилган.

**Ўз қасбингизни муваффақиятли аниқлаш учун, қуидаги тестни синааб кўринг.**

**!** Бир дона қоғоз варағини олиб, унга бирдан ўттизгача бўлган сонларни қўйинг. Ҳар бир сон олдига ўзингиз ёқтирган, сизга завқ, илҳом берадиган машғулот номини ёзинг. Ҳатто 30 дан ортиқ машғулот турларини ёзишингиз ҳам мумкин.

**Ёздингизми?** Кайфиятингизга қараб шуғулланадиган ва уни ўзингизнинг профессионал фаолиятингизга айлантиришни истамаган машғулотларни ўчиринг. Ҳойнаҳой, рўйхатингиз анчайин қисқарган бўлса керак. Уни бошидан ўқиб чиқинг ва ҳаётингизнинг қолган қисмида у билан шуғулланишни истамайдиган машғулотингизни ўчиринг.

Энди эса қоғозга ўзингизнинг кучли томонларингиз, қобилиятларингиз, бошқалардан қайси жиҳатингиз билан ажралиб туришингизни ёзинг.

**Қайси қобилиятларингиздан фахрланасиз?** Агарда сиз ўнтадан кам бўлмаган сўзларни ёзган бўлсангиз ажойиб. Энди эса характерингиздаги кучли томонларни, биринчи рўйхатта ўчирмаган фаолият турлари билан солишириб кўринг.

Бундай қилса ҳам бўлади. Ўз характер хусусиятингизни ёзинг ва унга биринчи рўйхатдан таҳминан 5 турдаги фаолият турларини ёзиб чиқинг. Аксинча қилса ҳам бўлади. Фаолият турини ва унинг олдига кучли томонларингиз, қобилиятларингизни ёзишингиз мумкин. Таҳлил қилинг, қайси вариант сизга қўпроқ яқин ва сизни илҳомлантиради. **Ёзинг.** Нима деб ўйлайсиз, сиз ушбу соҳада ажойиб

мутахассис бўла олармидингиз? Агар жавобингиз “йўқ” бўлса, нима учун?

Рўйхат тузишда давом этамиз. Тасаввур қилинг, моддий томонлама муаммоингиз йўқ, барча истакларингиз ва орзулалингизни амалга ошириш учун сизда етарлича пул бор. Айтайлик, сиз барча мамлакатларда бўлдингиз, барча хурсандчиликларни бошдан ўтказиб кўрдингиз, уйга қайтиб нима билан шуғулланган бўлар эдингиз? Ёзингизми? Энди эса ўзингизга ўзингиз жавоб беринг, факат ростини айтинг. Ушбу иш билан шуғулланишга сизга нима тўсқинлик қилаяпти, ахир у сизнинг касбингизку.

**КРЕАТИВЛИКНИ  
АНИҚЛОВЧИ ВА  
РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ТЕСТЛАР  
ВА МАШҚЛАР**

**ТЕСТ 1. КРЕАТИВЛИК ВА  
ТАФАККУРНИ АНИҚЛАШ**



**Ушбу тест фикрлаш турингизни аниқлашга ёрлам беради. Агар сизнинг фикрингиз сўровнамадаги фикр билан бир хил бўлса «+», аксинча бўлса, «-» белгисини чизинг.**

1. Менга нимадир қилиш, бу ишни бажаришим сабабини тушунтиришдан кўра осонроқ
2. Мен компьютер дастурларини ўзгартиришга қизиқаман
3. Менга бадиий адабиёт мутолаа қилиш кўпроқ ёқади
4. Мен расмлар ва хайкалтарошлик асарлари ёқади
5. Мен иш фаолияти аниқ меъёрлар асосида тузилган ишда ишламаган бўлар эдим
6. Менга бирор нарсани ўрганишда қандайдир буюмларни тасаввур қилиш катта ёрдам беради
7. Мен шахмат, шашка ўйинларини ёқтираман
8. Мен ўз фикрларимни оғзаки ва ёзма усулда бир хилда равон билдира оламан
9. Мен буюмлар коллекцияси билан шуғулланишни хохлар эдим
10. Мен мавҳум тасвирий санъатни яхши тушунаман ва томоша қилишни ёқтираман.
11. Менда танлаш имкони бўлганида муҳандисликдан кўра чилангар бўлишни ҳоҳлар эдим
12. Мен учун алгебра математикадан қизикроқ
13. Мен учун бадиий асарда нима дейилгани эмас қандай айтилгани муҳумроқ
14. Менга ёрқин тадбирларда иштирок этиш мароқли

15. Менга тартибга солинган ишлар ёқмайди.
16. Менга ўз қўлим билан нимадир қилиш ёқади.
17. Менга болалигимда дўстларим билан гаплашишда барча тушунмайдиган сўзлар, белгилар ўйлаб топиш ёқар эди.
18. Менга ҳикоянинг мазмунини унинг образли ифодасисиз етказиш қийин.
19. Музейларга боришини ёқтирамайман, чунки уларнинг барчаси бир хил.
20. Турли ахборотларни тинглашни ёқтираман бу менга иш фаолиятимда ёрдам беради.
21. Менга маҳсулотларни логотипидаги сурат унинг номидан кўра муҳимроқ
22. Менга таниш мусиқа хаёлимда бирон бир воқеани гавдалантиради
23. Хаёлан муболаға қилишни яхши кўраман
24. Мусиқа тинглаётганимда рақсга тушишни ёқтираман
25. Менга турли чизиқлар ва схемаларни таҳлил қилиш қизиқ
26. Менга бадиий адабиёт ёқади
27. Таниш ифорни хидлаш кўп йиллар олдин рўй берган воқеани ёдимга солади
28. Турли типдаги машғулотлар инсон тафаккурини бойитади деб ҳисоблайман
29. Кўл билан ушлаб кўриш мумкин бўлган нарсагина ҳақиқидир
30. Мен аниқ фанларни авфзал биламан
31. Мен бирорвнинг чўнтағидаги пулинин хисоб-китоб қилмайман
32. Расм чизишни ёқтираман
33. Бир фильм ёки сахна кўринишини бир неча маротаба кўриш мумкин. Муҳими актёрларнинг маҳорати
34. Мен болалигимда конструктор уйинчоқларини яхши кўриб ўйнаганман
35. Менга шеърларни овоз чиқариб ўқиш ёқади
36. Мен гўзаллик дунёни қутқаради деган фикрга қўшиламан

37. Мен учун стулчани қўлим билан ясаш уни лойихалашдан кўра осонроқ
38. Мен дастурчи касбини эгаллашим мумкин эди деб ўйлайман.
39. Назмни ёқтираман
40. Бирон бир буюмнинг қисмини тайёрлашдан олдин мен унинг чизмасини қиласман
41. Менга натижадан кўра иш жараёни қизикроқ
42. Менга устахонада ишлаш лойихалаш бўлимида ишлашдан кўра қизикроқ
43. Менга қадимий сирли ёзувларни таълил этиш жуда қизик бўлар эди
44. Мен хар сафар маъruzага чиқишимдан олдин ўз нутқимни тайёрлайман, айтадиган сўзимни топишимни билсан хам
45. Алгебрага оид мисоллардан кўра геометрияга оид мисолларни ишлашни ёқтираман
46. Уйда қўл меҳнати билан бирон бир нарса яратишни ёқтираман
47. Мен дастурлаш тилларини ўрган оламан деб ўйлайман.
48. Бирон бир мавзу юзасидан иншо ёзиш мен учун қийин эмас
49. Хаётимда хали кўрмаган буюмимни тасаввур этиш мен учун осон
50. Мен бошқалар учун аниқ бўлган масалада бир қарорга келишга қийналаман
51. Дазмолни ўзим тузатишга харакат қилиб кўраман, устага олиб боришдан олдин
52. Мен учун тил ўрганишда тил граматикаси қоидаларини тушуниш муаммо эмас
53. Хатлар ёзишни ёқтираман
54. Фильмдаги воқеалар ривожини кетма кетликда тасаввур эта оламан
55. Мавхум суратлар киши тасаввурини бойитишга хизмат қиласди деб ҳисоблайман.
56. Мактаб фанлари ичида менга меҳнат дарси қўпроқ ёққар эди

57. Мен учун хорижий тилларни ўрганиш осон
58. Менга бирон бир воқеа ҳақида дўстларимга сўзлаб бериш ёқади
59. Мен эшитганларимни хаёлимда осон гавдалантира оламан
60. Мен хаётимни аниқ режа асосида қураман
61. Мен тез қарор қабул қиласман, сўнгра унинг тўғри ёки нотўғри эканлиги ҳақида бош қотираман
62. Ўйлайманки, мен хитой тили ирографларини ўргана оламан
63. Хозиргина эшитган хабаримни кимгадур этмасдан тура олмайман.
64. Менимча ёзувчи ва сценаристлик касби қизиқарли
65. Менга дизайнерлик иши ёқади
66. Бирон бир муаммонинг ечимини аниқлашда мен доимо хатолари асоссида олган тажрибаларимга таянаман
67. Йўл ҳаракати қоидаларини ўрганиш мен учун қийин бўлмаган ва бўлмайди ҳам
68. Мен нотаниш одамлар билан тезда тил топишаман
69. Менга рассом-безакчилик иши жуда ёқади
70. Олдин юрган йўлимдан қайта юришни ёқтирмайман.(бирон бир вазифани бажаришда)

<b>Аниқ (фактларга кўра) тафаккур</b>	<b>Рамзий(аниқ белгиларга кўра) тафаккур</b>	<b>Белгили тафаккур</b>	<b>Геометрик белгилар асосидаги тафаккур</b>	<b>Креативлик</b>
1,6, 11, 16, 21, 26, 31, 36, 4 1, 46, 51, 56, 61, 66	2, 7, 12, 17, 22, 27, 32, 37, 42, 47, 52, 57, 62, 67	3, 8, 13, 18, 23, 28, 33, 38, 43, 48, 52, 58, 63, 68	4, 9, 14, 19, 24, 29, 34, 39, 44, 49, 54, 59 64, 69	5, 10, 15, 20, 25, 30, 35, 40, 45, 50 55, 60, 65, 70
натижа =	натижа =	натижа =	натижа =	натижа =

**Кўрсаткичларни аниқлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади.Хар бир устундаги “+” ларни ҳисоблаб чиқинг**

## **Тафаккур ва креативликни аниқлаш тести натижалари**

Креативлик даражаси ва асосий тафаккур тури уч интервалга бўлинади:

- **паст даража (0 дан 5 баллгача)**
- **ўрта даража (6 дан 9 баллгача)**
- **юқори даража (10 дан 15 баллгача)**

**Аниқ (фактларга кўра) фикрлаш.** Амалий тафаккурга эга бўлган одамлар объектив фикрлашни афзал кўрадилар, бу мавзу билан макон ва замонда узвий боғлиқлик, объектив ҳаракатлар ёрдамида ахборотни ўзгартиришни амалга ошириш ва операцияларни кетма-кет бажариш билан тавсифланади. Бу турдаги инсонларда бирон бир воқеага киришишда жисмоний чекловлар мавжуд. Тафаккурнинг бу тури натижаси янги қурилишда мужассамлашган фикрdir.

**Рамзий (аниқ белгиларга кўра) фикрлаш.** Математик тафаккурга эга одамлар ахборот натижавий қоидалар (хусусан, алгебраик қоидалар ёки арифметик белгилар ва операциялар) ёрдамида ўзгартирилганда рамзий фикрлашни афзал кўрадилар. Натижада рамзлар ўртасидаги муҳим муносабатларни тузатувчи тузилмалар ва формулалар шаклида ифодаланган фикр улар учун аниқ ечим сифатида кўрилади.

**Белгили тафаккур.** Инсонпарварлик тафаккурига эга бўлган шахслар имо-ишора тафаккурини афзал кўрадилар. Ахборотни инфаренция ёрдамида ўзгартириш билан характерланади. Белгилар битта грамматика қоидаларига мувофиқ катта бирликларга бирлаштирилган. Натижада белгиланган объектлар ўртасидаги муҳим муносабатларни ушлайдиган тушунча ёки сўз шаклида фикрга кўпроқ урғу берадилар.

**Геометрик белгилар асосида фикрлаш.** Бадий тафаккурга эга кишилар образли тафаккурни афзал кўрадилар. Бу объектдан макон ва замонда ажратиш, ахборотни тасвирлар билан ҳаракатлар орқали ўзгартиришдир. Конвертация қилиш бўйича ҳеч қандай жисмоний

чекловлар йўқ. Операциялар кетма-кет ёки бир вақтда бажарилиши мумкин. Натижада янги образ мужассамлашган тафаккур вужудга келади.

**Креативлик** - инсоннинг ижодий қобилиятлари бўлиб, улар асосан янги ғояларни яратишга тайёрлиги билан ажралиб туради. П. Торренснинг фикрича, ижод муаммоларга нисбатан сезгириликнинг ортиши, билимларнинг етишмаслиги ёки номувофиқлиги, бу муаммоларни аниқлаш, гипотезалар асосида ечим топиш, гипотезаларни синаб кўриш ва ўзгартериш, ечим натижасини шакллантириш ҳаракатларини ўз ичига олади.

Бу турга мансуб одамлар ижодий фикрлашни ривожлантириш учун янги элементларни киритиш, нотўлик ёки очиқлиги билан ажралиб турадиган ўқув вазиятларидан фойдаланилади ва кўплаб саволлар тузиш ва уларнинг ечимларини бир неча хил ифодалашлари билан бошқалардан ажралиб турадилар.

## **ТЕСТ 2. МИЯНИНГ ФАОЛ ЯРИМ ШАРИНИ АНИҚЛАШ ТЕСТИ**



Мия яrim шарлари тести шахснинг устувор (доминант) қобилиятини аниқлади. Сизда қайси қобилият кучли? Ақл ёки креативлик, ташкилотчилик ёки итоаткорлик. Сиз кўпинча оқил, ақлли, мантиқий одам деб аталасизми? Ёки, аксинча, қўпчилик сизни ҳар доим ўзгача фояларга эга бўлган ижодкор деб ўйлади?

Бундай ҳолда, мия яrim шарларингиздан бири иккинчисига аниқ ҳукмронлик қиласди. Бу тиббиёт назарияси бўйича бир яrim шар кўпроқ ривожланган ва кўпроқ фаол, деган маънони англатади.

Куйидаги “Мия яrim шарлари” тести бу доминантни аниқлашга ёрдам беради. Сиз қайси гурухдаги кишилар қаторига киришингизни билишингиз ва миянинг камроқ фаол томонни ривожлантириш учун нима қилиш кераклигини тест якунида билиб олишингиз мумкин. Келтирилган таърифларни ўқинг ва сизга мос келадиган жавобнинг олдига “✓” белгисини қўйинг.

### **1 Қуйидагилардан қайси бири менга берилган таъриф деб ҳисоблайсиз**

- Мен ҳаётга кўпроқ оптимистик нигоҳ билан қарайман.
- Мен ҳаётга кўпроқ писсиместик нигоҳ билан қайрайман.

### **2 Қуйидаги фикрларнинг қайси бири билан тўлиқ қўшиласиз .**

- Мен болаларга китоб, жумбоқли ва конструктор ўйинчоқларни бериш яхшиrok деб ҳисоблайман.
- Мен болаларга юмшоқ ўйинчоқлар ва бўяладиган китобларни бериш яхшиrok деб ҳисоблайман.

### **3 Қуйидаги вариантлардан сизга яқинини танланг**

- Агар менда курсларга бориш имкони бўлса хорижий тилларни ўрганиш курларига қатнашар эдим.

- Агар менда курсларга бориши имкони бўлса, бу рассомчилик курси бўлар эди

#### **4 Қуйидагилардан қайси бири менга берилган таъриф деб ҳисоблайсиз**

- Аниқ ёзилган кўрсатмаларга амал қиласам, конструкторлик ишини аъло даражада уддалайман.
- Кўз олдимда тайёр натижани расми бўлса, конструктор материалыни йеға олишим мумкин.

#### **5 Қуйидагилардан қайси бири сизга берилган таъриф**

- Мен ҳамма нарсада - атрофдаги нарсаларда, кийимда ва энг муҳими-бошимда (ўй хаёлларимда) тартиб бўлишини яхши кўраман.
- Мен учун тартибга солинган хаёт тарзи қизиқ эмас, хаёт билан боғлиқ ўз қарашларим бор ва атрофимдаги воқеа ходисаларга кўп эътибор қаратмайман.

#### **6 Қуйидагилардан қайси бири менга берилган таъриф деб ҳисоблайсиз**

- Янги таом тайёрлашда мен ретцептдаги кўрсатмаларни аниқ бажариш шарт деб ҳисоблайман ( масаллиқларнинг кетма кетлиги, ўлчовлари.... вҳк)
- Янги таом тайёрлашда мен чамалаш орқали масаллиқлардан фойдаланаман ва албатта ўзимдан ҳам бирон бир янгилик қўшаман.

#### **7 Қуйидагилардан қайси бири менга берилган таъриф деб ҳисоблайсиз**

- Мен таҳлилий ечимларни ёқтираман
- Мен бажармоқчи бўлаётган ишимни хаёлан тасаввур қилишни ёқтираман

#### **8. Қуйидагилардан қайси бири менга берилган таъриф деб ҳисоблайсиз**

- Менга ўз фикримни сўз ёрдамида аниқ билдириш қулай
- Менга ўз фикримни ижодий ёндошув билдириш қулай

- ◉ 9. Қуидагилардан қайси бири менга берилган таъриф деб ҳисоблайсиз
- Одатда менга ёққан қўшиқларнинг матнини тезда эслаб қоламан
- Менга қўшиқнинг матнини ёдлаб олишдан қўра унинг мазмунини тушуниб олиш қулайроқ
- ◉ 10. Қуидагилардан қайси бири менга берилган таъриф деб ҳисоблайсиз
- Менга нотаниш бўлган жойларда керакли манзилни аниқлашга қийналаман
- Мен менга нотаниш жойларда ҳам керакли манзилни тезда аниқлай оламан
- ◉ 11. Қуидагилардан қайси бири менга берилган таъриф деб ҳисоблайсиз
- Бирон бир воқеа ходиса ҳақида ахборот берувчи мақолани ўқища , мақоладаги хар бир элементга алоҳида эътибор қаратаман
- ◉ Бирон бир воқеа ходиса ҳақида ахборот берувчи мақолани ўқища , мақоланинг асосий мазмунига эътибор бераман
- 12. Қуидагилардан қайси бири менга берилган таъриф деб ҳисоблайсиз
- Мен одамларнинг исмларини ва менга айтган гапларини аниқ эслаб қоламан
- Мен одамларнинг исмларидан кўра уларнинг юз кўринишларини, гапириш оҳангларини эслаб қолиш осонроқ
- ◉ 13. Қуидагилардан қайси бири менга берилган таъриф деб ҳисоблайсиз
- ◉ мен ўзимни тартибли деб ҳисоблайман ва ҳеч қачон айтилган вақтга кеч қолиб бормайман
- Мен вақти тўғри тақсимлай олмайман ва шунинг учун хам аксарият холларда айтилган вақтдан кечга қолиб бораман

○ 14. Қуидагилардан қайси бири менга берилған таъриф деб ҳисоблайсиз

- Менга күпроқ комедия жанри ёқади ва узим хам хазил мутойибага мойилман деб ҳисоблайман

- Менга күпроқ ужас ва драмма жанри ёқади

15. Қуидагилардан қайси бири менга берилған таъриф деб ҳисоблайсиз

- Менда ўнг қул устунлик қилади

- Менда чап қўл устунлик қилади

○ 16. Қуидагилардан қайси бири менга берилған таъриф деб ҳисоблайсиз

- Бир нечта асарларни ўз ичига олган тўпламни сотиб олсан уни бир бошидан охиригача тўлиқ ўқиб чиқаман , унинг ичидаги менга ёқмайдиган асар бўлса хам уни ташлаб кейингисига ўтиб кетмайман

- ○ ○ Бир нечта асарларни ўз ичига олган тўпламни сотиб олсан менга қизиқ бўлган асарларнигина ўқиб чиқаман

17. Қуидагилардан қайси бири менга берилған таъриф деб ҳисоблайсиз

- Математик топшириқларни ишлашда танлаш имкони бўлса мен алгебрага оид мисолларни танлар эдим чунки менга формулалар ёрдамидаги амалларни ишлаш ёқади

- Математик топшириқларни ишлашда танлаш имкони бўлса мен геометрияга оид мисолларни танлар эдим, чунки менга геометрик фигуранлар акс этган топшириқлар ёқади

○ 18. Қуидагилардан қайси бири менга берилған таъриф деб ҳисоблайсиз

- Мен топшириқларни бажаришда биринчисини қилиб бўлмасдан, кейингисига ўтмайман

- Мен бир вақтни ўзида бир нечта топшириқлар билан ишлашим мумкин , бу мен учун нормал холат

- 19. Қуидагилардан қайси бири менга берилган таъриф деб ҳисоблайсиз
  - Вино ичимлиги дигустациясида иштирок этсам, мен уларнинг номига қараб таътиб кўришга танлаган бўлар эдим
  - Вино ичимлиги дигустациисида иштирок этсам, мен уларни хидлаб кўриб таътиб кўришга танлаган бўлар эдим
- 20. Қуидагилардан қайси бири менга берилган таъриф деб ҳисоблайсиз
  - Менга кўпроқ детектив, триллер, шахс хаёти ёритилган ва тарихий жанрдаги китоблар ва фильмлар ёқади
  - Менга кўпроқ драмма, мелодрамма ва саргузашт жанридаги китоблар ва фильмлар ёқади
- 21. Қуидагилардан қайси бири менга берилган таъриф деб ҳисоблайсиз
  - Мен мантиқий сонларни ва матнларни яхши эслаб қоламан
  - Мен қўпроқ бирон бир воқеа мисол қилиб айтилган ахборотни яхши эслаб қоламан

## **Миянинг ўнг тараф ярим шари ривожланганда...**


Сиз дунёга ғайриоддий нигоҳ билан қарайдиган ижодий одамсиз. Зукколик, сезги ва яхши ривожланган тасаввур сизнинг энг кучли тарафингиздир. Сиз осонгина санъатнинг хореография ва мусиқа йўналиши соҳиби бўлишингиз мумкин. Сиз табиатдан бошқаларнинг туйғуларини ҳис этишга ўрганишга қизиқасиз ва уларга яхши маслаҳатлар бера оласиз. Сиз бир вақтнинг ўзида бир нечта вазифаларни паралелл бажара оласиз бу ишингиз орқали сизга “бетартиблик даҳоси” деган номни бериш ўринли ва сиз буни яхши уddyalay оласиз. Амма сизнинг таҳминларингиз кўпинча пухта ўйланмаган ечимга асосланади ва бундан афсусланасиз. Буни тузатиш учун миянгизнинг чап тарафини ҳам кўпроқ ривожлантиришга ҳаракат қилишингиз керак. Бунинг учун кўпроқ кроссвордлар ишлашингиз ва ташкилотчилик билан шуғулланинг.

## **Миянинг чап тараф ярим шари ривожланганда...**

Агар сизда миянинг чап ярим шари кўпроқ ривожланган бўлса демак сиз стратегистсиз. Мантиқ сизнинг энг кучли ва ўзига хос томонингиз бўлмаса ҳам, у сизда яхши ривожланган. Сиз қоидаларнинг муҳимлигини биладиган ва деярли ҳар қандай вазиятда уларга риоя қилишга ҳаракат қиласидиган одамсиз. Агар сиз бирон бир бизнесни бошламоқчи бўлсангиз унинг барча жиҳатларини пухта ўрганиб чиқмагунингизча бунга қўл урмайсиз шу ўринда сизга бир гапни эслатиб ўтишни ўринли деб топди. “Бизнес таваккалчиликни хуш кўради”. Агар сиз буни хали ўзингизда кашф этмаган бўлсангизсиз чет тилларини ўрганишга мойилсиз. Миянинг ўнг ярим шарни инсоннинг ички хис туйғулари учун масъул хисобланади. Уни ривожлантириш учун санъатга қизиқиш билдиринг, бадиий фильмлар томоша қилинг, санъат асарларини ўзгача нигоҳ билан кўришга ҳаракат қилинг.

### ТЕСТ 3. “РАСМ ЧИЗИНГ”

Расмни якунланг расмнинг асоси рангли қоғоздан тухум шаклида қирқиб олинган овал фигура деб тасаввур қилинг. Чизган расмингизни номланг. Расмнинг рангини ҳар бир респондент мустақил танлайди.



### ТЕСТ 4. “ШАКЛНИ ДАВОМ ЭТТИРИНГ”

Берилган 10 та шаклларни давом эттириб сурат яратинг ва уларнинг ҳар бирини номланг

1	2	3	4
5	6	7	8
9	10		

**ТЕСТ 4. “БЕЛГИЛАРДА СУРАТЛАР”** қуйида берилган белгилардан фойдаланиб турли расмлар, шакллар яратинг

a) Т Т Т Т Т Т Т Т

Т Т Т Т Т Т Т Т Т

Т Т Т Т Т Т Т Т Т

Т Т Т Т Т Т Т Т Т

Т Т Т Т

6) X X X X X X X X

X X X X X X X X

X X X X X X X

X X X X X X X

X X X X X X X

c)


○ ○ ○ ○ ○ ○ ○

○ ○ ○ ○ ○ ○ ○ ○

○ ○ ○ ○ ○ ○ ○ ○

○ ○ ○ ○ ○


d)




### Намуналар




1




2




3



4



5




6



7




8



9






10



11



12



## КРЕАТИВЛИК ВА ПЕДАГОГИКАГА ОИД АТАМАЛАРНИНГ ИЗОХЛИ ЛУГАТИ

<b>Креативлик</b>	(инг. яратиш, яратувчи) индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти
<b>Креатив педагогика</b>	Педагогик фаолиятга нисбатан танқидий ва ижодий ёндошиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгалигини намойиш эта олиш
<b>Компетентлик</b>	Инглиз тилидан олинган бўлиб “Қобилият” деган маънони билдиради. Фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорли намоён эта олиш
<b>Махсус компетентлик</b>	Касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш, касбий-педагогик вазифаларни оқилона ҳал қилиш, фаолияти натижаларини реал баҳолаш, БКМни изчил ривожлантириб бориш бўлиб, ушбу компетентлик негизида психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ва коммуникатив компетентлик қўзга ташланади
<b>Инновацион компетентлик</b>	Педагогик жараённи такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга доир янги ғояларни илгари суриш, уларни амалиётга мувафақиятли татбиқ этиш
<b>Информацион компетентлик</b>	Ахборот мухитида зарур, мухим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йиғиш, саралаш, файта ишлаш ва улардан мақсадли, ўринли, самарали фойдаланиш
<b>Касбий билимларни пухта</b>	Педагог томонидан мавжуд педагогик билимларни пухта ўзлаштириш йўлида амалий харакатларнинг

<b>ўзлаштириш маданияти</b>	ташкил этилаётганлигини англатувчи сифат
<b>Касбий компетентлик</b>	Мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиш
<b>Коммуникатив компетентлик</b>	Таълим жараёнининг барча иштирокчилари, жумладан, талабалар билан самимий мулоқотда бўлиш, уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир қўрсата олиш
<b>Махорат</b>	Араб тилидан “моҳирлик”, “усталик”, “эпчиллик” деган маъноларни билдириб, 1. бирор иш, касб учун зарур ёки шу соҳада орттирилган усталик, санъат, моҳирлик 2. Бир иш ёки фаолиятни юксак даражада, ҳеч бир қийинчиликсиз, ўта моҳирлик билан бажариш 3. Муайян иш, хатти-харакат ёки касбий фаолиятнинг усталик, моҳирлик билан, санъаткорона ташкил этишга имкон берадиган билим, кўникма ва малакалар мажмуи
<b>Касбий зийраклик</b>	Ўқувчилар руҳий холатларини, дарс, тарбиявий тадбирларни ўтказишга бўлган иштиёқини тўғри баҳолаш, уларнинг ўзаро ёки педагоглар билан зиддиятларини англаш, ўқувчи ва гурухга таъсир кўрстишда қулай вазиятни танлай билиш
<b>Касбий педагогик бурч</b>	Мутахассис сифатида ўқитувчи томонидан касбий фаолиятда адо этилиши мажбурий бўлган вазифа
<b>Мимика</b>	Юз мускуллари харакатлари оорқали шахснинг ўз фикри, хис-туёғулари, кайфияти ҳамда мавжуд воқеликка муносабатини ифодалashi
<b>Ноёб қобилиятлар</b>	Шахсга хос индивидуал психологик хусусиятнинг шундай тури бўлиб, у жуда кам сонли шахслардагина кузатилади ва кўп учрайдиган

	психологик ходиса саналмайды
<b>Пантомимика</b>	Педагог томонидан баён этилаётган муайян фикрни алоҳида ажратиб кўрсатишга, маълум қиёфа орқали гавдалантиришга имкон беради гавда, қўл ва оёқларнинг ҳаракати
<b>Педагогик билим</b>	Болаларни ўқитиш ва тарбиялаш, таълим ҳамда тарбия жараёнини ташкил этиш асосида шахсни хар томонлама камол топтиришга доир тизимланган маълумотлар йиғиндиси
<b>Педагогик ижод</b>	Педагогнинг касбий жараёнини самарали ташкил этишга йўналтирилган яратувчанлик фаолияти
<b>Педагогик интуиция</b>	Педагог томонидан педагогик воқеа-ходисанинг моҳияти, ўқувчи хатти-харакатлари мазмунини тасаввур, эмпатия ва орттирилган тажриба асосида ҳис-туёғу, сезги ёрдамида, зийраклик билан мантиқий далилларсиз бевосита англаш
<b>Педагогик дунёқараш</b>	Педагог ва таълим олувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлари жараёнининг мазмунини, натижаларини белгиловчи диалектик қарашлар ва эътиқодлар тизими
<b>Педагогик бошқариш</b>	Педагогик жараёнларни ташкилий методик жиҳатдан уюштириш (талабалар фаолиятини бошқариш; талабалар жамоасини бошқариш)

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Қонуни “Таълим тўғрисида” 2020 йил 19 майдаги ЎРҚ-637
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сон Фармони
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий талим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон Қарори
4. Ўзбекистон Республика Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ- 4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони
5. Креативные техники: Введение в социокультурную проблематику: учебно-методическое пособие.,Нижний Новгород.2017стр.43
6. “Креатив педагогика асослари” модули бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент.,2016 Б.192
7. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари/Муслимов Н.А.,Усмонбоева М.Х.,Сайфуров Д.М.,Тураев А.Б.- Тошкент,2015.-120 бет.
8. **Котоҷигова Е.В.** Креативная компетентность как требование к современному педагогу // ciberleninka, Россия, Ярасловль, 2004
9. **Брякова И.Е.** Креативная компетентность педагога – новый вектор развития образования // М.: Педагогический ИМИДЖ ciberleninka, 2019
10. **Щваб А.В.** Развитие креативного мышления у подростков в условиях основного и дополнительного образования // А. В. Щваб., Scientific Cooperation Center “ Interactive plus”.Г Самара.,2013.

11. **Еприкян Д.О.** Проблемы подготовки педагогов профессионального обучения и пути их решения // Д. О. Еприкян.- ciberleninka, 2018
12. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem soving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.
13. **Рўзиева Д., Усмонбоева М., Холикова З.** Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013. – 115 б.

## Мундарижа

Кириш ..... 3

### 1-БОБ. КРЕАТИВ ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИНИ ШАКЛАНТИРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ

1.1. Креативлик ўзи нима ва уни қандай ривожлантириш керак?.....	6
1.2. Ижодкорлик ва креативлик. улар ўртасидаги фарқ нимада?.....	7
1.3. Креативлик борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар.....	9

### 2-БОБ. КРЕАТИВЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КАЛИТЛАРИ

2.1. Креативликлік қобилиятыни ривожланишига түсік бўлувчи омиллар.....	13
2.2. Креативликини ривожлантурувчи инструментлари: билим ва тафаккур.....	14
2.3. Креативликини ривожлантирувчи инструментлари: характер.....	19

### 3-БОБ. КРЕАТИВЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСЛУБЛАРИ

Тасодифий сўзларнинг ўзаро боғлиқлиги методи.....	26
Ўйлаб топилган персонажлар методи.....	27
Олти шляпа методи.....	28
Brainstrong методи.....	30
Аналогиялар усуллари метод.....	32

### 4- БОБ КРЕАТИВ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН АҚЛИЙ МАШҚЛАР

Икки тасодифий сўз машқи.....	35
Архитекторнинг ақлбовар қилмас қобилиятлари машқи.....	36

<b>Дунё намойиши машқи.....</b>	<b>36</b>
<b>Сукут вақти машқи.....</b>	<b>37</b>
<b>Ўн вазифа машқи.....</b>	<b>37</b>
<b>Тонг кечаси бошланади машқи.....</b>	<b>38</b>
<b>Одатийликдаги ноодатийлик машқи.....</b>	<b>39</b>
<b>Гоялар оқимини кучайтириш машқи.....</b>	<b>39</b>
<b>Сўзлар бизга қўрингани каби эмас машқи.....</b>	<b>40</b>
<b>5-БОБ КРЕАТИВЛИК ВА ПЕДАГОГИКА</b>	
<b>5.1. Педагогик креативликнинг мазмуни.....</b>	<b>42</b>
<b>5.2. Замонавий педагогга нисбатан талаб сифатида креативлик салоҳияти.....</b>	<b>69</b>
<b>5.3. Жамоавий фаолият-Бўлажак педагогнинг креативлик салоҳиятини шакллантириш шарти.....</b>	<b>73</b>
<b>6-БОБ ҚЎРҚУВНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЕНГИШ ВА КРЕАТИВ ФИКРЛАШНИ БОШЛАШ МУМКИН</b>	
<b>6.1. Қизиқиш тўғрисида.....</b>	<b>79</b>
<b>6.2.Менинг иқтидорим нимада.....</b>	<b>81</b>
<b>КРЕАТИВЛИКНИ АНИҚЛОВЧИ ТЕСТЛАР.....</b>	<b>84</b>
<b>КРЕАТИВЛИК ВА ПЕДАГОГИКАГА ОИД АТАМАЛАРНИНГ ИЗОХЛИ ЛУҒАТИ.....</b>	<b>101</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>104</b>

**К. Н. ЮСУПОВА**

# **КРЕАТИВ ПЕДАГОГ БҮЛАМАН**

**(ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖЛАРИ  
ЎҚУВЧИЛАРИ ВА ПЕДАГОГЛАРИ УЧУН ЎҚУВ - ҚЎЛЛАНМА)**

Muharrir: I. Tursunova

Badiiy muharrir: B. Haydarov

Kompyuter sahifalovchi: N. Fayziyeva

Korrektor: Sh. Hikmatova

Nashr. lits. AI № 276 15.06.2015.

Bosishga ruxsat etildi. 24.02.2022.

Bichimi 60x84 1/16 Offset qog’ozi.

Times New Roman garniturasi.

Shartli bosma tabog’i 6,75. Nashr hisob tabog’i 3,9.

Adadi 100 nusxada. Buyurtma № 30-03.

“LESSON PRESS” MChJ nashriyoti.  
100071. Toshkent, Komolon ko’chasi 13.

«ZUXRA BARAKA BIZNES» MChJ bosmaxonasida chop etildi.  
Toshkent shahri Bunyodkor shoh ko‘chasi 27 A–uy.

